

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**У. Маҳкамов, Н. Тилябова**

**КАСБИЙ МАҲОРАТ**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими  
ўқув методик бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш  
томонидан “Касбий таълим(Иқтисодиёт)” таълим йўналиши талабалари  
учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган**

**ТОШКЕНТ – 2007**

Масъул муҳаррир проф. В. М. Каримова

**Тақричилар:** В.Каримова - п.ф.д., профессор  
М.Ҳакимова – п.ф.н., доцент

У. Маҳкамов, Н. Тилябова. Касбий маҳорат: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007, 126 бет.

Мазкур ўқув қўлланмада “Касбий маҳорат” фанининг методологик асослари, бўлғуси иқтисодчи-педагогларнинг касбий маҳоратларини ривожлантириш шарт-шароитлари, касбий таълимнинг назарий асослари, ўқитувчи ва унинг жамиятдаги ўрни, педагогик маҳорат ва уни ривожлантириш йўллари илмий методик жиҳатдан ёритилган.

Ўқув қўлланма олий ўқув юрти талабалари ва магистратура тингловчилари учун мўлжалланган.

#### Аннотация

В данном Учебном пособии Профессиональное мастерство поправления дано основном профессиональным мастерствомучетеля во время учебно-воспитательной так же управление обучения с научно-теоретической точки зрения, технология воспитания.

Учебное пособие предназначено для студентов бакалавров обучающихся в высших учебных заведениях.

#### Annotation

In this hand book the professional skinturity given to direction main professional skills of teacher during the educational and bringing, also managing the process of teaching from scientific and theoretical point of view, technology of bringing.

The hand book is recommended to bachelor students studying in higher educational institutions.

© Тошкент давлат иқтисодиёт университети 2007.

## КИРИШ

Бугунги кунда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларини амалга ошириш жараёнида юқори малакали педагогларни тайёрлаш муҳим муаммо сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Бинобарин, узлуксиз таълим тизимининг самарали фаолият кўрсатиши, энг аввало, малакали педагог кадрлар фаолиятига боғлиқдир. Шу боис, амалга оширилаётган таълимий ислохатлар кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуришни назарда тутди.

Шундай экан ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда билимдон, мустақил фикрловчи, ижодий изланувчи, юқори малакали, маданиятли, турли соҳа эгаларини тайёрлаш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бўлғуси иқтисодчини касбий тайёрлаш, касб-ҳунар олдида қўйиладиган талабларга мутаносиб инсонлар қилиб шакллантириш улар шахсига янгича ёндашиш ҳозирги ижтимоий тараққиётнинг зарурий талабидир. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир мутахассис касбий маҳоратини оширишни ташкил этиш, педагогик жамоада шарт-шароит яратиш ҳамда мустақил ўз устида ишлайдиган рақобат бардош кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу эса ўз навбатида ҳар бир мутахассис маҳоратини, умумий савиясини муттасил такомиллаштириш учун шароит яратишни талаб қилади. Айниқса, бу ўринда касбий таълим йўналишида билим олаётган бўлажак иқтисодчи ўқитувчиларнинг маҳоратини ошириш олий таълимнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бунда, ўқитувчи савиясини, меҳнатини, малака оширишини юқори даражага кўтариш ўқув-тарбия жараёнини қизиқарли ва мазмунли бўлишини таъминлайди.

Бу муаммони ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли ўқитувчилар маҳоратини ошириш жараёнида уларнинг билим, кўникма, малакасини илмий-услубий жиҳатдан аниқлашнинг ташкилий-педагогик асосларини янгича ишлаб чиқишдир. Ўқитувчилар касбий маҳоратини ошириш энг аввало, педагогик шарт-шароитлар ҳамда, олий таълим муассасасидаги барча имкониятлардан келиб чиқиб ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олишни ҳам назарда тутди.

Ўқитувчининг касбий маҳорати энг аввало, талабаларни ўқитиш, билим бериш, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш таълим берувчилар савияси билан белгиланади. Бу муаммо қанчалик мураккаб бўлишига қарамай ҳаётий зарурдир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ўқитувчи касбий маҳоратини оширишнинг ташкилий-педагогик муаммоларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш долзарб масаладир. Шунини айтиш керакки, ўқитувчилар тайёрлаш ва уларнинг шахсини, маданиятини, педагогик маҳоратини шакллантириш муаммолари бўйича ҳамдўстлик мамлакатларида бир қанча тадқиқот ишлари бажарилган. Ю.К.Бабанский, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузьмина, А.И.Шербаков, В.Г.Онушкин, В.А.Сластенин, Ю.К.Васильевлар, республика олимларидан А.И.Воробьев, Р.Х.Жўраев, Я.Ҳайдаров, У.Н.Нишоналиев, А.Р.Ходжабаев, Э.Т.Чориев, Т.Т.Мағзумов, Н.С.Сайдахмедов, Н.А.Муслимов,

К.Ж.Мирсаидовлар касб-ҳунар ўқитувчиларини тайёрлашда ва уларнинг таълимий-тарбиявий йўналишлари бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Бевосита педагог ходимлар малакасини, касбий маҳоратини оширишнинг назарий ташкилий-педагогик асослари, бу жараёни ташхис қилиш республикамиз олимларидан К.З.Зарипов, Ж.Ғ.Йўлдошев, Б.Нуриддинов ишларида тадқиқ қилинган. Педагоглар малакасини оширишнинг умумий масалалари Б.Исроилов, курс машғулотларининг ўқитувчилар педагогик маҳоратини оширишдаги аҳамияти тўғрисида М.Нишоновлар тадқиқотларида ишланган. Аммо юқоридаги илмий тадқиқот ишларида ўқитувчи касбий маҳоратини оширишнинг ташкилий-педагогик асослари ҳали махсус ўрганилмаган.

Лекин, олий таълим тизими ўқитувчи касбий маҳоратини оширишда асосий пойдевор ролини ўйнайди. Чунки, олий таълим педагогнинг ҳар томонлама чуқур касбий тайёргарлигини сифат ва самарадорлигини таъминлайди. Бундан ташқари педагоглар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш узлуксиз таълим тизимида тўлдириш, мослаштириш ва ривожлантириш вазифасини бажаради. Шунингдек, олий таълим бозор муносабатлари шароитида янги касбларни эгаллаш имкониятини беради. Шахснинг доимий ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга тайёрлашни таъминлайди. Ижодий имконият ва қобилиятларини мунтазам бойитиб боради.

Олий таълимнинг ривожланувчи функцияси тўлалигича ўқитувчи касбий маҳоратини ошириш жараёнининг босқичма-босқич мураккаблашиб бориш моҳиятига хосдир. Унда ўқитувчининг педагогик, касбий фаолияти такомиллашиб боради.

Касбий маҳорат бу ўқитувчининг моҳирона ўқув тарбиянинг ҳамма шакллари ташкил қила олиш, шахсни баркамоллиги, дунёқараши, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган жараёндир. Педагогик фаолият мураккаб тузилишга эга бўлганидек, унинг ҳосиласи бўлган касбий маҳорат ҳам мураккаб ва маълум шаклланиш жараёнининг маҳсулидир. Касбий маҳорат шаклланиши олий ўқув юртида бошланиб, ундан кейин амалий фаолиятда давом этади.

Касбий маҳорат маълум билимлар пойдеворида шаклланиб ривожланади. Билим асосида инсон табиат ва жамият ривожланиши қонунларини ва ўзининг моҳиятини, касбининг сирларини эгаллаб олади. Касбий маҳорат – ўқитувчининг кўникма ва малакалари асосида такомиллашади.

Кўникма – инсоннинг аввалги тажрибалари асосида муайян фаолият ёки ҳаракатни амалга ошириш қобилиятидир. Унинг физиологик асоси бош мия ярим шарлари пўстлоғида ҳосил бўладиган мураккаб шартли рефлекслардир. Кўникма малака билан узвий боғлиқ.

Малака – муайян ҳаракатларни доимий равишда бажариш натижасида малакага эга бўлишдир.

Ўқитувчи фаолиятида болажонлик, ҳурмат, ишонч, қизиқиш, интилиш, истак, инсонпарварлик, умуминсоний қадриятлар, меҳнатсеварлик ижобий муносабатлар, эътиқод кабиларнинг ўрин олиши уни ахлоқий маданият эгаси эканлигини намоён этади.

Касбий маҳорат жараёнида ҳуқуқ ва бурч, давлат рамзлари, ички ва ташқи сиёсат, таълим-тарбия жараёнининг қонуниятлари, ўқувчилар фаолиятини уюштириш, педагогика, психология ва физиология кабилар ҳақидаги маълумотларни дарс ва дарсдан ташқари ишлар жараёнида амалга ошириш таълим-тарбия сифатини самарали бўлишига ёрдам беради.

Ўқитувчи фаолиятида хушмуомала, хайрихоҳ, инсонпарвар бўлиши, ҳис-идрок, касбий-зйираклик, инсон-руҳий оламини ҳис қила олиш, педагогик интуиция, шахснинг ҳаракатчанлиги, мантикий ишонтара олиши, ўз-ўзини бошқара олиши, коммуникатив, ташкилотчилик, ҳаракатчанлик, ҳиссиёт, ижодкорлик каби фазилатларнинг ўрин олиши унинг маънавий маданиятини намоён этади.

Шунингдек ўқитувчи фаолиятида педагогик, дидактик, ташкилотчилик, таъсир кўрсата олиш кўникмаларининг намоён бўлиши унинг маҳоратли эканлигини кўрсатади. Дарс жараёнида кўргазмали қуроллар ва техник воситалардан фойдалана олиш қобилияти, ўқувчилар билан мулоқотда бўлиш, бошқариш, тезда муносабатга киришиши ҳам маҳоратли ўқитувчининг хусусиятларидир.

Шуни айтиш керакки, касбий маҳорат мураккаб ва кўп қирралидир. У ўз тузилишига эга бўлиб, ўқитувчи шахсининг инсонпарварлик йўналиши, билимлар, педагогик қобилият ҳамда педагогик техникасидан иборатдир. Бу компонентлар биргаликда юқори касбий маҳоратнинг шаклланиш асоси бўла олади. Чунки, педагогик тизим ҳисобланган педагог кадрлар маҳоратини ошириш жараёнини узлуксиз таълим талабларига мослаштириш, яъни узвийлигини таъминлашда олий таълим фаолияти муҳим роль ўйнайди.

Лекин, олий таълим мазмунини ўрганиш адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики ўқитувчининг касбий маҳоратини ошириш бўйича илмий-педагогик адабиётлар етарли даражада эмас.

Шунинг учун ҳам бизнинг назаримизда, касб маҳоратини такомиллаштиришда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- мутахассис кадрлар тайёрлаш ва уларнинг касбий маҳоратини оширишга нисбатан ижтимоий ва педагогик талабларни кучайтириш;
- мутахассис кадрларни тайёрлашда касбий маҳорат фаолиятини янада такомиллаштириш;
- касб маҳорат фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш;
- замонавий таълим концепциялари, психология, педагогика ҳамда касб-ҳунар таълими моҳиятини ёритувчи ахборот хизматлари;
- идрок этиш фаолиятини йўлга қўйиш шартлари, омиллари;
- замонавий ўқитувчи (педагог)нинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, эмоционал ва умумий педагогик маданияти, ижтимоий-педагогик фаолияти, маҳоратига қўйилувчи талаблар;
- педагогик технологиялар борасидаги назарий ва амалий билимларни эгаллаш;
- педагогик мақсадларга эришиш учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш;

– натижаларнинг самарали бўлишини таъминловчи педагогик технологияларнинг мақбул метод ва усуллари танлай олиш;

– педагогик сезгирлик, касбий башорат – олдиндан “кўра билиш” педагогик тахмин қилиш;

– фаол ижтимоий-педагогик фаолиятини ташкил эта олиш;

– шахсий ва касбий ўз-ўзини такомиллаштириш талаби;

– таълим-тарбия жараёнида талаба фаоллигини таъминлашга хизмат қилувчи педагогик технологиялар;

– талаба шахсининг таълим жараёнидаги етакчи мавқеи, унинг таълим-тарбия жараёнининг асосий субъекти сифатида тан олиниши, шунингдек, унинг шахсини ҳурматлашга бўлган ижтимоий талабнинг қарор топиши;

– янгиланган таълим мазмунида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устувор ўрин тутиши;

– таълим жараёнининг инсонпарвар ва демократик тамойиллари ва бошқалар.

Ушбу қўлланма касбий таълим йўналишида билим олаётган талабалар учун амалий аҳамиятга эгадир. Чунки, унда бўлажак иқтисодчи-педагог кадрлар касбий маҳоратининг илмий-назарий асослари, мазмуни, методикаси ишлаб чиқилган.

## I БОБ. “КАСБИЙ МАҲОРАТ” ФАНИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

- 1.1. “Касбий маҳорат” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.
- 1.2. “Касбий маҳорат” фанининг бошқа фанлар билан алоқаси.
- 1.3. Илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш услубиёти.

### 1.1. “Касбий маҳорат” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари

Ҳар бир шахсни касбга нисбатан қизиқтириш ўқитувчининг педагогик фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Таълимни турмуш билан боғлаш, уйғунлаштириш, талабаларнинг қобилиятлари, интеллектуал даражалари ва имкониятларини ҳисобга олиш ижобий самара беради. Чунки, ҳар бир касб-хунар шахсдан иродавий зўр беришни, ақлий жиддийликни, чидам ва сабр-тоқатни талаб қилади. Барча қийинчилик ва синовларга бардош бера оладиган йигит-қизларгина мазкур танланган касбга нисбатан яроғли деб топилади. Касб таълими эса худди ана шунинг амалий томонини ўзида акс эттириш имкониятига эга. Таълимни оқилона, оптимал йўл билан ташкил қилиш ва олиб бориш, меҳнатга онгли муносабатни таркиб топтириб, касб-хунарга нисбатан қизиқиш ҳиссини уйғотади. Бу борада касбий маҳорат фанининг роли ва ўрни катта ҳисобланади.

Касбий маҳорат фанининг **предмети**, касбий таълим-тарбиянинг замонавий қонуниятлари, мазмуни, усуллари, воситалари билан ёшларни, мутахассисларни ўқитишда маҳоратли бўлиш, унинг қонуниятларини давлатнинг замонавий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширади.

Касбий маҳорат фанининг **вазифаси** бўлажак иқтисодчи-педагогларда ўқитувчи касбига меҳр уйғотиш, унинг жамият тараққиётида муҳим эканлиги юзасидан муайян тушунча ҳосил қилиш:

- дарслик ва илмий адабиётлар устида ишлаш усуллари эгаллаш, машғулот жараёнида ўз маҳоратини намоён этиш;

- ўқитувчи маҳоратининг асосий объекти бўлган ўқувчи шахсига доимо ҳурмат ва эътиборда, ақл, ҳис-туйғу, ирода, ишонч, онг, тафаккур билан муносабатда бўлиш;

- фундаментал билимларни, касб маҳоратини, мутахассислик малакасини эгаллаш, педагогик қобилиятларини такомиллаштириш, иқтисодий билим ва педагогик фаолият узвийлигига эришиш, ўз-ўзини бошқариш;

- ўқитувчи шахси, унинг билими, малакаси, нутқ маданияти, меҳнат, мулоқот, ўйин, ўқиш фаолияти ҳақида билимга эга бўлиш кабилар ҳақида тўлиқ маълумот бериш.

Албатта, бунда дастлаб талабаларда унинг ҳуқуқларидан бири бўлган ҳар бир киши ўзи хоҳлаган касбини танлаши имкониятларини рўёбга чиқариш, касблар ҳақида ёшларга кераклича маълумот бериш, уларнинг келажақда ўз касбининг маҳоратли эгаси бўлиб етишишини таъминлашдан иборат.

Касбга йўналтириш деганда, талабаларга (шахсга) ўз қобилияти, қизиқишлари, имкониятлари ва ижтимоий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда онгли равишда касб танлашга ёрдам беришдан иборат фаолият тушунилади.

Талабаларни онгли ва тўғри касб танлашга тайёрлашда, яъни касбга йўналтиришда (профориентация) бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган қуйидагилар ҳақида маълумот бериш ўринлидир.

**Касбий маориф** –маҳаллий шароитларнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини ҳисобга олиб, у ёки бу касб эгаларига, мутахассисларга бўлган эҳтиёжларни, турли касблардаги профессионал меҳнатнинг мазмунини, касбнинг инсонга қўядиган талабларини, меҳнат шароитларини, моддий ва маънавий рағбатлантириш шароитларини, касбни эгаллаш мумкин бўлган ўқув муассасаларининг турларини маълум қилиш, яъни бунда талабалар турли касблар ва ихтисосликларнинг характери ва ўзига хосликлари билан танишадилар.

**Касбий консультация** - индивидуал характерга эга бўлиб, айрим талабаларга улар эгалламоқчи бўлган касбнинг хусусиятлари ва ўз имкониятларини тўғри англашга қўмаклашишни назарда тутди. Талабаларга касб танлаш юзасидан педагог, шу соҳа (касб) мутахассис, шифокор, психолог маслаҳат бериши мумкин. Талабалар касбий маълумот олиш чоғида нафақат касб тўғрисида, балки ўз организми, ўз характери ҳақида ҳам маълумотга эга бўлади.

**Касбий диагностика** - талабаларнинг у ёки бу касбга тайёргарлигининг барча жиҳатларини аниқлаш (ҳисобга олиш) методларини ўз ичига олади. Талабаларнинг биологик (туғма маънавий сифатлари), психологик (қизиқишлари, қобилиятлари ва ҳ.к.), ижтимоий (ҳаёт тарбия тарзи, ҳаётий маънавий мақсадлари ва ҳ.к.) хусусиятлари айти диагностик методикалар ёрдамида аниқлаб олинади ва улар касбга тайёргарликни тўғри белгилашга, асосли равишда касб танлашга ёрдам беради.

**Касбий танлаш (саралаш)** - ўқув муассасалари ва ишлаб чиқариш (ташкilotлар) мутахассислари томонидан амалга оширилиб, уларнинг педагогик тавсияларига биноан ўқувчилар аниқ касбларни танлайдилар.

**Касбга мослаштириш (профадаптация)** - бу ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларида, ишлаб чиқариш корхоналарида, деҳқон хўжаликларида ва умуман моддий ишлаб чиқариш соҳасида ўқувчиларнинг ихтисосликлар эгаллаши жараёнида уларни танланган касбнинг меҳнат шароитларига мослаштиришдир. Талабалар амалиёт жараёнида ўқитувчи меҳнатини ташкил қилиш, энг мақбул меҳнат усуллари қўллаш, психологик қийинчиликларни енгишга, ишнинг юқори натижаларига эришишга ўрганадилар.

Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги бўлган соғлом авлодни тарбиялаш нозик, ниҳоятда катта диққат-эътиборни талаб қиладиган жараёндир. Шундай экан, ўқитувчи талабанинг шаклланиш жараёнини зўр ҳавас ва синчковлик билан кузатиши лозим. Шундагина ўқитувчи педагогик ходисаларнинг моҳиятини ва диалектикасини, педагогик меҳнат методи, касб ва технологиясини ва профессионал педагогик маҳоратни эгаллай олади.



Касбий маҳорат бу мутахассис шахсини шакллантириш жараёни ҳисобланиб, у мафкуравий, экологик, меҳнат, ахлоқий, жисмоний, ақлий ва эстетик жиҳатдан тарбияланган кишига хосдир. Касбий маҳорат машғулот жараёнида камол топади. Ўз касбининг етук мутахассиси эканлигини намоён этади. Касбий маҳоратнинг бош мақсади ҳар бир шахсни меҳнатга ва касбий фаолиятга бўлган эҳтиёжларини шакллантиришдан иборатдир.

Касбий маҳорат умуминсоний маданиятнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, жамиятда ҳар бир шахснинг касбий шаклланиши, табиий истеъдодини, ўзлигини, эҳтиёжини, имкониятини малакаларини намоён этадиган жараёндир.

Шундай экан, касб маҳоратига эга бўлган ўқитувчи ўз ўқувчиларининг бошини қовуштириб, ўзига эргаштира олади. Амалий ишлари билан педагогик жамоа олдида муносиб ҳурмат ва иззат қозонади.

Касб маҳоратига эга бўлган ўқитувчи ўз ўқувчиларининг кўнглига йўл топиб, уларни эзгуликка, яхшиликка, бунёдкорликка даъват қилади ва ўзи ҳам улар юрагидан жой олади.

Ўз маънавиятининг ниҳоятда поклиги, дунёқараши олийжаноб тамойилларга мойиллиги, юксак ва ўткир ижтимоий мавқеда, позицияда туриб, ёниб, ҳалол, чуқур, қизиқарли ва теран фикрлай олиш истеъдоди билан бошқалардан ажралиб туради.

Касб маҳоратига эга бўлган ўқитувчи ўз ишига фидойи, улкан маънавият эгаси, билимли, илғор дунёқарашли бўлиб, Ватан, халқ, мустақил ривожланишимиз манфаатига сидқидилдан хизмат қилади. Миллатнинг миллат, халқнинг халқ бўлишига самарали таъсир кўрсатади. Бундай кишининг бош фазилати – Ўзбекистон эришган мустақилликка қалбдан, виждонан, теран иймондан иборат фидойиликда намоён бўлади. Айниқса, инфорацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги глобаллашув шароитида, жумладан, Ўзбекистонимизнинг мустақил тараққиёти, келажаги, бир чеккаси мафкуравий кураш майдонларида ҳал бўлаётган бетакрор тарихий даврда ўқитувчиларнинг масъулияти янада ошади. Доимо Ватан билан бирга бўлиш, қийинчиликларни биргаликда енгиш, эришаётган ютуқларидан қувониш, унинг ор-номуси, қадр-қиммати учун курашиш ҳар бир ўқитувчининг бурчидир.

Глобаллашув шароитида ўқитувчи зиммасида бир-биридан долзарб, бир-биридан масъулиятли вазифалар турибди. Лекин, бу вазифалар орасидаги энг муҳим бир йўналиш бор. Бу – халқимиз манфаатларини ҳимоялашдан иборат.

Бизнинг миллий ғоямиз бўлмиш юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигига эришиш, мухтасар айтганда, эркин, озод ва обод ҳаёт барпо этиш йўлидаги ғов ва муаммоларни бартараф этиш учун фарзандлар кўзини кенг очиб бориш, уларни йўлдан олиб ташлашга бор маҳорати ва истеъдодини бағишлашни тушунамиз.

Касб маҳоратига эга бўлган ўқитувчи ўсиб-униб келаётган ҳар бир авлод янги замон кишиси эканлигини ҳис қилган ҳолда, ёшлар билан алоҳида шуғулланиши, уларнинг замонавий талабларига жавоб бера оладиган, ёшларнинг интилишларини йўлга сола оладиган, миллий ғурурни уйғота оладиган эзгу ғояларни ўртага ташлай билиши лозим.

## 1.2. “Касбий маҳорат” фанининг бошқа фанлар билан алоқаси

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти ўқув фанлари, блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талабларида “таълим ва тарбия жараёнининг мустақил фикрлайдиган, қарорлар қабул қилишга қодир, ҳар тамонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантиришга йўналтирилганлигини таъминлаши лозим”лигига алоҳида аҳамият берилган. Албатта, ушбу қўйилган талаблар олий ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнини юқори даражага кўтариш, ўқитишни янги методлар асосида амалга ошириш, талбаларда мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, уларда меҳнат кўникмаларини шакллантириш, касбга бўлган қизиқишини такомиллаштириш, талабаларнинг касбий маданиятини шакллантириш ва билим даражасини ошириш каби вазифаларнинг сифатли даражада бажаришини тақозо этади. Бу вазифаларни амалга оширишда олий ўқув юрти талабаларида касбий маҳорат ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, касбий маҳорат мустақил фикрлаш, мустақил ишлаш кабиларнинг асосий манбаи бўлибгина қолмай, балки ҳар бир шахснинг ижобий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича маҳорат хусусиятларини намоён этиш имкониятларини оширади.

### «Касбий маҳорат» фанининг бошқа фанлар билан алоқаси



Бўлажак иқтисодчи педагогларда касбий маҳоратни шакллантиришнинг асосий мақсади иқтисодий таълимини ривожлантириш асосида давлат, жамият ва шахс манфаатларини қониқдира бориб, касб-ҳунар коллежлари учун юқори малакали, рақобатбардош муҳандис-педагоглар тайёрлашдан иборатдир. Дарҳақиқат бугунги кунда олий таълим давлат таълим стандартларига мувофиқ илғор, замонавий, олий таълим ва касб-ҳунар дастурлари асосида юқори, самарали ўқитишни ташкил қилиш ва малакали иқтисодчи-педагог кадрларни етиштиришни таъминлаш зарур.

Буни амалга ошириш мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланиши истиқболари, жамият талабаларига биноан фан, техника, илғор педагогик ва ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва маданиятнинг замонавий ютуқлари асосида талабалар ўқитишни ташкил қилиш ва унинг услубларини мунтазам такомиллаштириш имкониятини беради. Шунингдек, бўлажак иқтисодчи-педагогларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида мустақиллик ҳоялари, ватан, оила, табиатга меҳр ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодчи-педагогларни ўқув амалиётларини касб-ҳунар коллежларида янги педагогик ва ахборот технологияларини киритган ҳолда ўтказилишни ташкил этиш ва таъминлаш, олий ўқув юрти, касб-ҳунар коллежлари, фан ва ишлаб чиқаришнинг уйғунлашувининг амалий тизимларини яратиш ва амалиётга киритиш, илмий-педагогик кадрлар ва бўлажак иқтисодчи-педагог талабаларнинг илмий-тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фан, техника ва технологияларни ривожлантириш, республика касб-ҳунар коллежлариининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўзаро ҳамкорлик битимлари асосида иқтисодий таълимининг янги йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш ва амалга ошириш, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари билан ҳамкорликда дарслик, ўқув қўлланмалар ва услубий кўрсатмалар яратиш талабаларда касбий маҳоратни шакллантиришнинг асосий негизи ҳисобланади.

Бунда, албатта халқаро миқёсда ҳамкорлик олиб бораётган олий ўқув юртлари ва марказлар билан иқтисодчи-педагогларлар тайёрлашни ривожлантириш ва тажрибалар алмашиш муҳим аҳамиятга эга. Бўлажак иқтисодчи педагогларда касбий маҳоратни шакллантиришда касбий таълим йўналишлари бўйича ўқитиладиган фанларнинг ўрни бениҳоядир.

**Педагогика** – фанини ўқитиш жараёнида касбий таълим йўналишида педагогика фанининг предмети, мақсади ва вазифалари, педагогика фанининг иқтисодчи педагоглар тайёрлашдаги назарий асослари, касбий таълим педагогикасининг бошқа фанлар билан алоқаси, касбий таълим методологияси ва илмий тадқиқот методлари, дидактика, тарбия назарияси ҳақида билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади.

**Психология** - фанини ўрганиш жараёнида иқтисодчи педагоглар фаолиятининг психологик хусусиятлари, психологик асослари, ишлаб чиқариш фаолиятининг турлари ва уларнинг тузилиши, бошқарув психологияси, касб психологияси ҳақида назарий ва амалий билим, кўникма ва малакалар камол топтирилади.

**Дидактик воситалар комплекси** – фанида дидактика таълим назарияси, ўқитиш жараёни, таълим тамойиллари ва қонуниятлари, таълим мазмуни, касб-хунар коллежларида ўқитиш методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини ташкил этиш шакллари ҳақида билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади.

**Балоғатга етиш физиологияси ва гигиенаси** – ўсмирлар даври гигиенаси ва физиологияси, ёш эндикренологияси, жинсий етилиш давлари, овқатланиш гигиенаси, гинетика ва наслдан наслга ўтишдаги замонавий тушунчалар ҳақида билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади.

**Педагогик маҳорат** – педагогика-психология фанидаги педагогик маҳорат моҳияти, педагогик қобилият ва малакалари, педагогик мулоқоти, ўқитувчининг дарсдаги ва тарбиявий ишдаги маҳорати, ўқитувчи маҳоратини ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитларини ташкил этишнинг кўникма ва малакаларини ривожлантиради.

**Касбий таълим услубиёти** – фанида касбий таълим фанини ўқитиш методикаси курсининг предмети, вазифалари ва илмий асослари, касбий таълим фанини ўрганишда қўлланиладиган услублар, касбий таълим услубияти машғулотларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, касбий таълим бўйича ўтқизиладиган дарсда қўлланиладиган услублар, кўргазмали қурол ва техник воситалардан фойдаланиш ҳақидаги билим, кўникма ва малакалар билан қўроллантиради.

**Касбий маҳорат** – фанида касбий маҳоратнинг фалсафий-методологик асослари, касбий маҳоратда изланиш методлари, малакавий билим беришда асосий ривожланиш тизимининг тенденциялари, касбий маҳорати ҳақида маълумотлар берилади.

**Янги педагогик технологиялар** – фанида педагогик технология фанининг мақсад ва вазифалари, янги педагогик ва ахборат технологияларини ўрганиш ва қўллаш, янги педагогик ва ахборат технологиялари, ўқув-тарбиявий жараёни услублари, талабаларга педагогик технология ҳақида тўлиқ маълумот бериш ва таълим технолоиялари ривожланишининг босқичлари, ўқув машғулотларни лойиҳалаштириш, ҳақида билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади.

Бўлажак иқтисодчи педагогларда касбий маҳоратни шакллантиришда махсус гуманитар фанларни ўрганиш диққатга сазавордир.

**Нутқ ва муомала маданияти** – фанида нутқ маданияти, педагогик мулоқот, муомала жараёни, унинг таркибий қисимлари, нутқ ва тафаккур маданияти, Ўрта Осиё мутафаккирлари нутқ ва муомала маданияти ҳақида билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади. Нутқ маданиятининг тафаккур ва фикрлашдаги ўрни, унинг сермазмун, аниқ равшан, равон, тўғри, таъсирли, бадий, мантикий, адабий тил қонун қоидаларига тўлиқ жавоб бериши, талаффуз этиш кабилардан келиб чиқиб, мулоқот жараёнида фойдаланиш ҳақида билимлар берилади.

**Социология** – фанида инсон ҳаётининг ижтимоий жиҳатларини ўрганади. Социология талабаларга жамияти-миздаги ижтимоий жараёнларни, ижтимоий гуруҳларда содир бўлаётган иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий, маданий ўзгаришлар моҳиятини англаш имкониятини яратади.

**Тарбиявий ишлари услубияти фанида (касб-хунар коллежларида)** - тарбиявий ишлар жараёнининг моҳияти, методлари, жамоада тарбиявий ишларни ташкил этиш ва бошқариш услубиятлари, маънавий-ахлоқий тарбия, экологик тарбия, меҳнат тарбияси, жисмоний тарбияларни ташкил этиш ҳақида билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади.

**Касб этикаси** – мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари, ахлоқ, касб этикасининг шаклланиши ва ривожланиши, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик ҳақидаги билим, кўникма ва малакалар ривожланади.

Албатта бу ишларни амалга оширишда узлуксиз таълим турлари, айниқса олий таълим ўқув муассасаларининг аҳамияти бекиёсдир. Чунки ушбу масканда таълим олаётган ҳар бир ёш йигит-қиз фақатгина у ёки бу соҳа мутахассислигига эга бўлибгина қолмай, жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топади, жамиятимиз ҳаётида фаол иштирок этади. Ўзининг билими, маънавияти, маданияти билан Ўзбекистон тараққиётининг бош йўли бўлган озод ва обод Ватан учун меҳнат қилади. Албатта бундай улкан вазифаларни амалга оширишда олий таълим ўқув юртларида ўқитиладиган “Касбий маҳорат” фанининг аҳамияти каттадир. Чунки, “Касбий маҳорат” талаба шахсини маънавий шакллантиришда, миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялашда, уларнинг маданиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

### **1.3. «Касбий маҳорат» фанининг илмий-тадқиқот методлари**

Касбий маҳорат фани ўз мазмун моҳиятини бойитишда, янгилашда мавжуд педагогик ҳодиса ва жараёнларни унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган усулларига амал қилади. Ушбу илмнинг илмий-тадқиқот усуллари деганда ёш авлодни тарбиялаш, билимли қилиш ва ўқитишнинг реал жараёнларга хос бўлган ички алоқа ва муносабатларни текшириш, билиш йўллари, услублари ва воситалари мажмуи тушунилади. Касбий маҳорат фанининг илмий-тадқиқот усуллари қанчалик тўғри танланса, таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада юксалади. Аммо, шуни таъкидламоқ лозимки, илмий тадқиқот методлар тизими ҳали ҳозиргича фанда тўла яратилган, ҳал этилган эмас. Мавжуд ва ишлаб чиқилган қуйидаги илмий тадқиқот усулларига таяниб фикр юритиш мумкин.

- Педагогик кузатиш усули.
- Сухбат усули.
- Болалар ижодини ўрганиш усули.
- Сўровнома, тест усули.
- Касб-хунар коллежлари ҳужжатларини таҳлил қилиш усули.
- Эксперимент, тажриба, синов усули.
- Статистика маълумотларини таҳлил қилиш усули.
- Математик-кибернетик усул.

**Педагогик кузатиш** – бу метод орқали педагогик ҳодиса моҳиятини кузатиш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳуқ-атвори ва муомалаларидан

ўзгаришларини ҳисобга олиш ва тегишли таълимий-тарбиявий таъсир кўрсатиш йўлларини белгилаш, фанларни ўзлаштириш назорат қилинади.

**Суҳбат методи** – сўрашнинг бир тури бўлгани ҳолда, тадқиқотчининг жиддий тайёргарлик кўришини талаб этади, чунки у текшираётган шахс билан бевосита алоқада бўлиш вақтида оғзаки суҳбат тарзида, суҳбатдошнинг жавобларини ёзмасдан эркин муомала шаклида қўлланилади. Ҳозирги кунда оммавий сўраш, интервью ташкил этишнинг кўп усуллари мавжуд.

**Ҳужжатларини таҳлил қилиш усули** – бунда ўқувчиларнинг умумий миқдори, унинг ўсиши ёки камайиши сабаблари тавсифи, ўқувчиларнинг фанлар бўйича ўзлаштириш даражасига, рағбатлантириш ва жазолаш чоралари турларига, ўқув юртининг моддий базасига эътибор берилади.

**Тест синовлари методи** – бу ёзма жавобларнинг оммавий равишда йиғиб олиш методидир. Тест синовларини ишлаб чиқиш мураккаб жараёндир. Одатда тест саволларини маълумотларини компютерда математик статистик методлари билан ишлашга имкон берадиган қилиб тузилади.

Ўз самарадорлиги ҳамда талабаларнинг фанни ўрганишдаги эришган даражалари, олган билимларининг пухталиги қай даражадалигини ҳам аниқлаш имконини берадиган услуб бу **тадқиқот** услубидир.

Бу услубда талабалар юз бераётган воқеликни кузатиш, фактларга диққатни қаратиш, улардан хулоса чиқаришни ўрганишади.

Тадқиқот методини иқтисодиётни ўрганишга тадбиқ қилиш талабаларнинг пухта билим олишларига катта ёрдам беради. Ушбу метод орқали мавзунинг мазмуни чуқур ўзлаштирилади. Талабаларнинг ахборот тўплаш, тўпланган ахборот устидан ишлаш, хулоса чиқариб баҳолашга ўргатиб борилади.

**Дарсни тадқиқот методи асосида ташкил қилишнинг таркибий қисмлари.**

1. Дарсда талабаларни ҳақиқатдан қизиқтирадиган савол ёки масала қўйилади.

2. Ўқитувчи талабаларга бирон-бир гипотеза таклиф қилиши ёки талабаларнинг ўзлари муҳокама қилаётган масаланинг ечимининг мумкин бўлган вариантларини таклиф қилишлари, тушунтиришлари мумкин.

3. Талабалар маълумотлар йиғишади, ахборотлар тўплашади, мустақил равишда адабиётлар ўқиб, жадвал, график, видеофильм ва бошқаларни ўрганиб, ҳар бири шахсан ўзи тадқиқот ўтказади ёки дарсда тадқиқот ўтказишда қатнашади.

4. Олинган маълумотлар асосида қўйилган масала бўйича хулоса чиқарилади.

5. Аввалги айтилган гипотеза тўғрими ёки йўқ аниқланади. Нотўғри бўлса, чиқарилган хулоса бўйича янги таъриф берилади.

Тадқиқот услубига дарс ўтишнинг методи сифатида турлича ёндошиш мумкин. Кўпчилик бу услуб талабаларга маълумотларни ўрганиш, синчковлик билан таҳлил қилиш, кишиларнинг ҳатти-ҳаракати қандай бўлиши мумкинлигини ўрганиш, хулоса чиқариш, саволларга жавоб беришга ёрдам беради. Шунинг учун, айниқса, иқтисодиёт назариясини, умуман иқтисодий фанларни ўрганишда қўллаш ниҳоятда зарур деган фикрни билдиради.

Тадқиқот услуби талабаларни бевосита ўрганилаётган мавзу, муҳокама қилинаётган масалага бевосита қатнашиш, илмий изланишга амалий ёндошиш имкониятини беради. Бу методни қўллаб дарс ўтганда дарс беришнинг бошқа услулларидан ҳам фойдаланилади.

Бу услуб дарс беришнинг бошқа услубларидан:

- иқтисодий фикрлашнинг юқори босқичига асосланганлиги;
- талабаларнинг бор интеллектуал қобилиятларини ишга солиши;
- илмий изланишда талабаларнинг бевосита иштирок этишлари;
- маълумотлар, далиллар асосида ҳисоб-китоб қилиб, хулоса чиқариш ва баҳолашга ўргатиши билан фарқ қилади.

Дарс ўтишнинг тадқиқот услубида қўйилган масалани ҳал қилиш учун талабалар ўзлари қатнашишлари туфайли пухта билим олишларига имконият яратилади. Улар илмий изланишга, қўйилган масаланинг муҳокамаси жараёнида ўз фикрларини мустақил равишда ўртоқлашишга, бошқаларнинг билдирган фикрларини мушоҳада қилишга ўрганишади.

Маълумотларни, далилларни таҳлил қилиш жараёнида талабалар қизиққонлик қилмай объектив тарзда масалани ечишга, рақамларга кўр-кўрона ёндошмасликни, улар замирида иқтисодий ҳодиса, қонунлар яширинганлигини кўришга ўрганадилар. Билишнинг нисбий эканлиги, далиллар ўзгариши ва янги маълумотлар олиниши хулосани ҳам ўзгаришга олиб келишини тушунишга ёрдам беради.

Талабалар турли ахборотлар ва мантиқий мушоҳада орқали ўз тахминлари, ўртоқлари билдирган фикрларни тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлашади. Маълумотлар асосида тенденциялар, қонуниятлар амал қилишини аниқлашга ҳаракат қилишади. Илгари сурилган гипотеза билан чиқарилган хулосани таққослаб ягона қарорга келишади.

Талаба қўйилган масалани тадқиқот методи асосида муҳокама қилиш, масалани чуқур ўрганиш учун зарур адабиётлар, ахборотлар билан узлуксиз ишлаш зарурлигини тушунади. Буни тадқиқот услубида юқори даражада фикр юритиш зарурлиги ҳам талаб этилади. Шунинг учун ҳам бу услуб талабаларнинг пухта билим олишларини таъминлайди. Улар ўрганаётган предметларининг мазмунини тушунибгина қолмай, ахборот тўплаш ва уни таҳлил қилишни ҳам ўрганадилар.

Кўпчилик педагоглар тадқиқот услубини талабаларнинг билим олишлари қамрови жиҳатидан бошқа методлардан қолишмаслиги, айрим жиҳатлари билан эса афзаллигини таъкидлашади.

Дарсни ўтказишда ўқитувчи ўрганиладиган мавзу бўйича тайёргарлик кўришни ахборот, маълумот, далилларни тўплашни талабаларга аввалдан топшириши мумкин. Ёки ўқитувчининг ўзи зарур далил, маълумотлар асосида талабалар олдига муаммо қўйиб, уни биргаликда ечиши мумкин. Бунда амалий ўйин, турли иқтисодий моделларни ифодаловчи график, жадваллардан ва бошқа услублардан фойдаланиш орқали тадқиқот ўтказиш, тадқиқотнинг қизиқарли тарзда бўлишига олиб келади, ҳамда барча талабаларнинг фаол қатнашишига эришилади.

Бу усулда бутун гуруҳ биргаликда иқтисодиётни, қолаверса дунёни яхшироқ тушунишга интилувчи изланувчиларга айланишади.

Лекин, бу услубни қўллаш осон эмас. Биринчидан, бу услубда дарс ўтиш кўп вақт талаб қилади. Қўйилган бир муаммони тадқиқ қилиш учун ҳамма диққат қаратилиб, мавзудаги бошқа масалалар кейинга сурилиши ёки қолиб кетиши мумкин.

Иккинчидан, тадқиқот услуги асосида дарс ўтиш гуруҳ талабаларининг барчасининг қобилияти жиҳатидан бир-бирига яқин бўлишини ва фикрлашнинг “когнитив” даражаси юқори бўлишини талаб қилади. Бунга айниқса, 1-курсада эришиш қийин.

Учинчидан, тадқиқот услуги ўқитувчидан чуқур билим, тажриба, талант талаб қилади. Чунки тадқиқот ўтказиш учун ўқитувчининг ўзи ижодий фикрлаш қобилиятига эга бўлиши, тадқиқот жараёнида юз берадиган ҳар қандай кутилмаган ҳодиса, талабалар томонидан қўйилган савол, масала ёки муаммога ҳозиржавоб бўлиши, улардан айнан тадқиқот ўтказилаётган масалани ечишда фойдаланиш маҳоратига эга бўлиши керак.

Тадқиқот услубининг **афзалликлари**:

1. Талабани объектив ва мустақил фикр юритувчи мутахассис сифатида шаклланишига ёрдам беради.

2. Маълумотлар, далилларга диққат билан ҳисоблашиб ёндашишга ўргатади.

3. Ҳар қандай билим нисбий эканлигини тушунишга ёрдам беради.

4. Мантиқий фикрлашга ўргатади.

5. Юзаки қабул қилинган қарорларга ишончсизлик билан қарашни тарбиялайди.


6. Юқори даражада фикр юритишга ундайди.

7. Фақат мавзунинг мазмунини ўзлаштириш эмас, балкимантиқий фикрлашга ўргатади, муаммоларни ечиш учун кўникма ҳосил қилади.

Ўқитувчининг касбий маҳорати шундаки, у ижодий фикрлаш қобилиятига эга бўлиши муаммоларни ечиш ва режалаштириш малакасини эгаллаган бўлиши керак. Ўқитувчи фақат “билим бериб”гина қолмай, талабаларни моҳирлик билан мантиқий асосланган хулосага келишга ёрдам бериши мақсадга мувофиқдир.



## Касбий маҳорат фанининг илмий-тадқиқот методлари



Дарҳақиқат бугунги кунда касбий маҳорат фани бўлажак мутахассиснинг маънавий шаклланишида, унинг шахс сифатида ривожланишида комил инсонни вояга етказишда устувор фанлардан бирига айланди. Шундай экан,

олий ўқув юртлари талабалари учун касбий маҳорат курсини ўқитиш жараёнида талабаларнинг фан асосларини онгли эгаллаши интеллектуал маънавий ривожланишига, инсоният эришган бой қадриятларга суянган ҳолда касбий маҳорат фанининг ўзига хос илмий-амалий асослари билан қуроллантиришга эришиш мақсадга мувофиқдир.

Касбий маҳорат фани ўзининг предмети ва методологик асосларига эга. Бошқа фанлар каби касбий маҳорат фани жамиятнинг талаб эҳтиёжлари асосида пайдо бўлди ва ривожланди. Шу сабабли, касбий маҳорат жараёнини ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми, деб қараш лозим. Чунки, касбий маҳоратга эга бўлмасдан туриб жамиятни ривожлантириш қийин. Маълумки, касбий маҳорат фани шахс камоли ва мутахассис шаклланишида муҳим ўрин тутди. Мутахассиснинг ривожланиши қийин мураккаб жараён, у кўплаб ички ва ташқи таъсирлар ва омиллар орқали рўёбга чиқади. Касбий маҳорат фанининг энг муҳим вазифаси бўлажак мутахассисни шакллантириш ва шахсни камолга етказишдир.

### Хулоса

Ушбу бобда “Касбий маҳорат” фанининг предмети, мақсади мазмуни, усуллари, воситалари методологик асослари, қонуниятлари ишлаб чиқилган.

Касбий маҳоратнинг вазифаси ёшларнинг энг асосий ҳуқуқларидан бири бўлган ҳар бир киши ўзи хоҳлаган касбини танлаши имкониятларини рўёбга чиқаради. Касблар ҳақида ёшларга кераклича маълумот беради. Уларнинг келажақда ўз касбининг маҳоратли эгаси бўлиб етишишини таъминлайди. Шу муносабат билан ушбу бобда талабаларга **касбий маориф** ҳақида маълумотлар берилган. Унда турли касб меҳнатнинг мазмуни, касбнинг инсонга қўядиган талаблари, моддий ва маънавий рағбатлантириш шароитларининг моҳияти кўрсатилган.

Шунингдек **касбий консультация** талабалар эгалламоқчи бўлган касбнинг хусусиятлар ҳақида касбий консультация мазмуни ёритилган. Талабаларнинг у ёки бу касбга тайёргарлигининг барча жиҳатларини аниқлаш (ҳисобга олиш) методлари, психологик (қизиқишлари, қобилиятлари ва ҳ.к.), ижтимоий (ҳаёт тарбия тарзи, ҳаётий маънавий мақсадлари ва ҳ.к.) хусусиятларини ифодаловчи диагностиканинг моҳияти ўқитувчиларга тавсия этилган.

Касб танлаш, касбга мослаштириш хусусиятлари кўрсатилган. Шу билан бирга касбий таълим йўналишида ўқитиладиган педагогика, психология, дидактик воситалар комплекси, физиология ва гигиена, педагогик маҳорат, касбий таълим услубиёти, касбий маҳорат, янги педагогик технологиялар, нутқ ва муомала маданияти, социология, тарбиявий ишлар услубиёти (касб-ҳунар коллежларида), касб этикаси каби фанларнинг мазмуни ифодаланган.

Ушбу бобда педагогик кузатиш, суҳбат методи, ҳужжатларни таҳлил қилиш усули, тест синовлари методи каби илмий-тадқиқот методлари кўрсатилган.

## **Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар**

1. “Касбий маҳорат” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
2. Талабаларни касбга йўналтиришда ўқитувчи қандай раҳбарлик маданиятига эга бўлиши лозим?
3. Касбий маҳоратни эгаллаш йўллари нималардан иборат?
4. Илмий тадқиқотнинг қандай усуллари мавжуд?
5. Тадқиқот методининг таркибий қисмлари нималардан иборат?
6. Тадқиқот методининг афзаллик томонларини кўрсатинг.

## **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагог мутахассислигига тайёрлаш технологияси. – Т.: ТДПУ, 2000.
2. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: ТДПУ, 2003.
3. Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 2004.
4. Очилова Г. Педагогик маҳорат. – Т., 2005.
5. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Т., Жумабоева Ф.А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. – Т., 2002.
6. Хўжаев Н.Х., Ходиев Б. Ю., Янги педагогик технологиялар: Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2002.
7. Психология и педагогика. Под.ред. А.А.Радугина. – М., 2003.
8. Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А. Сласс-тенина. – М.: Академия. 2004.
9. [www.tgeu.uz](http://www.tgeu.uz).-Тошкент Давлат Итисодиёт Университети веб сайти.

## **II БОБ. “КАСБИЙ МАҲОРАТ” ФАНИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

- 2.1. Ўқитувчининг таълим жараёнига таъсир кўрсатиш услубиёти.
- 2.2. Ўқитувчиларнинг тарбияланувчилар билан муомала маданияти.
- 2.3. Устоз-шогирд муносабатларини шаклланиш тарихи.
- 2.4. Ўқитувчининг ижодий кайфиятини бошқаришнинг асосий йўналишлари.

### **2.1. Ўқитувчининг таълим жараёнига таъсир кўрсатиш услубиёти**

Бугунги кунда иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислохотларнинг асосий мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилишдан иборатдир. Шу жиҳатдан ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий ғояни ўзида мужассам этган янги авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Республикамиз ҳукумати халқ таълими соҳасида ўртага қўяётган вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ. Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг хилма хил фаолиятини уюштириш, уларни билимли, одобли, эътиқодли, меҳнатсевар, баркамол инсон қилиб ўстириш ўқитувчи зиммасига юклатилган.

Дарҳақиқат, халқимизнинг келажаги, мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи кўп жиҳатдан ўқитувчига, унинг савиясига тайёргарлиги, фидоийлигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишида бўлган муносабатига боғлиқ. Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Шу боис мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданок буюк маданиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштиришга катта аҳамият бериб келинмоқда. Ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини амалга оширилиши педагогик маҳоратни такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Замонавий ўқитувчига биргина умумий маданиятнинг ўзи кифоя қилмайди. Шунингдек, махсус билимлар ва малакалар асосида болаларини кузатиш, уларнинг ўсишидаги муҳим нарсаларни жамиятда вужудга келган асосий ижтимоий ғоялар билан таққослаш, таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш йўллари ва усулларини аниқлаш, турли воситалар билан тарбиявий таъсир кўрсатиш, таҳлил қилиш, педагогик изланишлар ва ютуқларни илмий жиҳатдан бир тизимга солиш мақсадга мувофиқдир.

Албатта, бунда ўқитувчи талабчан, яхши меҳрибон, сабрли, босиқ ва ўз касбига нисбатан эътиқодли бўлиши лозим. Болани бутун қалби билан севадиган ўқитувчи кўпроқ табассум қилади, камроқ қовоқ солади. Болаларга билим бериш билан биргаликда айни вақтда уларга ўз характерини ўтказа олади, уларга одамийлик намунаси бўлиб кўринади.

Ўқитувчининг касбга оид маҳоратини шакллантиришда педагогик-психологик назарияларнинг аҳамияти каттадир, чунки маънавиятимизнинг шаклланишида ўз-ўзига эга бўлган улуғ инсонлар фаолияти тўғрисида, уларга қўйилаётган талаблар ҳақида замонавий педагогик технологиялар тўғрисида назариялар касбий маҳоратни шакллантиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади.

Педагогик тажрибаларни такомиллаштиришда илмий педагогик маълумотлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ҳозирги замон фан ва техника тараққиёти ўқитувчининг ижодкор бўлишини фаннинг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита олиши, фан ютуқларини ўқувчиларга етказа олиши ва ниҳоят ўқувчиларни ҳам ижобий фикрлаш, тадқиқотчилик ишларини ўргата олишини талаб қилади. Шунинг учун ўқитувчи аввало, тадқиқотчилик ишларини олиб бориши ва бу соҳадаги малакаларни эгаллаши зарур. Ўқитувчи илмий тадқиқот ишларини олиб бориши давомида, тажрибаларни тўплайди, таҳлил қилади, улар асосида хулосалар чиқаради. У шу хулосалардан ўзининг амалий фаолиятида фойдаланиш жараёнида ҳозирги замон ўқитувчи учун зарур бўлган жуда муҳим билимларни эгаллайди.

Касбий маҳоратни такомиллаштиришда шахсий педагогик изланишнинг аҳамияти каттадир. Ўқитувчи ишидаги муваффақиятни кунлик фаолиятида катталар ва болалар, айрим гуруҳ ва якка шахслар билан алоқага кириша олиш қобилиятини таъминлайди. Алоқалар фаолиятда дуч келадиган турли хил воқеаларга педагогик қоидалар нуқтаи назаридан эмас, балки шароитни ҳисобга олган ҳолда ижобий ҳал этиш талаб этилади.

Кенг илмий савияга эга бўлиш, интеллектуал қизиқиш, янгиликни ҳис қила билиш, касбий маҳоратни оширишга интилиш ўқитувчига хос хусусиятлардан ҳисобланади.

Таълим сифати давлат таълим стандартларига мувофиқ бўлиши учун амалий ва назарий машғулотлар ўтказилади. Бу соҳада илмий тадқиқот ишлари амалга оширилади. Шахсий изланишлар ва илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ўқитувчининг касбий маҳоратини такомиллаштиришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Мустақил Ўзбекистон давлатининг касб-ҳунар таълими коллежларида ишлайдиган ўқитувчи ватанпарварлик бурчини туғри англаган ҳолда ихтисосга доир билимларни чуқур билишлари лозимдир. Шунингдек, назарий, миллий ва умуминсоний қадриятларни, дунёвий, диний илмлардан ҳам хабардор маънавий баркамол бўлмоғи лозим.

Халқимизнинг келажаги мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи кўп жиҳатдан ўқитувчига унинг савиясига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқ.

Ўқитувчи шахсининг касб соҳасидаги хусусиятлари бу - ўз касбига муҳаббатли бўлиш, педагогик назокат, педагогик тасаввур, ташкилотчилик қобилияти, ҳаққонийлик, дилкашлик, талабчанлик, қатъийлик ва мақсадга интилиш, вазминлик, ўзини тута билиш, касбий лаёқатлик ва бошқалар.

Самарали педагогик таъсир кўрсатишни туғри ташкил этиш болалар билан муомала қилишда, самимий муносабатда бўлишга ёрдам беради. Амалий педагогик фаолиятда илмий ғоялар ва педагогик тарбияни қўллаш, ўқитувчи

меҳнатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Лекин бу меҳнат натижалари дарҳол кўринмайди. Унинг маҳсулини кўриш учун йиллаб меҳнат қилиш керак. Ўқитувчи фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу фаолият ўзининг сифат кўрсаткичлари бўйича ҳам турлича бўлади. Ҳақиқий фидоий ўқитувчилар ўз фаолиятида энг яхши натижаларга эришадилар. Тажрибали новатор ўқитувчилар болаларга самарали таълим тарбия бериш билан бир қаторда педагогика фанидан янги йўл ҳам очмоқдалар.

Касбий меҳнатни амалга ошириш жараёнида қуйидаги хусусиятларни ўз фаолиятида амалга оширишлари зарур.

1. Ўқитувчининг сиёсий қарашлари ва эътиқодининг аниқлиги ҳамда барқарорлиги, ўқувчилар олдида чинакам обрў эътибор қозониши.

2. Мамлакатнинг бутун ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиш ва эгаллаган тажрибаларни таълим муассасаларига олиб кириш, бу фаолиятга ўз ўқувчиларини жалб қилиш, уларни ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишини таъминлаш.

3. Ҳар бир ўқувчи шахсига катта қизиқиш билан қараш ва барча жамоа ишларини ташкил этиш.

4. Ўқитувчилар ўз ишларига бугунги кун талаби билан эмас, балки келажакни ўйлаб иш юритиш.

5. Болаларга бўлган муносабатлари, уларнинг тақдири ҳақида ғамхўрлик қилиш, ўз тарбияланувчиларининг келажаги билан қизиқиш.

6. Ўқувчи шахсига ҳар томонлама таъсир кўрсатиш.

7. Илғор педагогик тажрибани ҳамда таълим ва тарбия назариясини чуқур ўрганиш, ҳамма янгиликларни тушуниб олиш, уларни ўз тажрибалари билан солиштириб кўриш, баъзиларини ўз ишида тадбиқ қилиш.

Ўқитувчининг ижодкорлиги ўқувчининг ижодкорлигини уйғотади. Улар ўз ўқувчиларини ватанга садоқат руҳида тарбиялаш билан бирга уларнинг қалбида олижаноб фазилатларни қарор топтирадилар. Шундай экан, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратида шахсий фаолият тизимини ишлаб чиқиш муҳимдир.

Ҳаёт кашфиётлар олами. Тажриба, услуб, фикрлар ранг-баранг. У самарали меҳнат натижасида исбот ва далиллар орқали ўқувчилар қалбига кўчади. Уларнинг туйғуларига таъсир кўрсатади. Ўқувчилар муаллимнинг фаҳри, келажакдир. Шу боис уларнинг нияти ўқувчиларни мустақил юрт қурувчилари, муҳандислари, илму маърифат фидоийлари сафида кўришдир. Ўқитувчининг энг биринчи мақсади, ўқувчисини тезроқ саводли қилишдан иборатдир. Лекин уни амалга ошириш жуда ҳам машаққатдир. Бир ўқитувчининг ўз фаолият тизимини ишлаб чиқиши ва унга қатъий амал қилиши, унинг таълим соҳасидаги муваффақиятларининг муҳим омилларидан биридир. Ўқитувчи бир хил методларда дарс ўтиш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Аксинча, у ўқитиш методларини такомиллаштириш устида тинимсиз ишлаши зарур. Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомаласи тарбия натижаларига катта таъсир кўрсатади. Болага муҳаббат ҳеч қачон жавобсиз колмайди.

## Ўқитувчининг таълим қонуниятларини амалга ошириш хусусиятлари



### 2.2. Бўлажак мутахассисларда ахлоқий маданиятни шакллантириш хусусиятлари

Ўзбекистон мустақилликга эришган дастлабки кунданок талаба ёшларни маънавий қадриятлар руҳида тарбиялаш энг муҳим вазифалардан бўлиб қолди. Чунки, давлатнинг асосини маънавият ташкил этади, маънавиятига эътибор бермаган давлатнинг келажаги ҳам бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов “Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдеворидир” номли маърузасида таъкидлаганидек “Бизнинг республикамизда ўзимизнинг маънавий қадриятларимизни, таълимнинг миллий тизимини такомиллаштириш ҳамда унинг миллий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда”.

Дарҳақиқат, фақатгина чинакам маърифатли одам миллий қадриятларни, ўзини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон

ҳамжамиятига ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиш мумкин. Шундай экан бугунги кунда ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг аҳамияти каттадир. Чунки талабаларнинг билимини, ақлий ва ахлоқий ҳолатларини шакллантириш, назорат қилиш ва баҳолаш давлат миқёсида амалга оширилмоқда. Шунини айтиш керакки, инсоннинг маънавияти унинг ахлоқи, одоби, ҳулки, маданиятидан ташкил топади. Ахлоқ эса ақлий, ҳуқуқий, диний, иқтисодий ва сиёсий билимлар замирида шаклланади. Мазкур билимлар ўз навбатида инсон ахлоқий сифатларининг камол топиб, бойиб боришига олиб келади. Демак, ахлоқ инсоннинг ижобий сифатлари мажмуидир. Одоб ва ахлоқ бир-бири билан узвий боғлиқдир. Одоб алоҳида бир шахснинг муайян бир хислатини ифодаловчи ахлоқий категориядир.

Одоб алоҳида шахс, эл, элат, халқ, улусга тааллуқли бўлган ижобий ахлоқий сифатлар мажмуидир. Инсон-табиатнинг энг буюк неъмат. Унга ақл-идрок, онг, фаросат каби буюк фазилатлар ато этилганки, инсон бу фазилатларга сайқал бериб, ривожлантириб, олами, инсониятни камолотга етаклаб боради.

Одамнинг инсон сифатида шаклланиши камолот даражаси одоб, ахлоқ, маданият, маънавият элементларининг унда қанчалик мужассамлашгани билан белгиланади.





## Мустақил фикр ва ақл тарбиясини шакллантириш жараёнининг тавсифномаси



## Мустақил фикрлашни шакллантириш методлари



Одоб бу ҳар бир инсоннинг жамоа билан бўлган мулоқотига ҳамда юриштиришида ўзини тута билишини кўрсатади. Ахлоқ жамиятда қабул қилинган, жамоатчилик фикри билан маъқулланган ҳуққ одоб нормалари мажмуи. Маданият-жамиятнинг ва унда яшовчи фуқароларнинг фаолияти жараёнида тўпланган барча ижобий, ақлий ютуқлар мажмуаси. Маънавият-инсон онгини акс эттирувчи барча ижобий, интеллектуал фазилатлар мажмуасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлашча, "Маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қон-қариндош қилади. Уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бутун бир олам".

Ақлий камолотга эришиш иродавий ҳатти-ҳаракатлар, узлуксиз фаоллик, фидойийлик, билимга чанқоқлик кабиларнинг босқичма-босқич, аста-секинлик билан амалга ошадиган жараёндир.

Мустақил фикрлаш бу фаҳмлаш, англаш, фикр юритишдан бошланади. Англаш бирор-бир ғояни туб мазмунига тушуниб етиш. Мушоҳада - шу ғояни мантиқан талқин қилиш.

Тафаккур – инсон онгидаги мавжуд илмий ва ҳаётий билимлар мажмуаларидан керагини саралаб олиш ва амалиётда қўллаш.

Юқорида санаб ўтилган йўналишлар асосида талаба ёшларнинг ҳуққ маданиятини шакллантириш муҳимдир. Чунки, талаба ана шу маънавий муҳитда ўз фаолиятини амалга оширади, ўзлигини англайди. Маънавий билими билан мулоқатга киришади. Шунинг учун талаба ёшларнинг ҳуққ маданиятини шакллантириш самарадорлигини таъминлаш маънавий муҳитга боғлиқдир.

Талаба ёшларнинг ҳуққ маданияти, маънавий ҳаракатларининг самараси ўқитувчи (раҳбар) ва талабанинг ўз фаолиятларига бўлган муносабатлари билан белгиланади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ёки раҳбар маънавий мероснинг тарихий тараққиёт босқичларини ўрганиши, амалий фаолиятда уларга таяниши шахснинг ҳуққ маданиятини шакллантиришда бекиёсдир. Бундай ёндашув таълим-тарбия жараёнининг иштирокчиларидан ўқитувчи-талабалардан ижодкорликни талаб қилади.

Ижодкор ўқитувчи (раҳбар) талаба ёшларнинг ҳуққ маданиятини шакллантиришда маънавий кадриятларнинг имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланади. Талаба ёшларнинг ҳуққ маданиятини шакллантириш муваффақияти ўқитувчи ва талабанинг ижодкорлигига боғлиқ. Бу омилни характерловчи шартлар мавжуд бўлиб, улар: ўқитувчининг умумпедагогика ва махсус ихтисослик бўйича чуқур билим, касб маҳорати, талабалар билан дўстона мулоқот маданияти, маънавият-маданият даражаси, таълим-тарбиянинг самарали шакл ва усуллари танлай билиши, натижасини олдиндан аниқ, тасаввур ва педагог кашфиётларга асосланиб йўллай олиши, қизиқиш доираси кенглиги, олий ўқув юрти жамоасидаги муҳитни маънавий меросни ўрганиш кабилардан иборат. Ўқитувчида мана шу омилларга эътибор кучли бўлса, унда ижодкорлик ошади.

Бу омиллар унга талаба ёшларнинг ҳуққ маданиятини шакллантиришда жуда асқотади. Ўқитувчи ижодкорлиги натижасида талаба ёшлар аждодлар тарихи, адабиёти, санъати, анъаналари, ва урф-одатлари ҳақида чуқур билим олади. Талабаларнинг маънавий меросга бўлган қизиқиши ошади. Дарс жараёнида самимий, соғлом маънавий муҳит яратилади, Маънавий мерос манбааларидан самарали фойдаланиш натижасида талабаларнинг ҳуққ маданияти камол топади. Талаба ёшларнинг ҳуққ маданиятни шакллантириш, биринчидан, дарс жараёнининг муваффақиятли бўлишига, иккинчидан таълим мазмунига ва ўқитувчи-талаба ҳамкорлик фаолиятига боғлиқ. Ҳамкорликдаги фаолият ижодкорликни, масъулиятни, фаолликни талаб қилади. Бунда: ҳар бир дарсдан ўқитувчи мақсадни аниқ кўра билиши, амалга ошириладиган вазифаларни тўғри белгилаб олиши лозим; дарс жараёнидаги билимлар мазмунининг илмийлиги, изчиллиги ва тарбиявий характери, қизиқарлилиги талабаларда таълим ва тарбиявий томондан ўрганиладиган билимга бўлган қизиқишни кучайтиради. Уларнинг билимини кенгайтириш юксак ҳуққли бўлиш каби кўникма ва малакаларини шакллантиради.

Албатта, бунда дарс шакллари танлашда мавзунинг моҳиятига алоҳида эътибор берилади. Масалан, касб-ҳунар коллежларида адабиёт дарси анъанавий дарс ёки мунозара тарзида уюштирилса, методика дарси семинар, ёки мунозара тарзида, чет тили дарслари ўйин ёки савол жавоблар, суҳбат дарслари тарзида уюштирилиши мумкин. Барча шаклдаги дарс жараёнларида талабалар ҳуққ маданиятини шакллантириш самарадорлигини ошириш учун савол-жавоб қилиш, мунозарали вазият пайдо қилиш, мустақил ишлаш, турли ўйинлардан фойдаланиш каби усуллардан фойдаланиш муҳимдир.

Талабаларнинг маънавий сифатларини шакллантиришда уларга ўтмиш, адабиёт, тарих, миллий урф-одатлар, анъаналар ҳақида билим бериш

ўқитувчидан доимо фаоллик билан муносабатда бўлишни талаб қилади. Талабанинг маънавий эҳтиёжини қондириш, қизиқишини ўстириш мустақил ишлар, ҳар хил ижодий ишлар (иншо, реферат ва бошқа) орқали амалга оширилади. Мустақил ишлар ўқитувчи ва талаба фаолиятининг узвий боғланган тамонларидир. Мустақил ва ижодий ишларда талаба ўз устида меҳнат қилади, ижодий изланади, ўз нуқтаи назари, қарашларини шакллантириш билан бирга дунёқараши ва маънавий савиясини намоён этади. Мустақил ишлаш кўпроқ дарслик устида ишлаш, манбаларнинг мазмунини таҳлил этиш, маъруза, реферат, конспект тайёрлаш, ижодий иншо ёзиш (чет тилида ҳам) карточкаларга ёзма жавоб бериш, турли жадваллар, диаграммалар схемалар тузишни тақозо этади. Буларнинг бари изланувчанликни талаб қилади. Мустақил ишлар, семинарларни ташкил этишда 4 хил манбаларга асосланади.

1. Дарслик материалларига.

2. Маънавий мерос, ҳисобланган халқ оғзаки ижоди диний манбалар, мумтоз адабиёт ва бошқалар.

3. Оммавий ахборот воситалари материалларига (журнал, газеталар, радио, эшиттиришлар, ойнаи жаҳон кўрсатувлари);

4. Ҳаётий мисолларга (оилавий-маиший анъаналар, урф-одатлар, расм-русмлар, маънавий қадриятлар ва х. к.) .

Оғзаки мустақил иш турлари ва ўрганилаётган мавзунинг моҳиятини талабалар амалий фаолиятида мустаҳкамлаштиришга йўналтирилган баъзи бир ёзма шаклдаги мустақил ишлар (иншо, саволларга ёзма жавоб топиш, жадвал, диаграмма, карточкаларни тўлдириш) дан аралаш дарс шаклида кенг фойдаланиш яхши натижа беради. Чет-тили, адабиёт дарсларида, ўйин ҳолатларидан фойдаланиш самарали фойда беради. Масалан, адабиёт дарсларида "Алломалар меҳмонимиз", "Темурий ижодкорлар", "Бугунги давр - алломалар кўзи билан" каби мунозаралар, баҳсларни ташкил этиш мумкин. Методика дарсларида эса "Шарқ алломаларининг тарбия ҳақидаги фикрлари ва уларнинг маънавий мероси ҳақида талабаларнинг ўзаро фикр алмашишларни ташкил этиш жуда фойдали.

Дарс жараёнида педагог маънавий мерос манбаларидан усталик билан фойдаланиши, уларнинг таълим ва тарбиявий таъсирини ҳисобга олиши, дарсни қандай тарзда ташкил этилишидан қатъий назар (ўйин дарси, мунозара дарси, синов дарси ва х.к.), уни уюштиришда фаол, ижодкор, қатъий бўлиши, маънавий меросни яхши билиши ва уни амалиётга тадбиқ қила олиши зарур. Талабаларнинг оғзаки мустақил тайёргарлиги асосида ноанъанавий дарс шакллари уюштириш ҳам ҳулқ, маданиятини шакллантиришнинг самарали усуллари билан ҳисобланади. Бунда турли мавзулардаги бахс-мунозара дарсларини ўтказиш мумкин. Бундай дарсларга тайёргарлик кўриш жараёнида талаба кенг ҳажмдаги маънавий манбаларга, бадий асарлар, халқ оғзаки ижоди намуналарига, пандномалар, диний манбалар, Шарқ алломалари ҳаётига бағишланган илмий, оммабоп, автобиографик асарлар, матбуот ва оммавий ахборот материалларига мурожаат қилади. Натижада муаммоли саволларга жавоб топади, аждодлар маънавий мероси билан танишишга муяссар бўлади.

Бундай дарслар етарли тайёргарлик, маҳорат ва кенг қўламли билим, тажриба, мустақилликка асосланган ҳолда ташкил этилса, талабанинг ҳуққ маданиятини шакллантирувчи қуйидаги ижобий натижаларни беради:

- дарс давомида талабанинг эркинлиги, мустақиллиги, фаоллигига эришилади;

- талабалар жамоа фикрига таянишга, уни ҳурмат қилишга ўрганадилар, бу билан уларда ўзаро ҳурмат, мулоқот маданияти тарбиялана боради;

- талабалар ўз фикр - мулоҳазаларини, қарашларини ҳимоя қилиш, уларни бошқаларга етказиш маҳоратини эгаллайдилар;

- талабаларда у ёки бу адибнинг қарашларини, халқ педагогикаси, ҳаёт тажрибаси асосида кўтариб чиқилган муаммолар моҳиятини давр билан атроф муҳит талаби имконияти асосларни ҳаққоний баҳолаш малакаси шаклланади;

- талабаларнинг ўзбек халқининг маънавий турмуш тарзи ҳақидаги билим даражаси ортади, ахлоқий - маънавий сифатлари шаклланади;

- ҳар бир талабада ўз-ўзига талабчанлик, ўз-ўзини назорат қилиш ҳисси ортади, ўз устида ишлашга, ўзини англашга эътибор кучаяди.

Бундай муваффақиятли натижа синов дарслари, якуний дарсларда намоён бўлади. Талаба ҳуққ маданиятини асосий мезонлари: инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, миллий ғурур, ватанпарварлик, меҳр-муҳаббат, имон, ижодкорлик, фаоллик, ташаббускорлик, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш талаб этади. Бу талаб талабанинг ватан, ота-она, дўстлари, жамоа олдидagi бурчи вазифаларига, таълим-тарбия жараёнида намоён бўладиган фаоллик, ижодкорлик хусусиятларига муносабати орқали амалга оширилади. Ўз билим, ҳатти-ҳаракати, атроф-муҳитга муносабатини назорат қилиш, ўз-ўзини баҳолашни ташкил этиш талабанинг ёзма ижодий фаолияти орқали самарали намоён бўлади. Таълимнинг самарали шакллари анъанавий ва ноанъанавий дарс турлари воситалари ва усулларида жумладан, таълим жараёнида талабаларнинг турли ижодий ёзма ишлари: иншо, реферат, конспект, маъруза каби турларидан кенг фойдаланиш зарур.

### **2.3. Марказий Осиё мутафаккирлари таълим-тарбия ҳақида ва уларнинг фаолиятидаги ўрни**

Энг кадимги VII асргача бўлган даврда ўқитувчи, устоз шогирд ўқитувчи-тарбиячи фаолияти, маҳорати, уларнинг жамиятдаги ўрни, ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Ибтидоий жамоа тузими даврида жамият ёш жиҳатдан 3 гуруҳга бўлинар эди.

1. Болалар ва ўсмирлар

2. Ҳаёт меҳнатининг тўла қимматли ва тўла ҳуқуқли иштирокчилари

3. Кексалар

Янги туғилган болани жамоадаги кекса кишилар боқиб ўстирардилар. Бола тегишли биологик ёшга тўлиб, меҳнат қилишни ўрганиб, ҳаётий билим ва малакаларни эгаллагандан сўнг тўла меҳнатчилар гуруҳига ўтади. Ибтидоий жамоада бола ўзининг ҳаёт фаолияти жараёнида катталарнинг ишларида

қатнашиб улар билан кундалик муомалада бўлиб тарбияланар ва таълим олар эди. Ўғил болалар катта ёшдаги эркаклар билан, қизлар эса аёлларнинг ишларида қатнашардилар. Кейинчалик ўғил болалар учун алоҳида, қизлар учун алоҳида тарбия муассасалари-ёшлар уйлари пайдо бўлди. Бу ерда уруғ оқсоқоллари раҳбарлигида яшаш меҳнат бўйича ўтказиладиган синовларга тайёрланар эдилар.

Ибтидоий жамиятда деҳқончилик, турли касб-ҳунарлар пайдо бўлди. Шу билан боғлиқ равишда тарбия ҳам мураккаблашиб, кўп томонлама ва режали бўла борди. Болалар тарбияси тажрибали кишиларга топшириладиган бўлди. Улар болаларга меҳнат кўникма ва малакаларини ўргатиш билан бир каторда пайдо бўлиб келаётган диний урф одатларнинг қоидалари, нақллари билан болаларни таништирар, ёзишга ўргатар эдилар.

Шарқнинг барча гуманистлари Рудакий, Фирдавсий, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Низомий, Хофиз, Шайх Саъдий, Умар Хайём, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий кишиларни маънавий гўзаллигини, тенгсизлигини куйладилар, эзувчи гуруҳларни тартибга чакирдилар, одил подшолар тўғрисида орзу қилдилар, инсонпарварлик ғояларини олга сурдилар. Улар яшаб ўтган давр ижтимоий ва сиёсий зиддиятлар авж олган, ташқи душманлар хужуми тез-тез такрорланиб турган, идеологик ҳаётда сохта тарғибот илдиз отган халқ эрксиз қашшоқ ҳолда яшаган, китоб ва ёзма манбаалар фақат кўлда кўчириб ёзилган давр эди.

Ана шундай-зиддиятли замонда яшаб ўз мақсади, ҳаётини олга сурган вазифаларни бажаришга киришган алломалар фан, маданият, тарих, илмий билимлар соҳасида муносиб ўрин эгаллай олдилар.

Мутафаккирлар мустақил дунёқараш, сабр-матонат билан ўтмиш авлодлар билимларини чуқур ўрганиб, ўзлари ҳам меҳнат қилиб турли фанларда янги тушунча ва хулосалар чиқара олдилар. Инсоният тарихи, маданият фани ўзаро алоқадорлигида ўсиб ривожланиб, бойиб боришини исботладилар. Айниқса педагогика, психология, этика фанларининг мустақиллигига кенг йўл очдилар. Таълим-тарбия, мулоқот одоб-ахлоқ, гуманизм, эстетика, тушунчаларини анча бойитдилар.

Шарқ мутафаккирлари ва алломаларнинг ижодий меросларида ўқитувчи-тарбиячи маҳорати, устозлик-шогирдлик шартларига ҳам алоҳида ўрин берилган. Абу Наср Фаробий X аср шарқ фалсафий фикрларининг энг йирик намоёндаларидан бўлиб, ҳаёт инсон ҳақидаги таълимотни дастлаб яратувчилардан бири саналади. Ўрта асрнинг бир қанча илмий ютуқлари, умуман Яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларида тараққийпарвар ижтимоий, фалсафий тафаккур тарккиёти унинг номи билан боғлиқ. Фаробий ўз замонаси илмини барча соҳасини мукаммал эгаллаган унинг асарларида одам шахсининг энг яхши ва олийжаноб хусусиятлари, кишилар ҳаётида адолат ўрнатилиши, яхшилик, ақлий камолотига эришувчи инсон ҳақида фалсафий фикрлар ифода этилган,

Абу Наср Фаробий устоз ўқитувчига шундай талаб қўяди: "Устоз шогирддарига катта зулм ҳам ҳаддан ташқари кўнгилчанглик ҳам қилмаслик лозим."

Чунки ортиқча зулм шогирдда устозга нисбатан нафрат уйғотади-ю, устоз жуда ҳам юмшоқ бўлса шогирд уни менсимай қўяди ва у берадиган билимдан совиб ҳам қолади. У ўқитувчига болаларнинг феъл атворига қараб тарбия жараёнида "қаттиқ" ёки "юмшоқ" усуллардан фойдаланишни маслаҳат беради. Унинг фикрича:

1. Тарбияланувчилар ўқиш-ўрганишга мойиллик билдирсалар, уларга таълим тарбия жараёнида юмшоқ усул қўлланилади.

2. Тарбияланувчилар ўзбошимча итоатсиз бўлсалар, қаттиқ усул (мажбурлов) қўлланилади.

Абу Али ибн Сино жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган машҳур энциклопедист олим, табиатшунос, файласуф, астраном, математик, мусиқашунос, ҳуқуқшунос, филолог, ёзувчи ва шоир. Европада Авиценна номи билан машҳур бўлган Ибн Сино жаҳон фани тараққиёти тарихида муҳим роль ўйнайди.

Ибн Синонинг гуманистик таълимида биринчи масала инсон камолотидир, инсонни оламдаги мавжудодлардан юқори қўйишдир.

Абу Али ибн Синонинг ижодий фаолияти жуда хилма-хил ва ранг барангдир. Унинг асарларида фалсафа, тарих, филология, этика, педагогика, психология, шеърят, табобат, терапия, хирургия, диагностика, гигиена ва табиатшунослик фанларининг ҳар қайсисига доир мустақил фикрлар ва хулосалар бор. Ибн Сино буюк олим. У инсоннинг ақлининг ҳар томонлама ривожланишига табиат сирлари ва ҳақиқатни билиш мумкинлигига қаттиқ ишонган. Исботлаб мисоллар келтирган. У ўзининг илм-фан соҳасидаги катта фазилатлари билан жаҳон маърифати ва маданиятининг намоёндаси сифатида танилди.

Ибн Синонинг таълим ва тарбия соҳаларидаги бой мероси ўз даврида жаҳолатига қарши курашда жуда катта прогрессив аҳамиятга эга бўлди.

Улуг зотнинг талай асарларидаги ғояларини олимларимиз, педагогларимиз ҳамон ўрганмоқдалар, амалий ҳаётга тадбиқ этмоқдалар. Буюк аллома Ибн Сино болага билим бериш ўқитувчининг маъсулиятли бурчи эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича болалар билан муомолада босиқ ва жиддий бўлиш, берилаётган билимнинг болалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш кабилар муҳимдир.

Ибн Сино ҳақиқий олим бўлганлиги сабабли тилга доир қўпгина энциклопедия асарларни юзага келтирди.

Абу Али Ибн Сино фаннинг қайси бир соҳасига қўл урмасин, унга фалсафий тус берди. Унинг шоир ва адиб сифатида ёзган асарлари ҳам ўзининг фалсафий жиҳатдан чуқур ғоялари асосида суғорилганлиги билан кўзга ташланиб туради.

XI асрда яшаб ўтган алломалардан бири Юсуф Хос Хожиб ҳам ўз ижодида илм аҳилларини, устозларини улуғлайди. "Қутадғу билиг" асарида илм аҳли улуғланади. Унинг ёзишича:

Тагин бир тоифа донишманд доно; \*

Улар илми элга машғал доимо.

Эъзозла уларни то бор имконинг,

Билимларин ўрган токи бор онинг,  
Аёёадаёё ҳақеқаò òàўí÷ òèðääèéĩ  
Билимли диёнат асос ўзаги.  
Олимлар йўқ эса эди дунёда,  
Келиши ҳам кулурми эди бунёда.  
Улар илми бўлди халойиққа нур  
Эриси бу нурдан кими йўл топур.

Абу Райҳон Берунийнинг қарашлари прогрессив мазмун касб этади, Мутафаккирнинг гуманистик қарашларида ростгўйлик билан адолат ҳимматга эга бўлган сифатлардир. Олим ҳулқларни яхши ва ёмон ҳулқлар деб 2 қутбга бўлиб кўрсатади. Унинг фикрича яхши ҳулқлар-ростгўйлик, адолат, мардлик, ботирлик, ҳиммат ва шу кабилардир. Бу ҳақида у шундай дейди: ҳамманинг табиатида адолат бевосита севимли ва ҳамма унинг яхшилигига қизиқадиган бўлгани каби ростгўйлик ҳам шундай; лекин ростгўйликнинг ширинлигини татимаган ёки ширинлигини билса ҳам, тотишни истамайдиган киши уни севмайди:

Абу Райҳон Беруний Ўрта Осиё халқининг машҳур қомусчи олими, ўзининг илмий мулоҳазалари билан барчани ҳайратда қолдирган, философия, тарих, филология, педагогика, табиатшунослик фанларининг актуал масалалари соҳасида ўз давригача бўлган билимларни умумлаштирди, камчиликларни тузатди ва кейинги авлодлар ҳам фахрланадиган асарлар қолдира олди. Реал ҳаётда у фақат фан, маърифатга берилган одам бўлган бутун вақтини куч-қувватини илм фанга бағишлаган ижтимоий ва табиий фанларнинг энг муҳим соҳаларида баракали ишлади ва шундай асарлар яратдики, улар жаҳон фани ва маданиятини янада юқори поғонага кўтаришда хизмати катта бўлади.

Умар Ҳайём - ўзининг жаҳоншумул илмий асарлари билан эмас, ҳозир поэтик асарлари рубоийлари билан оламга машҳур бўлди. Шоир ўз рубоийларида олам сирлари ҳақида фикр юритди, зўравонликни, жаҳолатни, риёкорликни фош этди, шахс эркинлигини кўйди. Умар Ҳайём инсонни улуғлайди, уни дунёдаги энг олий мавжудот сифатида қўллайди. Умар Ҳайём дунёқарашида инсон ва унинг ҳаёти муаммолари, инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган ташвишлар, гуманизм масалалари марказий ўрин эгаллайди.

Умар Ҳайём кишиларни аҳиллик ва дўстликка, иттифоқликка чақиради, ҳар қандай мушкул ишни ҳал қилишда иттифоқлик, дўстлик, жуда катта куч эканини қайта-қайта таъкидлайди. Аз-Замахшарий “Нозик иборалар” рисоласида илми фан аҳиллари ўқитувчиларга нисбатан ҳурмат-эътиборнинг пасайиб кетганидан куюниб ёзади. "Ўтган замонларда илму-фазилат соҳиблари подшоҳларидан ўз оғирликларига барабар олтин ҳадя олардилар, аста-секин замонлар ўтиши билан уларнинг қийматлари камайиб итлари, олмахонлар улардан афзал бўлиб қолди, яъни нодонлар олтинлардан ортиқ кўриладиган бўлиб қолди.

Шарқ мумтоз маданиятнинг бутун дунёга машҳур намаёндаларидан бири Саъдий Шерозий таълим-тарбияда муаллимнинг талабчанлиги билим ва тарбия беришда қаттиққўллик бўлишининг тарафдори бўлади "Гулистон" да устоз шогирд муносабатига оид ҳикоят келтирилади: "Бир одам кураш санъатида зўр



махорат козонди, у 300 ҳийлани билар ва ҳар куни бир ҳийлани ишлатиб кўришар эди. Шогирдларидан бирига 259 ҳийлани ўргатди. Аммо бир ҳийлани ўргатмади. Устознинг ҳурмати билмаган шогиртд устозидан ҳам устунлигини айтиб мақтанади. Бу сўз подшога ёқмайди. Улар кураш тушмоқларини буюради. Устоз охирги ҳийласини ишлатиб шогирдини енгади. Устоз ҳурмати билмаган шогирд эса халойиқ, ва подшоҳнинг нафратига учрайди".

Муаллим - устозга нисбатан ҳурматда бўлишнинг ифодаси шуки, шогирд муаллимдан олдин юрмаслик унинг ўрнига бориб ўтирмаслик лозим. Машғулотлар давомида ўқувчилар муаллимдан узоқ: бўлмасинлар, улар ораси ўқ-ёй оралиғида бўлсин, мана шунда илмга интилувчиларни ўз устозларига ҳурмати маълум бўлади.

Соҳибкирон Амир Темур ҳам ўз ҳукмронлиги даврида илм аҳиллари, муаллимларга ҳурмат билан қарайди. Кишиларга мансаб беришда ҳам уларнинг илмларини ҳисобга олади. Жамиятнинг ривожига уларнинг ўрни муҳим деб билади. Кўплаб коллеж мадрасалар очади уларга муаллим ва мударрислар тайин этади. Ўзининг устозларини ҳам жуда қадрлайди.

Алишер Навоий ўзбек халқнинг улкан шоири ва мутафаккири, улуг олим ва давлат арбоби, жаҳон адабиётининг сиймоларидан бири, Шоир бутун ҳаёти ва фаолиятини инсоннинг бахт-саодати учун курашга, халқнинг санъат ва адабиёт тараққиётига бағишлади. Навоий ўзининг ҳамма асарларида инсоннинг ер юзидаги ҳақиқий инсон деган номни юқори даражага қўяди. Инсон ҳуқуқи билан яшашни, инсон шахсининг озодлигини ёқлайди.

Алишер Навоий ижодида ҳам муаллимлар иши уларга муносабат масалаларига кенг ўрин берилади. У ёшларга чуқур билим бериш учун муаллимлар мударрислар ҳамда устоз мураббийларнинг ўзлари ҳам билимли ва тарбияли бўлиши зарурлигини уқтиради. У нодон мутассиб жоҳил домлаларни танкид этади ва ўқитувчи маълумотли ўқитиш йўллари биладиган муаллим бўлиши зарур дейди. Масалан: "Маҳбуб ул қулуб" асарида мактабдорлар ҳақида фикр юритар экан, уларни ўта қаттиққўл, жоҳил ва таъмагирликларини қоралайди. Дарҳақиқат жоил муаллимлар гуноҳсиз ёш болаларга жафо қилувчидир. У ёш болаларнинг азоблашга, калтаклашга ўрганган, ғазабли қоши чимирилган гуноҳсизлар билан аччиқланишга одатланган. Уларнинг кўпчилигида кўнгил қаттиққўллиги ва таъб хасталиги ошкор. Бунинг устига улар ақл камлигига ҳам гирифтор. Улар қийиниш йўли билан болалар кўнглини ўзларига ром қилмоқчи ва кичкинтойларнинг беқарор табиатини дўқ-пўписа билан тартибга солмоқчи бўладилар. Улардаги кўриниб турган кўполлик, ёш болалардаги келишмаган ҳатти-ҳаракатни силлиқлашга йирик эговдир. Улар иши одам кўлидан келмас, одам эмас, балки дев қила олмас. Бир кучли киши бир ёш болани сақлашга ожизлик қилади. Лекин устоз болага илм ва одоб ўргатади. Дарҳақиқат муаллим бу каби ҳолларда юзлаб машаққат чекади. Шу жиҳатдан олганда болаларда унинг ҳақи кўп, агар шогирд улғайгач подшоҳлик мартабасига эришса ҳам ўз муаллимга қуллуқ қилса арзийди, шунинг учун ҳам Алишер Навоий ёзади:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,

Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганч ила.

Хусайин Воиз Кошифий ўз асарларида устоз-шогирд муносабатларига кенг тўхталади; "Агар шогирдликнинг биноси нимани устига кўрилади деб сўрасалар иродат устига деб жавоб бергин. Агар иродат нима деб сўрасалар самоъ ва тоатдир деб айтгин. Агар самоъ этиш ва тоат нима деб сўрасалар нимани устоз айтса уни жон қулоғи билан эшитиш, чини билан қабул қилиш ва вужуд аъзолари орқали амалда адо этишидир деб айт".

У шогирдликнинг 8 та одобини кўрсатади:

1. Биринчи бўлиб салом бериш.
2. Устознинг олдида оз гапириш.
3. Бошни олдинга эгиб туриш.
4. Кўзни ҳар томонга югуртирмаслик.
5. Гап сўрамокчи бўлса олдин устоздан ижозат олиш.
6. Устоз жавобига эътироз билдирмаслик.
7. Устоз олдида бошқаларни ғийбат қилмаслик.
8. Ўтириб туришда ҳурмат сақлаш.

Кошифий устозлик шартларини ҳам кўрсатади. "Билгилким ҳеч бир иш устозсиз амалга ошмагай ва кимки устозсиз бир ишни қилур эрса ул ишни асоси мустаҳкам бўлмагай."

Машҳур алломанинг фикрларидан шу нарса кўриниб турибдики ўқитувчилик ер юзадаги ҳар қандай касбдан кўра юқорирок турадиган жуда фахрли касб деб ҳисобланган ва унга жуда катта аҳамият берилган. Шундай экан бугунги кунда ҳам ўқитувчига ҳурмат билан қараш лозимлигини талаб қилинади. Албатта бунда ўқитувчининг ўзи ҳам жамиятда қандай муҳим вазифани бажараётганлигини тушиниб олиши ва ўз қадр кимматини яхши билиб ишлаши зарур. Ўқитувчи соф виждонлиги, ишчан, саботли, ўқувчиларга ўзи сингдириши лозим бўлган фазилатларга жонли намунаси, кенг маълумотли ва меҳнатсевар киши бўлиши лозим. У ўз ишини беҳад севиши, ўқувчиларга баъмисли оталардек муомала қилиши, уларда билимга хавас туғдириши зарур. Ўзи намуна кўрсатиб ўқувчиларни ўзига эргаштириш ўқитувчининг энг биринчи вазифасидир.

Ўқитувчининг жамиятидаги ўрни ниҳоятда муҳим. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўз билимларини болаларга ўргатиш учун тайёрланиши, ўқимишли киши бўлишининг ўзигина кифоя қилмайди. У аввало болаларни севиши, ўзини болаларнинг отасидек ҳис қилиши ҳамда уларнинг тарбияси ва ўсишга оид бўлган нарсаларнинг ҳаммасини ўзининг вазифаси деб билиш керак. Чунки бола ўз табиати билан фаол кучга эга бўлиб туғилади, ўқувчиларга бу кучларни машқ қилдириш учун зарур бўлган материални бериш ўқитувчининг вазифасидир.

Ўқитувчи раҳбарлик ролини ўйнагандагина болаларда ташаббускорликларни ўстириши ва уларни билимлар билан қуроллантириши мумкин. Ўқувчиларни ўқитиш жараёнида пухта ишланган ўқув режаси ва яхши дарслик таълим мазмунини такомиллаштиришнинг асосини ташкил этади.

Дарҳақиқат, таълимнинг муваффақиятли бўлиши дарслик, ўқитиш методлари ўқитувчига боғлиқ. Яхши ўқитувчи ўз фанини мукаммал эгаллаб

олган бўлиши, касбини ва болаларни севиши керак. Ўқитувчи тарбия ишида болалар мураббийсидир. Ўқитувчи иши бошқа ишларга қараганда кўпроқ доимо ғайратланиш ва завқланишни талаб қилади. Ташқаридан қараганда ўқитувчининг роли оддий ва содда, бироқ у ўз меҳнатининг юксак ижтимоий аҳамиятини тушуниши лозим. Ўқитувчиларга доимо зўр ҳурмат ва ғамхўрлик билан қарашга ҳамиша эътибор бериш зарур. Чунки ўқитувчи бирор фандан дарс берибгина қолмай, балки тарбиячи ҳамдир. У ўз касбини севиши, тарбия ишига зўр тадқиқотлар олиб боришга интилишини, янги вазиятга, янги жамоага кириш қобилиятини, самимиятни, тўғрилиқ ва ҳалолликни, ўткир ақл -идрокни, бир воситани бошқаси билан текшириб кўриш малакаси талаб қилинади. Касбий маҳорат ўзига болалар ҳақидаги, таълим тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни, методлари ҳақидаги кенг билимларни қамраб олади. Бу билимлар умумий педагогик маданиятни ташкил этади. Ўқитувчи бу маданиятни эгалламаса, ҳеч вақт чинакам уста бўла олмайди. Замонавий ўқитувчига биргина умумий маданиятининг ўзи кифоя қилмайди. У болаларни кузатиш, уларнинг ўсишидаги муҳим нарсаларни жамиятда вужудга келган, асосий ижтимоий ғоялар билан таққослаш, уларни ривожлантириш йўллари ва усуллари аниқлаш, турли воситалар тарбиявий таъсир кўрсатиш усуллариининг ўзаро бир бирига ўтиши диалектикасини чуқур таҳлил қилиш, педагогик изланишлар ва ютуқларни илмий жиҳатдан бир системага солиш малакаларига эга бўлади.

Педагогик малака билим ва кўникмалар фаолиятнинг маълум турини эгаллаб олиш, яхши бажара олиш қобилиятидир. Ўқитувчи фаолиятига оид бундай малакаларга қуйидагилар киради.

А) Амалий конструктив малакалар:

Амалий тарбиявий ишларини режалаштириш, фаолиятнинг энг муҳим қоидаларини англай билиш.

Ҳар бир ўқувчига нисбатан уни жамоа шароитида тарбиялашнинг индивидуал дастурини тузиш.

Ўқувчиларнинг ёшлиқ ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларга нисбатан индивидуал муносабатни ошириш.

Б) Ташкилотчилик малакалари:

Ўқувчилар орасидаги фаол болаларни аниқлай билиш, танлай билиш ва уларни идрок қилиш.

Ўқувчиларнинг турли хилдаги жамоа, индивидуал фаолиятини уюштира билиш ва уларни ижтимоий фаоллигини билиш.

Ўқувчиларга берилган ижтимоий топшириқлар берилиши юзасидан назорат ўрнатиш ва уларга зарур вақтда амалий ёрдам бериш.

Ўзи раҳбарлик қилган гуруҳдаги амалий ишларни амалга ошира билиш.

Ота-оналар, кенг жамоатчилик ўртасидаги ишларни билиш.

Ўқувчиларга талаблар қўйиш методлари қуйидагилардан иборат: ўқувчининг ахлоқ қоидаларини, барча предмет бўйича билимларни баҳолаш, коллежнинг ички тартиб қоидаларини, таълимда тушунтириш жараёнида қўлланади. Шунинг назарда тутиш керакки, ўқишдаги бурч ва масъулиятни билиш, машқ қилиш, ўқувчиларни меҳнат қилишга ўргатишдан иборатдир.

Бола коллежда яхши ўқиши, самарали хизмат қилиши, яхши дам олиши, ҳамма вақт қизиқарли машғулоти билан банд бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчи олдига қўйилган талаблар:

Фаолиятнинг аниқ мақсадларини ўқувчилар жамоаси ҳам, ўқувчи ҳам аниқ ҳис қилсин.

Фаолиятни амалга ошириш ўқитувчилар ташаббуси ва ижодий фаолликка боғлиқ. Бунда ишни тақсимлаш, режалаш, ҳисобга олиш, натижа чиқариш кабиларни ўқувчиларнинг ўзларига ҳавола қилиш керак.

Ўқитувчи фаолиятга педагогик раҳнамолик қилади, уларни ижодий одатларини шакллантиради.

Фаолият жараёнида ҳар бир бола ижрочилик малакасига эга бўлади.

Иш натижасини муҳокама қилиш, иштирокчиларни рағбатлантириш.

Инсоннинг ахлоқий тарбияланганлигини унинг атрофидаги нарсаларга бўлган турли-туман муносабатларда намоён бўлади.

Амалий фаолият кишининг ахлоқий тарбия тизимининг муҳим томонидир. Шунинг учун болаларга яхшилик қилиш ва меҳрибонлик ички кечинмалар билан эмас, балки педагог фаолиятидаги асосий вазифа ҳисобланади.

## Хулоса

Ушбу бобда ўқитувчининг таълим жараёнига таъсир кўрсатиш услубиёти ва бунинг натижасида ақлий камолотга эришиш, мустақил фикрлаш, тафаккур кабиларнинг хусусиятлари илмий-педагогик жиҳатдан ишлаб чиқилган. Дарс давомида талабанинг эркинлиги, мустақиллиги, фаоллигига эришиш йўналишлари кўрсатилган.

Ўқитувчининг касбий маҳоратини шакллантиришда педагогик-психологик фанлар ва уларга қўйилаётган талаблар замонавий педагогик технологияларнинг аҳамияти кўрсатилган. Касбий маҳоратни такомиллаштиришда ижодий изланиш, педагогик меҳнат, ўқитувчининг сиёсий қарашлари, тажрибалари уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни кўрсатилган.

Ушбу бобда ўқувчи шахсига ҳар томонлама таъсир кўрсатиш, илғор педагогик тажрибани оммалаштириш, педагогик малака билим ва кўникмаларни шакллантириш кабилар илмий жиҳатдан асосланган. Унда амалий тарбиявий ишларини режалаштириш, фаолиятнинг энг муҳим қоидаларини англай билиш, ҳар бир ўқувчига нисбатан уни жамоа шароитида тарбиялашнинг индивидуал дастурини тузиш уларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, индивидуал муносабатни ошириш, ташкилотчилик малакаларини ривожлантириш муаммолари ўз ечимини топган. Шунингдек, ўқувчилар орасидаги фаол болаларни аниқлай билиш, танлай билиш ва уларни идрок қилиш, жамоа, индивидуал фаолиятини уюштириш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини билиш, берилган ижтимоий топшириқлар юзасидан назорат ўрнатиш ва уларга зарур вақтда амалий ёрдам бериш, ўзи раҳбарлик қилган гуруҳдаги амалий ишларни амалга ошира билиш каби йўналишлар ишлаб чиқилган.

## **Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар.**

Педагогнинг касбга оид маҳоратини шакллантиришда таъсир кўрсатиши нималардан иборат?

Педагогнинг таълим жараёнига таъсир кўрсатиш услубиёти ҳақида нималарни биласиз?

Касбий қобилият нима?

Касбий қобилиятнинг педагогик тавсифномасини тушунтиринг?

Ўқитувчининг индивидуал хусусиятлари қандай бўлиши керак?

Сизда ўқитувчилик қобилияти борми? Ўзингизни ўқитувчиларни ўрнига қўя оласизми?

Ўқитувчилик қобилиятининг шакллантириш услубиёти?

## **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати**

Азизхўжаева Н.Н. Педагог мутахассислигига тайёрлаш технологияси. – Т.: ТДПУ, 2000.

Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: ТДПУ, 2003.

Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 2004.

Очилова Г. Педагогик маҳорат. – Т., 2005.

Фарберман Б.Л., Мусина Р.Т., Жумабоева Ф.А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. – Т., 2002.

Хўжаев Н.Х., Ходиев Б. Ю., Янги педагогик технологиялар: Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2002.

Психология и педагогика. Под.ред. А.А.Радугина. – М., 2003.

Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А. Сласс-тенина. – М.: Академия. 2004.

[www.tgeu.uz](http://www.tgeu.uz).-Тошкент Давлат Итисодиёт Университети веб сайти.

## **III БОБ. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЎҚИТУВЧИНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИ**

3.1. Касбий таълим мазмуни.

3.2. Дарс жараёнида касбий маҳорат.

3.3. Меҳнат ва касб таълими услубиёти.

### **3.1. Касбий таълим мазмуни**

Президентимиз И.А.Каримов илмий, назарий ва амалий нуқтаи-назардан асослаб, таълим жараёнини технологиялаштириш ягона педагогик жараёнда қўзланган мақсадга эришишнинг муҳим тамойили, деб кўрсатди. Демак, Ўзбекистон халқ таълими тизимида таълим-тарбия жараёнига янгича ёндашув масаласи ўртага ташланди. Бу билан барча олийгоҳларда, педагогик технология назарияси ва амалиётини ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этиш ижтимоий буюртма сифатида кенг педагогик жамоа олдига қўйилди. Ушбу вазифалар янги педагогик технология асосида ўқувтарбия жараёни амалга оширишни тақозо этмоқда. Чунки педагогик технология илмий техник тараққиёти ва таълим технологиясининг узвийлигини таъминлайди.

Буни педагогик технология концепциясининг ривожланиш тарихига оид материаллар мазмунидан ҳам билиб олиш мумкин. Жумладан:

XX аср бошларида "педагогик технология" тушунчасининг қўлланилиши;

30 йилларда "педагогик техника" тушунчасининг вужудга келиши; 40 йилларда ўқитишнинг техник воситалари яратилиши ва амалиётда қўлланилиши;

60 йилларда АҚШда "педагогик технология" журналининг жорий этилиши;

Farb давлатларида (Англия, Франция, Германия, Италия ва бошқалар) йирик педагогик технология марказларининг ташкил этилиши;

Японияда педагогик технология Марказий Кенгашининг фаолияти;

70 йилларда АҚШда "Коммуникация ва технология" ассоциациясининг ташкил этилиши ва фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилган.

Дарҳақиқат, педагогик технология тараққий этган мамлакатларда таълим соҳасидаги сиёсатларга бош вазифа сифатида қаралган. Бу соҳада ЮНЕСКО ҳам жонбозлик кўрсатиб 1971 йилда Франциянинг собиқ бош вазири Эдгаро Форога жаҳонда руй бераётган ўзгаришлар асосида таълимнинг мақсадини, ривожлантириш йўналишларини аниқлаш вазифасини топширади. Натижада 1972 йилда "Мавжудлик учун ўқиш", "Тарбия дунёси бугун ва эртага" мавзусидаги китоблар дунёга келди. Бу асарларда замонавий технология таълим тизимини ва мазмунини янгилашда ҳаракатлантирувчи асосий куч эканлиги илмий ва амалий жиҳатдан асослаб берилади.

Барча фан соҳаларидаги каби педагогик технологиянинг ривожланиш босқичи, йўналишлари ва унинг афзалликлари ҳақида жаҳон олимлари ўзларининг илмий қарашларини билдирганлар. Жумладан: Лернер И.Я., Брунер Д.Ж.лар бугунги таълим тизимини инқироздан қутқарувчи куч бу таълим жараёнини технологиялаштириш, деб атаган бўлсалар, бошқа бир гуруҳ олимлар (В.П.Беспалько) педагогик технология тизимини эволюцион босқичга кўтариш шартларидан бири, деб қарашмоқда.

Шунингдек, технологияни лойиҳалаштиришда ҳам турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан. В.А. Монахов аксиоматик ёндашувни, М.А.Чошанов

муаммоли модули ёндашувни, В.П.Беспалко ахборотли "педагогик технология" ёндашувини илмий назарий асослаб беришга ҳаракат қилишмоқда.

Педагогик технология – педагогнинг ўқув машғулотини ўқитишдан ташқари фаолиятида зарур бўлган умумий педагогик малакалар мажмуидир.

Педагогик технология тушунчасини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ тушунчаси - педагогнинг тарбиявий жараёнда қандай малакаларни ўзида мужассам қилиши лозим бўлса, иккинчи гуруҳда дарс самарадорлигини ошириш учун таълим принциплари, методлари муҳим.

Шу муносабат билан, шундай педагогик технология зарурки, қайси ҳаракатни кўрсатилган ориентирланган асосни таъминлансин. Унинг асосини, ҳаракатларнинг (технологик операциялар) қуйидаги кетма-кетлигини ташкил қилиши керак.

7. Таълим оловчиларни, улар ўрганиши керак бўлган мавзуни, унинг тузилмавий – мантиқли схемасини намойиш қилиш ва шархлаш воситасида янги материал билан бирламчи обзорли таништириш.

8. Ўқув элементларини ўрганиш кетма-кетлиги ва усулларини баён қилиш.

9. Таълим оловчилар, мавзу якунига етганда эгаллаши зарур бўлган билимлар, маҳорат ва кўникмалар тўғрисида ахборот.

10.Тестлар ва амалий топшириқларнинг вариантларини, уларни баҳолаш мезонларини тақдим этиш, яъни якуний назоратни “очиқлигини” таъминлаш.

11.Мавзуни ўтиш пайтида ўзлаштирилган билимлар ва фаолият турлари кейинчалик таълим жараёнида ва ёки келгуси касбий фаолиятида қаерда керак бўлиши тўғрисида ахборот.

Бу ҳолатда, яна бир муаммо ечилади, яъни “таълим берувчи – таълим оловчи” ўзаро муносабати. Таълим оловчи, уни тайёр билимлар билан қуроллантирадиган таълим берувчининг таъсир объектидан, шахсий мустақил ўқув фаолиятининг субъектига айланади. У билимларни мустақил топишга ва ўзининг ўқув фаолиятини режалаштиришга, унинг натижаларига эришиш даражасини истиқболлашга мотивациялашган. Унда, тафаккурнинг мантиқий типи шаклланади (БМК ўзлаштиришнинг III даражаси).

### **Ўқув машғулотининг мазмуни**

Ўқув машғулотининг мақсадлари:

а) мотивацион: ушбу ўқув мавзуси чегараларида БМКни эгаллашга мотивацияни шакллантириш;

б) ўргатувчи: янги ўқув мавзу ўқув элементларини (модул бирликларини) ўрганиш кетма-кетлиги ва усуллари билан таништириш;

в) ривожлантирувчи: мантиқий тафаккурни шакллантириш.

Натижалар. Таълим оловчилар.

а) тузилмавий – мантиқий схемалар ёрдамида ўқув бирликларини айтишади ва уларни ўрганиш кетма-кетлигини баён қилишади:

б) ушбу мавзуни келажак ўқув ва касбий фаолиятлари билан ўзаро алоқасини баён қиладилар.

Ўқув материаллари:

а) кўргазма №1 – янги ўқув мавзусини (блок, модул) тузилмавий-мантиқий схемаси;

б) кўргазма №2 – якуний назоратнинг тестлари ва амалий топшириқларнинг вариантлари;

в) дарслик;

г) 3 та маркер, 3 та катта қоғоз варағи.

**“Мавзуга кириш” ўқув машғулотининг технологик харитаси.**

| Технологик босқичлар    | Фаолият                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           |
|-------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                         | Таълим берувчи                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             | Таълим олувчи                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             |
| 1                       | 2                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          | 3                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         |
| Тайёрлов                | Янги ўқув мавзусини (ДТС бўйича) ўрганиш мақсадларини ва натижаларини аниқлайди, якуний назоратнинг тестлари ва амалий топшириқларини ишлаб чиқади. Ушбу ўқув машғулотининг мақсадларини аниқлайди ва натижаларини шакллантиради: унинг технологик харитасини танланган таълим модели (усуллари шакллари, воситалари) асосида ишлаб чиқади. Кўргазмаларни тайёрлайди.                                                                                                                      |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           |
| Мотивацион              | Ўқув машғулотининг мавзусини, мақсадларини ва натижаларини эълон қилади. Ушбу мавзу бўйича илгари маълум бўлган БМК ни айтиб ўтишни таклиф қилади. Гуруҳлар ишини шарҳлайди.                                                                                                                                                                                                                                                                                                               | Мавзунинг номини (15 мин) ёзадилар. Учта гуруҳда ишлайдилар: етакчилар, ўз гуруҳлари аъзоларидан тушган таклифларни катта қоғоз варағига ёзадилар, Якунлангандан сўнг, етакчилар қоғоз варақларини доскага осиб қўядилар. Такрорланадиган барча ахборотларни шу ернинг ўзида чиқариб ташлайдилар (пинборд усули), қолганлари эса – ўқув бирликларига структурлаштирилади. |
| Асосий ахборот (25 мин) | Янги мавзунини, уни тузилмавий-мантиқий схемасини (кўргазма №1) намоён қилиш ва шарҳлаш воситасида обзорни ўтказиш. Ўқув элементларини ўрганиш кетма-кетлиги ва усулларини баён қилади. Мавзунинг якуний бўйича таълим олувчилар эгаллаши керак бўлган БМК рўйхатини эълон қилади (кўргазма №2). Якуний назоратнинг тестлари ва амалий топшириқларининг вариантларини ҳамда уларни баҳолаш мезонларини тақдим этади (кўргазма №3). Ушбу мавзу БМК келгусида таълим жараёнида ва ёки касбий | Тушунтириш айтида катта схемани ўзларининг конспект дафтарларига кўчирадилар.                                                                                                                                                                                                                                                                                             |



|                   |                                                                                                                                                                  |                             |
|-------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------|
|                   | фаолиятида қаерда ишлатилиши мумкинлиги тўғрисида хабар беради.                                                                                                  |                             |
| Якуний<br>(5 мин) | Таълим олувчилар амалга оширган фаолиятини, қуйилган мақсадга эришилганлик даражасини таҳлил қилади ва баҳолайди. Уй вазифасини бажариш бўйича тавсиялар беради. | Уй вазифасини ёзиб олишади. |

### 3.2. Дарс жараёнида касбий маҳорат

Ҳозирги замон жамиятининг ҳамма соҳасида ҳар кимдан ташаббускорликни, ижодни, мустақил фикрлашни талаб қилади

Дарс – педагогик ижодкорликнинг асосий майдони. Ўқитувчининг асосий педагогик эҳтиёжи – ўргатиш, етказиб бериш айнан дарсда амалга ошади. Шундай экан, дарс таълим жараёнини ташкил қилишга тўғри, янгича муносабат керак.

Дарс жараёнида ўқитувчи олдида муҳим бир масала туради. Ўқувчиларни билим олишга жалб қилиш, уларни олга ҳаракатлантиришдир. Бу эса ўқитувчи ва ўқувчиларни (ўзаро) биргаликдаги меҳнатга жалб қилади. Бунинг учун ўқитишда мажбур қилмаслик керак. Педагогик ҳамкорликнинг қарашларидан бири – дарсда ўқувчидаги кўрқувни йўқотиш, уни эркинроқ, дадилроқ қилиши, ўзини кучига ишонтириш, унга жиддий, ижод қилишга қодир шахс сифатида қараш.

Дарсда аниқ мақсад ғояси. Бу ўқувчилар билан ҳамкорлик руҳида иш олиб бориш, уларга аниқ бир мақсад қўйиб, бу мақсаднинг мураккаблигига ва буни амалга оширишга ишонтириш уларда ўзига бўлган ишончини, аниқ, мушкул масалани ҳам еча олиш мумкинлигини шакллантиради.

Дарс ўтиш жараёнида қуруқ гап билан чегараланмай, ўқувчи хотирасини шакллантириш, мантиқ, тасаввур, фикрлай олишини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ўқувчиларнинг ижодий фикрлашини шакллантириш шахсий сифатларидаги нотекисликларни, нуқсонларни бартараф қилишга ёрдам беради. Уларда эркин фикр қилиш камол топади. Натижада ўқувчилар ўтиладиган мавзунини билсада, муҳокама қилишда фаол ўқитувчи қайси дарсни ўтишдан қатъий назар, ҳеч қандай кераксиз, ортиқча нарсаларга тўхталмай, ҳар бир мавзунини аниқ, равшан, лўнда тушунтириши ва шу билан бирга ўқувчиларни индивидуал ва жамоа ўз-ўзига баҳо беришга ўргатиши лозим.

Дарс ўтиш давомида ўқитувчи шундай усуллардан фойдаланиш керакки, ўқувчилар ўзларини шахс сифатида ҳис қилишсин. Бу ҳар бир ўқувчи ҳар бир дарсда ўзининг баҳосини олиши, масалаларни ўзи танлаб олишда намоён бўлади. Ҳар ким ўз гуруҳида ҳимоя остида, ҳеч ким уни шубҳа билан ҳақорат қилмайди. Ўқитувчининг педагогик маҳоратида дарснинг ўрни муҳим. Дарс шундай марказки, ўқитувчининг ҳар бир тафаккури ва ҳаракатлари шу марказ атрофида айланиб, яна унга қайтиб келади. Ҳар бир дарс ўқитиш жараёнига ўзининг, фақат унга хос бўлган ҳиссасини қўшади.

Замонавий дарс фақат ўқитишнинг метод ва шакллари билан чекланиб қолмай, балки таълим-тарбия, ривожлантириш мақсадларини амалга ошириш, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятида биргаликдаги ўзаро боғлиқлигини рўёбга чиқаришни талаб қилади.

Дарс, ўқитувчидан ижодий педагогик тафаккур, педагогик маҳоратни талаб қилади. Ўқитувчининг ўқитиш воситалари унинг ижодкорлигига, кўп қиррали билимига, болаларни севиш, фаолиятига асосланади. Дарс беришда ўқитувчининг муваффақияти унинг назарий ва касбий тайёргарлигига боғлиқ.

Дарсга тайёрланиш жараёнида ўқитувчи шу предметга қарашли, психологик-педагогик, методик китобларни, журнал ва газеталарни мунтазам равишда ўқиб бориши, бадиий адабиётдан, ҳар хил кинофильмлардан фойдаланиш керак. Дарс бериш жараёнида воситалар ҳар хил бўлиши мумкин. Бу ўқитувчининг ихтисослигига, унинг қизиқувчанлигига, эҳтиёжларига, интеллектуал фаоллигига боғлиқ. Албатта, бунда ўрганилаётган материал мазмунини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Дарс бир нечта омиллардан иборат. Ўқитувчи ҳар бир дарсда 3 та масалага эътибор қаратиши керак. Булар:

1. Тарбиявий масалалар – ўқувчиларнинг бўлаётган ҳодисаларга, атрофга бўлган дунёқарабини шакллантиради. Уларда инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳини тарбиялайди.

2. Илм оширадиган масалалар ўз ичига ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришини олади.

3. Билиш масалалари – ўқувчиларда ўрганилаётган материаллардан асосийсини, муҳим жойларини ажрата олиш қобилиятини, ўқув фаолиятида ва фикрлашда мустақил бўлишни, ўқишда қийинчиликларни енгишини шакллантириш.

Тажрибали ўқитувчилар томонидан ўқувчиларнинг дарсдаги муҳим, керакли жойлари қайсилигини, қайси жойини эслаб қолиш, қайси жойидан шунчаки хабардор бўлиши кераклиги аниқланади.

Ўқитувчи томонидан дарсни ишлаб чиқиш натижасида, ўқитувчи дарснинг муаллифига айланиши керак. Дарснинг қандай бўлиши, ўқитувчининг ижодкорлигига ва маҳоратига боғлиқ. Аввало, дарснинг ижодий режаси тузилади. Режа ўз ичига қуйидагиларни олади:

ўқув дастуридан келиб чиқиб, ҳар бир мавзу материалининг мазмунини чуқур билиш;

ҳар бир мавзунинг ҳозирги замонга, ўқувчиларнинг ёшига мос бўлиши;


ўқитувчининг ҳаётий ва иш тажрибага, маънавий ҳолатига мос бўлиши;

ўрганилаётган мавзунинг олдинги ўтилган, кейин ўтилиши керак бўлган мавзуларга мос келиши;

ҳар бир мавзунинг ўқувчилар психологияга мослашиш мақсадга мувофиқдир.

Дарс жараёнини ўқитувчи ташкил этар экан, у ўрганишнинг самарадорлигига, ўқувчининг таълимнинг субъектига айлантиришга, ўқувчилар ҳам шу дарснинг ҳаммуаллифлигига айлантиришга интилади.

### **Таълим жараёнининг хусусиятлари**



Дарсни ишлаб чиқиш – тегишли материални ўзлаштиришнинг энг самарали усул ва воситаларни танлаш демакдир. Шунинг таъкидлаш керакки, дарсни ишлаб чиқишда ўрганилаётган материални ўзлаштиришнинг методик усуллари танлаш биринчи ўринда туриш керак, кейин эса унинг бошқа компонентлари, яъни уй вазифани текшириш, мустаҳкамлаш методларига амал қилиш зарур.

Дарс режасини тузиш жуда муҳимдир. Ҳаттоки кўп йиллик тажрибага эга бўлган ўқитувчилар ҳам янги, энди ишга тушган ўқитувчилар ҳам ҳар бир дарсликларни кўриб чиқишни қанда қилмасликлар керак. Бу албатта, ўқитувчининг ўзига фойда беради.

Дарсда билиш фаолиятини бошқариш маҳорати кўпгина омилларга боғлиқ. Шуларнинг энг асосийси, ўқитувчининг ўз предметини ўқувчиларга қизиқарли қилиб кўрсата олиш қобилияти. Чунки қизиқиш кўпгина, масалан. англаш, хотира, диққат, фикрлаш, ирода каби психик жараён ва вазифаларга боғлиқ.

Ўқувчиларда ўрганилаётган предметга қизиқишини, уни яхши кўришини шакллантиришига, изланувчанликка, янги билимларни "очишга", муаммоли характердан масалаларни ечишга жалб қилиши муҳимдир. Шундай экан, ўқитиш турли-туман бўлганда қизиқ бўлади. Бир хил ахборот ва фаолиятнинг бир хил усуллари тезгина зериктириб юборади.

Ўқитилаётган предметга қизиқишни орттириш учун, унинг умуман ёки алоҳида бўлимларда керакли, муҳимлиги, мақсадга мувофиқлигини англатиш керак. Янги материал қанчалик олдинги материал билан боғлиқ бўлса, у шунчалик қизиқарлироқ бўлади. Унчалик осон ёки унчалик қийин бўлмаган материал қизиқиш уйғотмайди. Ўқитиш қийин, лекин уддалаш мумкин бўладиган бўлиши керак.

Ўқувчи ишини қанчалик тез текширилиб ва баҳолаб турилса, ўқувчи учун ишлаш шунчалик қизиқарли бўлади. Ўқув материалининг ёрқин бўлиши ўқувчиларда қизиқиш уйғотади.

Тажрибали ўқитувчилар ўқитиш усуллари танлашда ижодий ва катта маъсулият билан ёндашадилар. Агар гуруҳ билан ишлаш жараёнида бир хил методлардан фойдаланилган бўлса, тарбиялаш жараёнида ижодкорликнинг асари ҳам қолмайди. Ўқитувчи ўқитиш жараёнида ҳар хил қизиқарли воситалар, ўйинлардан, масалалардан, мисоллардан фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқитишда ҳамма нарса ҳам қизиқ бўлавермайди. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчиларда ирода, қатъиятликни шакллантириши керак.

Тажрибали ўқитувчилар асосий эътиборини маъруза-дарслар, семинар дарслар, мунозара дарслар, конференция дарслари, экскурсия дарслари, мустақил иш дарслари, конкурс дарсларни ўтишга қаратади. Педагогнинг маҳорати шундай турлардан дарсларни ўта олиш техникасида ҳам намоён бўлади.

Маъруза дарси ўқувчилар онгини, фикрлашини фаоллаштиришда катта ёрдам беради. Тажрибалар шуни кўрсатадики, маъруза бошлашида ўқитилаётган материалнинг мақсадини, нимага ўқитилаётганини тушунтириш мақсадга мувофиқдир. Кейин эса, керакли билим олишда асос бўладиган тамойиллар, фикрини исботлаш ва қандай йўл тутиш кераклиги кўрсатилади. Шундан кейингина кўриб чиқиладиган масалани мағзи чақилади.

Семинар дарси – ўқувчиларни юқори ақлий фаолиятини, янги билим ва кўникма олишга интилишини келтириб чиқаради. Бундай ўқитувчи ностандарт усуллардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Мунозара дарси – ўқувчиларни муаммоли масалалар билан тўқнаштириш ўзларини фикрларини баён этириш учун (ўқув) педагогдан катта маҳорат талаб этилади.

Конкурсли дарслар – ноанъанавий ҳисобланади. Чунки, уларни ўқувчиларнинг ўзлари ўтказадилар. Улар ўзлари материал топишади, изланишади ва ҳ.к.

Муаммоли ўқитиш – бу шундай методки, унда ўқитувчи ўртага бир муаммони ташлаб, бу муаммони ечишда вужудга келадиган қарама-қаршилиқлар, эътирозларни кўрсатиб беради, эксперимент орқали ҳақлигини исботлайди, турли хил нуқтаи назарларни тушунтиради. Ўқувчиларга формула, қонунлар, сана ва минг хил қоидаларни қуруқ ёдлатишдан фойда йўқ. Шунинг учун ижодий характердаги саволлар билан ўқувчиларга мурожаат этиш муҳим. Бунда тажрибали мутахассис ўқувчилар билан педагогик жараёни ҳамкорликда амалга оширади.

Бундай дарсда ўқувчиларнинг билим олишга қизиқиш, эҳтиёжи, талабчанлиги ошади. Улар савол бериб, шу саволга жавоб излашади.

Анъанавий дарсларда ўқитувчи савол беради. Ўқувчилар эса шу саволга фақатгина дарсликка таяниб жавоб берди. Бундай пайтда, ўқувчиларда шундай тасаввур пайдо бўладики, ҳамма нарса, ҳақиқат шу дарсликда намоён бўлаяпти, унда яна нимани излаш керак? Нимага? Бу охир оқибатда дарснинг зерикарли бўлишига олиб келади.

Ўқитувчи ҳар бир дарснинг муаммоли, изланувчан, фаол бўлиши учун, ўқувчиларга савол ва топшириқлар тизимини яратади. Бу саволлар киска ва лунда бўлиши керак. Бундай саволлар ўқувчиларнинг нафақат фикрлаш доираси, изланувчанлигини кенгайтиради, балки уларни ижодий қобилиятларини ташкилотчилиги, интизомлилигини кучайтиради.

Шундай саволларни қўллаш керакки, уларда эътирозли, қарама-қаршилиқ томонлари бўлсин. Ўқувчи мулоҳаза юритсин. Шунини айтиш керакки, саволларнинг кўплиги ёки камлиги гуруҳдаги ўқувчиларнинг ёшга интелектуал қобилиятига мос келиш керак.

Ўқитувчи ўзининг дарсида ўқувчиларнинг хатога йўл қўйиш мумкинлигини инобатга олиш керак. Ўзи эса саволларни тўлдириб, жавобларни ҳам тўла бериши керак.

Жавобларни юзаки, саёз бўлиши кейинги савол беришга бўлган хоҳишни ўлдириши мумкин, шу билан бирга ўқувчиларни фаоллиги ҳам сунади.

Дарсдаги мустақил иш. Тажрибали ўқитувчининг ёш ўқитувчидан фарқи у кам куч сарф қилиб яхши натижага эришади, чунки у ўқувчиларни мустақил билим эгаллашга ўргатади. У шундай қоидага буйсунади: агар материал осонроқ бўлса, у ўқувчиларга мустақил иш қилиб беради, агар қийинроқ бўлса, ўзи тушунтиради. Мустақил ишнинг кўп турларини ўқитувчилар ўқувчиларни янги билимни эгаллашга тайёрлаш учун қўллашади. Биринчи навбатда бу такрорлаш характердаги ишлар. Уларга олдинги ўтилган мавзулар юзасидан масала, мисоллар, ўқитувчининг топширигига асосан бирор дарсликни танлаб бериш, график ишлар, яъни схема, жадвал ва бошқалар.

Бундан ташқари мустақил ишни янги материални ўрганишда ҳам қўллаш мумкин. Биринчи ва иккинчи ҳолатларда мустақил ишни ўқитиш жараёнига сингдириш ўқитувчи раҳбарлигида олиб борилади. Тажрибали ўқитувчилар ўқувчиларни дарслик билан мустақил ишлашга, конспект қилиш техникасига,

иждий ишларининг методикасига ўргатиб бориш керак. Таҷрибали ўқитувчи дарсда, ўқувчиларнинг дарслик билан ишлаётган пайтида, тез ишлайдиган болани тухтатмайди, секин ишлайдиган ўқувчини шошилтирмайди. Берилган саволга тўғри жавоб берган ўқувчига кейинги саволни беради. Хатогга йўл қўйган ўқувчига тезгина қўшимча топшириқ беради.

Мустақил ишни ташкил қилишда ёш ўқитувчи ўзига камроқ мажбуриятни олади. Ўқувчилар шунга ўрганиб қолишадикки, ўқитувчи ҳамма нарсани тушунтириб, керакли жойини муҳимлигини таъкидлаб ўтади. Ваҳоланки, шу материални мустақил ўрганиб чиқишга, уни қайта ишлашга ўқувчилар ўрганмаган бўлади.

Ҳар доим ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятларини ўрганиб, кузатиб, ҳисобга олиб юрадиган ўқитувчи уларнинг мустақил ишини ташкиллаштиришда педагогик маҳоратга эга бўлади.

Дарсда тескари алоқаларни амалга ошириш. Ўқувчиларнинг билим эгаллаш жараёнини ташкил этиш учун, ўқитувчи дарсдаги тескари алоқаларни амалга ошириш керак. Бундай маҳоратга ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқат қилганда кузатувчанлиги, яхши ривожланган тасаввур ва чуқур мулоҳазали бўлгандагина эришади. Бунда таҷрибали ўқитувчи қолоқ билим олишда пассив ўқувчиларни қуйидаги даражаларга ажратиш мумкин:

билиш доираси суст (диққатсиз, хотираси ёмон, фикрлаш, мулоҳаза юритиш доираси яхши ривожланмаган ва ҳ.к.)

эмоционал - иродалилигидаги камчиликлар (пассив, суст, ортиқча ҳаяжонли, кунти йўқлиги ва ҳ.к.)

шахсий сифатларнинг яхши шаклланмаганлиги (билим олишга қизиқиш, мустақил иш юритиш, жавобгарлик, маъсулият)

бир қанча камчиликларни уйғунлашуви,

Ўқитувчи мутахассис бой тасаввурга эга бўлиши керак. Бу нарса ўзини ўқувчилар ўрнига ҳаёлан қўлга олиш, ўқувчининг ролига кириб, шу нуқтаи назардан педагогик муаммоларни ҳал қилишда намоён бўлади. Бундай ўқитувчилар тўғрисида ўқувчилар: "Улар ҳамма нарсани кўрадилар, улардан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди" деб гапиришади, одатда. Шунинг учун, муносабатни амалга оширишнинг асосий талаби тарбияланувчи психологиясини англай олишдир.

Савол туғилади: қарама-қарши муносабатни қачон амалга оширса яхши бўлади? Илғор ўқитувчилар кўпинча дарсни олдинги билимларни фаоллаштиришдан эмас, балки муаммоли вазиятни туғдириш ёки олдин қўйилган муаммони ечими тўғрисидаги тахминларни, ўртага ташланган тахминни исботлаш вақтида, улар аввал эгаллаган билимларни долзарб эканлигини қўллашади. Бундан ташқари дарс бошида олдинги ўтилган мавзуга асосан назорат иши ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Муаммонинг долзарб ғояси ўқитувчига дарсни нимадан бошлаш кераклигини ҳам кўрсатиб беради. Баъзида дарсни озаки сўроқ билан бошлаш, баъзида эса масала ёки мисолни ечиш билан бошлаш мақсадга мувофиқ.

Шуни айтиш керакки, дарснинг бошланиши унинг кейинги боришини ҳам, ўқитиш усулини ҳамтанлашни белгилаб беради. Бу албатта ўқитувчининг ўз ташаббускорлиги ва ижодкорлигига боғлиқ.

Уй мустақил иши. Етук ўқитувчи-мутахассислар ўқувчиларнинг ўзлаштиришини ошириш самарадорлигини ҳар доим уй-мустақил ишини тўғри ташкил этиш билан боғлайдилар.

Яхши ўқитувчилар уй вазифаларини ўқувчиларга қизиқарли бўлишга ҳаракат қиладилар.

Шу мақсадда улар уй вазифаларни характер ва формасига қараб: оғзаки ва ёзма, муҳим ва ўз хоҳишдаги, қўшимча адабиётларни қўллаб, ўзи танлаган топшириқ, индивидуал ва группали ва ҳ.к.га ўзгартиришади.

Уй вазифаси аниқ ва тўғри бўлиши учун ўқитувчи дарс жараёнида самарали қилиб, тушунтириш ишларини олиб бориши керак. Шунинг учун ҳам малакали ўқитувчилар янги материални тушунтиришга кўпроқ вақт ажратадилар. Чунки билимларининг мағзини чақиш, англаш жараёни қанчали самарали бўлса, кейинги дарсда уй вазифалари текширишга шунчалик камроқ вақт кетади.

Ёш ўқитувчи биринчи кунларданок шунга эътибор бериш лозим. Янги материални тушунтиришга кўпинча вақт етмасликнинг сабаби шундаки, уй вазифасини текширишга кўп вақт ажратилади, чунки материални яхши ўзлаштирамаган бўлади. Шунинг учун, тажрибага эга бўлган ўқитувчилар янги мавзунини тушунтириш вақтида ўқувчини уй вазифасини бажаришда мунтазам равишда тайёрлаб борадилар. Улар асосий эътиборни ўқувчиларнинг аниқ, бир хил тушунганлигига ва уларнинг қай даражада материални тушунганлиги текшириб борилади.

Шубҳасиз, уй вазифаларини бажаришининг фаоллаштириш сабабларидан бири, уларнинг тез-тез ўқитувчи томонидан текширилиб борилишидир. Акс ҳолда ўқувчиларда уй вазифаларининг назоратсиз (тарзда) бўлиши вужудга келиши мумкин ва улар уй вазифаларни бажаришда суст бўлиб қолишади. "Топшириқ бердингми – текшир, текширмадингми топшириқ берма" – бу қоидага ўқитувчи доимо амал қилиши керак. Ўқитувчи педагогик меҳнатининг маданияти. Педагогик маҳоратни эгаллаш учун ўқитувчига фақат ўзининг фанини чуқур билиши етарли эмас, у бундан ташқари сиёсат, фан, санъат, техника, спорт соҳасида одамларни нимаики қизиқтирса, ҳаммасидан хабардор бўлиши керак. Дарс ҳар доим таълим жараёнига ухшаб, ўз ичига сиёсий йуналганлик элементини олади. Дарс бу ҳали кафедра, ҳали минбар, умуман дунёга бўлган ўзига ва болаларга ўқитувчининг муносабати акс эттириладиган вазият. Шунда фуқоролик қарашлари касбий қарашларни такомиллаштиради. Педагогик маҳоратнинг калити ҳам шу ерда.

Дарснинг психологик аспектларини ҳисобга олиш.

Ўқитувчи ҳар доим ўқувчининг ривожланиш даражасини, унинг хотираси, диктата, иродаси, кунтини синайди. Шунда нималарга амал қилиши лозим? Ўқитувчи ҳеч қачон ўзининг ўқувчиси, қолаверса инсон ҳақида ёмон ўйламаслиги, шошма-шошарлик билан унга баҳо бермаслик керак. Унинг асосий вазифаси - ўқувчини ҳар томонлама ўрганиб чиқиш, уни тушуниш,

ўқитувчилик касби ўйламай иш қилишни кечирмайди: бола қалбига нисбатан самимийлик, уни психологиясини, ички дунёсини англаш ўқитувчига хос.

Дарсда қулай психологик режимни қандай қилиб сақласа бўлади?

Биринчи навбатда, ўқувчига ҳалақит бераётган, диққатини бир жойга жамлашга тўсқинлик қилаётган, гуруҳ шароитида, ўртоқлари ёки педагогнинг ҳаракатларида ёки ўзининг мустақил ишида чалғитадиган, ғашига тегадиган нарсаларга барҳам топиш керак.

Ёш ўқитувчи ўқувчиларга дарсда нима иш билан шуғулланишаётгани, лоқайд ўқувчиларнинг бор-йўқлигидан бохабар бўлишлари лозим. Шубҳасиз бундайлар ҳар бир ўқитувчида ҳам бўлади. Бунга сабаб ўқитувчида ҳали етарли маҳоратга, ўқувчига таъсир этиш қобилиятига эга эмаслигидир.

Ўқувчини кўп нарса безовта қилади: тайёрланмаган уй вазифаси, яқинда ўқиган китоби, севимли футбол командасининг мағлубияти ва ҳ.к. Шунинг учун, ўқитувчи ўқувчиларнинг юзидан уларнинг кўнглида нима кечаётганини, уларнинг диққатини жалб қила олиши учун махсус психолог бўлиш керак. Шундагина, хатони жуда лоқайд, бефарқ ўқувчини ҳам дарсга қайтариш мумкин.

Қизиқишларни, қобилиятларни, фикрлаш суръатларни, тайёрланиш, ўқувчиларга бўлган муносабат, ўқувчилар характерининг хусусиятларини ҳисобга олиш ижодий дарснинг асосий талаби. Шунинг оқибатида дарс ўзининг биринчи туғилишидан бутун педагогик ҳаёти натижасида ўзгариб ўзининг софлигини йўқотмайди.

Ўқитувчининг ўқувчиларга бўлган талабларининг характери. Шу нарса маълум бўлдики, ҳар хил дарслар жараёнида ўқитувчи ўзининг тарбияланувчиларидан жуда кўп талаблар қилади, Лекин гап қанча талабларни айтишда эмас, уларни қай тарзда айтишда.

Талаб қилишни қандай ўрганиш керак?

Талабаларнинг табиатини, характеристикасини билиш керак.

Шундай метод эгаси бўлган педагоглар ўзининг кўрсатмалари билан ўқувчиларнинг баъзи ҳаракатларини рағбатлантирадилар, буни улар дарс давомидаги айтиладиган алоҳида танбеҳ ёки мақтов, хулосаларда намоён қиладилар. Улар кишига, қандай талаблар билдиришни (ўқувчи) биладилар. ўқувчилар эса талабларни билиб, уларни бажариб айнан бир феъл-атворга ўрганадилар.


Талабаларни тўғри танланганлигини аниқлашда педагогик вазиятни, яъни бу талаблар амалга ошириладиган шароитни ҳисобга олиш зарур. Асосийси педагогнинг талаблари аниқ, ижобий, қўлдан келадиган ва охиригача етказилган бўлиши керак.

Дарсда эмоционал-интелектуал шароит яратиш. Дарсда ўқувчи атрофдаги оламнинг предмет ва ҳодисаларни билибгина қолмай, унинг бу нарсаларга муайян муносабати шаклланади.

Баъзи ҳодисалар уни келажакка етаклайди, баъзиларига у бефарқ бўлиши мумкин. Бир хил нарсаларни яхши кўриб бошқаларини ёмон кўриш, баъзи ўқитувчиларни ёқтириб, бошқаларига фақат тоқат қилиш мумкин. Психологларни айтишича, ижобий туйғулар фаолиятини туғдиришади.



## Ўқув жараёнини ташкил этиш принциплари



Дарсни эмоционал-интеллектуал шароити турли хил усуллар орқали яратилади. Биринчидан, ўрганилаётган ёки қўшимча материал таркибида бирор қизиқ информация, ахборот келтириш орқали.

Иккинчидан, дарсга у ёки бу ҳақидаги маълумотларни, олимларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотларни, инсоннинг ақл заковати нималарга кодир эканлигини кўрсатувчи ҳикояларни киритиш.

Учинчи йўналиш, ўқувчиларга қизиқ бўладиган ижодий ишга жалб қилиш усулларида иборат. Бундай усуллар кўп. Уларни танлаш турли хил муаммо вазиятини вужудга келтириш билан боғлиқ.

Тўртинчи йўналиш, ўқитувчининг ўқув-материалга нисбатан ижобий муносабатда бўлишини билдирувчи хис-туйғуларга борлиқ. Шундай вазиятлар бўладик, ўқитувчи дарсга қанчалик тайёрланмасин, дарс кўнгилдагидек ўтмаслиги мумкин. Эндигина ишга тушган ўқитувчилар шуни эслаб қолишлари керакки, ўргатилаётган материалнинг гўзаллиги, қирралиги, эмоционал, тўғри етказа олишда ўқувчиларга ҳам ўтади.

Ҳазил-мutoйибани тушуниш ўқитувчининг "қувноқлиги" дарсининг ишчи муҳитини сақлаш билан бирга, ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишларни шакллантиришга ёрдам беради. Бундай пайтларда ўқитувчи уларга озгина

танаффус бериб, жисмоний тарбия дақиқасини ўтказиш, уларга бирор бир ашулани айтиб беришини тавсия қилиши, бирор қизиқ воқеани айтиб уларни озгина бўлсада, кайфиятини яхшилаш мумкин. Баъзи ўқитувчилар хаттоки қизиқ кулгили бир мавзун, ўтаётганда ҳам ўқувчиларнинг кулишига, жилмайишига йўл қўймайди. Бундай ўқитувчининг камчилиги шундаки, у нафақат кулги мутойибани тушунмайди, балки ўқувчиларнинг бундай ҳаяжонларини ривожланишига тўсқинлик қиладилар. Ўқувчи-талабаларнинг қувноқ руҳига душмандек қараш ёки уларнинг камчилиги деб билиш, бизнинг энг катта ва қўпол хатоимиз.

Дарс суръати ўқитувчи учун нафақат меҳнат маданиятининг муаммоси, балки интизом, дарснинг сифати муаммоси. Ўқув ишининг суръатини юқори қилиш учун мутахассислар ўқувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришга ҳаракат қилишади. Тажрибасиз ўқитувчилар, улгуролмасликдан қўрқиб, ўқувчиларнинг ўзлаштириш қобилиятини ҳисобга олмай, дарснинг суръатини ошириб боришга ҳаракат қиладилар. Дарснинг турлича бузилиб кетиши, ўқувчиларнинг ишчи кайфиятига, лекин хотиржам ишдан кўра кўпроқ салбий таъсир қилади, уларни толиқтиради.

Ишни энг қулай суръатини аниқлаш учун қуйидагиларга амал қилиш керак:

- тегишли меъёрга ҳаммага тўғри келадиган, дарснинг ўртача суръатини топиш;

- ўқувчиларнинг индивидуал имкониятини ҳисобга олиш; дарсдаги жамоа ва индивидуал форма ишларининг бирлигини танлаб олиш;

- ўқувчилар фаолиятининг турларини янгилаб, хилма-хиллаштириш; вақтнинг унумсиз ҳаракатларини максимал даражада қисқартириш.

дарснинг суръатини аста-секинлик билан ошириб бориш зарур. Дарсда ўз-ўзини назорат қилиш. ўқитувчи ўзини назорат қила олиши педагогик қобилиятининг ривожланишини тезлаштиради, тажрибаси педагогик маҳоратини намоён қилади.

Ўз-ўзини назорат қилишга мурожаат этган ўқитувчи, дарсда ўз-ўзини идора қилиш малакасини ошириш билан қуролланади, фаолиятини ўрганади, ўз навбатида бу меҳнатдан роҳатланиш, ўқитувчининг маънавий куч-қудратини, унинг ижодий ташаббусқорлигини вужудга келтиради. Муваффақиятли касбий фаолиятнинг асосий талаби, педагогнинг ахлоқий камолотга етишишга интилишдир. Бундай иштиёқнинг йўқолиши билан ижодий сўниш, ўз-ўзидан қониқмаслик, ихлоси қолиши бошланади.

Дарсни назорат қилишда қуйидаги принципларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир. Дарсда қилиниши керак бўлган ва қилинган нарсаларни таққослаш, ўқувчиларнинг олдинга силжиш даражасини (кўникмада, ривожланишда) текшириб бориш, уни олдинги натижалар билан таққослаш, ўқувчиларни дарсдаги иштиёқини аниқлаш.

Дарснинг сифатли томонлари. Дарсда қўйилган масалаларни ечилишини баҳолашда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштириш даражаси намоён бўлади. Агар натижалар ўқувчиларнинг максимал

имкониятлари даражасида бўлса, эришилган масала ечилиш сифати ва самарадорлигини ижобий, деб тан олинади.

Дарснинг сифатли томонларини аниқлаш ўқитувчи учун маҳорат. Коллеж машғулотини таҳлил қилишда энг самарали усул ва методларни танлаш ва қўллаш шартидир. У дарсда нимага эришади-ю, нимага эришмайди, муваффақиятсизликнинг сабаби ва уни бартараф қилиш йўллари кўра олади, кейинчалик йўллари нимани ривожлантириб, нимани мустаҳкамлаш кераклигини англайди.

Дарснинг сифатини англаш учун анъанавий схемани қўллаш мумкин: сўроқ - тушунтириш - мустаҳкамлаш - уйга вазифа. Яна шуни айтиш жойизки, замонавий дарснинг анализини "кенг" ва "тор" уринда бажариш ва асосий дидактик категориялар ва структурали элементлар асосида ўтказиш керак.

Дидактик категориялар асосида қуйидагиларни аниқлаш керак:

дарснинг дидактик принципларига ва таълим-тарбия жараёнининг талабларига мос келиши:

унинг йўли, яъни бориши ва натижалари дарс ва дастур талабларига ҳамда дидактик мақсадларига мос келиши:

дидактик масалаларнинг ечилганлиги ва ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ошириш мақсадининг амалга ошганлиги:

таълим методлари ва усуллариининг дидактик масалаларига мос келганлиги:-ўқувчиларнинг мустақил билим олишда юқори даражага эришилганлиги, таълим ва тарбияни ўзаро боғлай олганлиги;


дарснинг ҳаётий тажрибалар асосида бўлганлиги.

Дарснинг тузилишида ҳар бир мавзунинг муҳимлиги ўқувчиларда янги тушунча ва кўникма ва малакаларнинг шаклланиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Буларнинг ҳаммаси дарснинг сифатини ташкил қилади.

Ўқитувчининг дарсни ташкил қилишдаги тайёргарлик ва уни ўтказишдаги маҳорати – мушкул иш, лекин бунга эришиш ҳар бир мулоҳазали ўқитувчини кўлидан келади.

Ёшларда мустақил равишда билим олиш ва уни ҳаётда қўллаш кўникмаларини ҳосил қилиш, ахлоқ ва одобни яхшилаш мактабда, олий ўқув юртида шаклланади. Ёшларни талаба бўлгунга қадар ота-онаси, коллеж ўқувчилари қариндош-уруғи, маҳалла-кўй назорат қилиб олади. Талаба бўлганидан кейин бу назорат сусайиб кетади. Бу ҳолатни талабанинг ўзи англаб етиши лозим, шундан кейин бошқарув назариясининг тамойили, тушунча ва қоидаларини эгаллаган ҳолда ўзини-ўзи тарбиялашни бошлаши керак.

### Ўқитиш методалари



**Дидактик вазифалар асосида ўқитиш методларини  
классификация қилиш**

| <b>Дидактик вазифалар</b>                                             | <b>Ўқитиш методлари</b>                                  |
|-----------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------|
| Ўабул қилиш ва эслаб қолиш<br>мақсадида ўқув материални<br>тушунтириш | Оғзаки тушунтириш, ксєрғазмали,<br>мустақил иш           |
| Эгаллаган билимларни мустаҳкамлаш                                     | Ўрганилаётган материални муҳокама<br>қилиш, мустақил иш. |
| Кўникма ва малакаларни<br>мустаҳкамлаш                                | Кўрғазмали – машқ қилиш, мустақил<br>иш.                 |
| Эгаллаган билимларни, кўникма ва<br>малакаларни амалиётга қўллаш      | Амалий ишлар методи, мустақил иш.                        |

Таълим-тарбиянинг бошқарув назарияси. Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида қобилияти ва билимларга эга бўлган кишилар томонидан бошқариш эҳтиёжи мавжуд бўлган. Тарихдан бизга маълумки, давлатни илмий асосда бошқариш натижасида бошқарув назарияси вужудга келди. Бошқарув назариясини такомиллаштиришда ҳамма соҳалар билан бир қаторда таълим-тарбия соҳасини бошқариш муҳимдир.

Бу соҳада ҳам илмий бошқарув такомиллашига асосланиш лозим. Бунда таълим-тарбия соҳасининг ҳолати атрофлича таҳлил қилиниб, унинг кўрсаткичлари ижтимоий буюртмага таққослаб кўрилади. Сўнг мақсадга тўғри келадиган ва тўғри келмайдиган жараёнлар ажратилади.

Ижтимоий буюртманинг кўрсаткичларига мувофиқ келадиганлари ривожлантирилади, мувофиқ келмайдиганлари ўзгартирилади. Бу вақтда бутун таълим-тарбия жараёнинг тизими, унинг босқичлари, ҳар бир босқичда бериладиган белгилар мазмуни, таълим-тарбия билан шугулланувчиларни ижтимоий муҳофазасининг илмий асосланган лойиҳаси, бажарилиши шарт бўлган ишлар кетма-кетлиги ва бажарилиш муддатлари, бошқарувни амалга оширувчи мутасаддилар ва бу жараённинг тадбир-чоралари ишлаб чиқилади. Одатда бу илмий асосланган лойиҳа бир неча вариантларда тузилади.

Иқтисодий бошқарув. Таълим-тарбияни мақсадга мос ҳолатга келтириш усули бошқарув босқичида режалаштирилган ишларни бажаришга кетадиган сарф-харажатлар миқдори аниқ ҳисобланиб, молиявий таъминланиш манбаалари ҳамда ҳукуқий асослари ишлаб чиқилади. Бошқарув жараёнининг муваффақиятли кечиши кўп жиҳатдан иқтисодий бошқарув босқичининг илмий асосда ҳал қилинишга боғлиқдир.

Болаларни олган билимларини ҳаётда қўллай олишликка ўргатиш зарур. Болаларга маърифий фикрлашни ўргатиш зарур. Умумий руҳшунослик қонуниятларни бериши лозим, чунки бугунги ўқувчи эртага ота-она, раҳбар, тарбиячи бўлади. Ундан ташқари ҳар қандай шахс ўзи билан мулоқатда бўлган кишиларга озми-кўпми тарбиявий таъсир кўрсатади. Ҳар бир педагог аввалом бор, ўқувчиларга қолаверса бошқа кишиларга яхши муносабатда бўлиши, уларга қандай сўзлар орқали мурожат қилишини билиш керак.

Кейинги вақтда "муносабат педагогикаси" тўғрисида кўп гапирилмоқда ва кўп ёзилмоқда. Шунинг учун кўпинча у "тадбирлар педагогикаси"га қарама-қарши қўйилмоқда. Ўйлаймизки, биринчи иккинчисига қарама-қарши қуйиш ноурин, Булар шунчаки тарбияга турлича ёндашув аниқроғи унинг турли пағоналаридир. Айниқса, ўқитувчилар ўртасидаги муносабатлар, мулоқотлар, уларнинг иш тажрибаларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Маълумки, шахс барча ижтимоий муносабатларнинг мажмуасидир, Шу сабабли унинг ҳаётда мавжуд кўп қирралигидан фойдалана билиш лозим. ҳамма даврларда ўқитувчи шахсияти қанчалик эркин ва ўзига хос бўладиган ўқувчиларга таъсири шунчалик кучли, меҳнатининг самарадорлиги шунчалик юқори бўлади деб ҳисобланган. Ўқитувчининг ҳақиқий муносабатлари тизимига кирадиган шахси ҳамиша унинг фаолиятида муҳим урин тутиши керак. Чунки ўқувчиларнинг маънавий дунёсини бойитиш ўқитувчининг муносабатига, мулоқатига боғлиқ. Ўқувчи-талабаларнинг маънавий бойлиги ўқитувчининг ҳақиқий муносабатларига боғлиқдир.

Педагог ўз иши давомида фақат алоҳида ҳар бир ўқувчи шахси билан иш олиб бормасдан, балки ўз тажрибасида ўқувчиларни бирлаштирган турли хилдаги гуруҳлар, жамоа, оила билан бирга иш олиб боришига тўғри келади. Шу муносабат билан ўқитувчи гуруҳлар ва жамоаларнинг асосий ижтимоий психологик қонуниятларни билиши шарт. Педагог ўқув тарбия жараёнида ўқувчилар билан аниқ мақсадга қаратилган ишларни амалга ошириши лозим. Улар билан муносабатда ҳурмат ва ишончга эга бўлиши диққатга сазовордир. Ўқувчига қўйиладиган талаб, илтимоси, буйруқ оҳангида бўлмай, балки уларнинг маънавий сифатларини шакллантиришга, қаратилган бўлиши зарур.

Педагогик тарбия вазифаларини амалга ошириш жараёнида тарбияланувчилар ҳаётидаги ўзгартиришларни эътиборга олишни тақозо қилади. ҳар бир педагог ўқувчи талабаларга хилма хил тусда таъсир кўрсатади. Ўқитувчи ўз таъсирини болаларга ўткази билиш қобилиятига эга бўлиши зарур.

Ўқитувчи муносабатининг тартиби ўқувчиларга дарснинг бошидан бошлаб то дарс тугагунга қадар бўладиган жараёнда амалга ошириши ўз самарасини беради. Ўқитувчи ўқувчиларга ширин суханлик билан яхши муносабатда бўлади. Натижада ўқувчилар яхши тарбия топади. Ота-онага, ёру-биродарларига бўлган муносабатларини талқин қилиб берадилар. Улардан ибрат оладилар. Ўқитувчиларнинг муносабати орқали ўқувчилардан яхши-яхши ширинсухан ўқитувчи, катта-катта фан арбоблари чиқиши мумкин.

Яхши киши ўз ўрнини ҳар жойда топа билади. Шундай экан ўқитувчи аввалам бор актёр бўлиши, ўқувчи-талабалар орасида ўзини яхши тута билиши керак. Ўқувчиларга қандай муносабатда бўлишни, дарсни қандай утишни,

Ўқувчилар олдида ўзини қандай моҳирлигини, усталигини кўрсата билиш керак. Чунки ўқитувчи ўқувчиларни бошидан яхши тарбияласа, улар битириб кетгандан кейин ҳам, устозни яхши кўриш билан бирга ҳурмат билан эслайдилар. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўз касбини доимо севиши, ҳурмат қилиши лозим. Ўз ишига, қўл остидагиларга доимо ҳурмат ва эҳтиромда бўлиши, таълим-тарбия жараёнида камчиликка йўл қўймаслиги ва танлаган касбига бефарқ бўлмаслиги зарур. Ўқитувчи ўз фаолияти давомида жамият тараққиётига ҳисса қўшиш мақсадида иш олиб боради. Халқнинг анъанасига содиқ бўлиш билан бирга меҳнатсеварлиги, интизомлилиги, муваффақиятсизликдан тушкунликка тушмаслиги билан ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида намуна кўрсата олади. Ўзининг рост сўзлиги, покизалиги бир ишни киёмига етказмай туриб, иккинчи ишга ўтмаслиги билан бошқалардан фарқ қилади.

Ўз мансабига маъсулият билан муносабатда бўлиш, иш фаолиятида янгиликлар яратиш, ўқитувчи ва инсон сифатида яхшиликлар қилиш унинг касбий хусусиятлари ҳисобланади. Ўқитувчидаги саҳийлик, одоблилик, меҳр-шафқатлилик, марҳаматлилик, очик юзлик, ширинмуомалалик, сабрлилик, талабчанлик, ифбатлилик, итоатлилик, қаноатлилик, тўғрисиўзлик, поклик, мулойимлик каби фазилатлар маънавий муҳитни яратишда муҳим ҳисобланади.

Ўқитувчи ўз шогирдларида руҳий оламини яратиш, унинг педагогик маҳоратига боғлиқ. Дарҳақиқат, ўртоқлик, дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлилик, садоқат, меҳр-мурувват, касб танлаш имконияти, ватанпарварлик, миллий ифтихор, инсонпарварлик, хушмуомалилик, озодалик, покизалик, самимийлик, зийраклик, ташаббускорлик, инсофлилик, ростгуйлик, ор-номуслилик, андишалилик, катталарни ҳурмат қилиш, соф муҳаббатни қадрлаш, вазминлик, тўғрилиқ, миллатларни ҳурмат қилиш, ҳар бир талабанинг маданиятидан чуқур ўрин эгаллаши лозим.

### 3.3. Меҳнат ва касб таълими услугиёти

**Тарбияни меҳнат билан боғлаб олиб бориш.** Меҳнатнинг тарбиявий таъсири ғоят каттадир. Меҳнатда иштирок этиш ва унумли меҳнат қилиш билан шахс ўз қобилияти ва истеъдодини намоён қилади ва камолга етказди. Меҳнат ёш авлоднинг тарбияси учун жуда катта воситадир. Ўқув фаолияти ва ижтимоий фойдали меҳнат ўқувчи шахсига ижобий таъсир этади, бу икки фаолият бирлиги болани фаоллаштиради, хулқ бирлигини таъминлайди, ташаббускор, изланувчан қилади. Меҳнат болаларга сиёсий-маънавий тарбия бериш учун, уларда дунёқарашни вужудга келтириш учун замин ҳозирлайди. Шунинг учун оила ва мактабларда болалар илк ёшлигидан бошлаб меҳнатсеварлик руҳида, меҳнатга муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилади. Мактабда ўқишининг ўзи ҳам меҳнатдир. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг аксарияти, ҳам меҳнат тарбияси

билан мустаҳкам боғланган.

**Тарбияланувчи шахсини ҳурмат қилиш.** Ўқитувчиларни ижтимоий тарбиялашнинг муҳим тамойилларидан бири улар шахсини ҳурмат қилишдир. Бу тамойил инсонпарварлик муносабатидан келиб чиқади. Бу тамойил инсонпарварлик муносабатидан келиб чиқади. Ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш уларга меҳр-муҳаббат ва ишонч билан қўшиб олиб борилиши керак. Тажрибаларнинг кўрсатишига, қаердаки ўқувчиларга ҳурмат, муҳаббат, ишонч бўлсада шу ерда тарбиянинг таъсири самарали бўлди. Болаларга ҳурмат ва муҳаббат улар кучига куч ўқитувчига нисбатан ҳурматни уйғотади.

**Тарбияда ўқувчининг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш.** Тарбиянинг мазмуни, шакл ва методлари болаларнинг ёши ва савиясига қараб турли синфларда турлича бўлади. Болалар мактабда ривожланишининг турли давлари: болалик, ўсмирлик ва ўспиринлик босқичларини босиб ўтадилар. Шу даврлар ичида ижтимоий борлик ва воқеликлар ҳақида аниқ билимларига эга бўладилар. Шу йиллар ичида боланинг ахлоқий туйғулик ривожланади, хулқи ва онги ўртасида уйғунлик вужудга келади, характер таркиб топади. Болаларнинг ёш ва ривожланиш хусусиятига кўра бериладиган тарбиянинг мазмуни уларга нисбатан педагогик раҳбарликнинг характерини ҳам ўзгаришига олиб келади. Тарбия беришда ҳар бир ўқувчининг шахсий хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга. болаларни жисмоний ва маънавий ўсишида бир қадар умумийлик бор, бироқ болаларнинг мижози, характер хислатлари, қобилият ва майллари, қизиқишлари, иродавий сифатлари ҳар хил бўлади. Бу фарқлар уларнинг хулқида, ўқиш ва меҳнатида акс этади. Бир ўқувчига нисбатан фойдали методни бошқа ўқувчига нисбатан қўлланганда натижасиз бўлиб чиқиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир ўқувчи хусусиятини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

**Жамоада ва жамоа ёрдамида тарбиялаш.** Тарбия жараёни ўқувчиларнинг жамоа бўлиб бирлашишлари, уларда манфаатдор бирлашишлари, ўзаро ёрдам туйғусини ўстиришга хизмат қилиш лозим. Тўғри ташкил этилган жамоа одамларининг қобилият ва истеъдодини ривожланиши учун кенг йўл очади. Жамоада бола ҳар томонлама ривожланиш учун кенг имкониятга эга бўлади. Ўқувчилар аҳил жамоа бўлиб уюшганларидагина тарбия ишларини амалга ошириш анча енгил ва муваффақиятли бўлади. Яхши уюшган жамоада жамоа фикри катта тарбиявий кучга эга бўлади. Бу хилдаги жамоа фикри катта тарбиявий кучи ортади, ҳар бир шахсга фойдали таъсир этади. Ўз манфаатини жамият манфаати билан қўшиб олиб бориш, ўзаро ёрдам каби фазилатлар аввало жамоада шаклланади. Ўқитувчи ҳамма вақт ўқувчилар жамоасига таянмоғи, уларни жамоа бўлиб турли ишларни бажаришга одатлантириб, жамоада яшаш ва ишлашга ўргатиб бориш лозим.

Тарбияда ўқувчи хулқидаги ижобий сифатларга таяниб, салбий хислатларни йўқотиб бориш. Маҳоратли педагоглар ўз ўқувчиларининг шахсий фазилатларини яхши биладилар. Тарбия мақсадини амалга ошириш учун бола хулқидаги ижобий сифатларга суяниб иш кўрадилар. Боладаги ижобий сифатлардан таяниш унинг салбий сифатларини йўқотиш, ёмон, одатлардан қайтаришнинг энг яхши воситасидир. Тарбия муваффақияти мазкур масаланинг

тўғри ҳал этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ.


Тарбия жараёнини ташкил этишда ўқитувчи (тарбиячи) томонидан қўлланилаётган методлар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

**Тарбия методлари воситалари ва уларни касб таълими моҳияти** - меҳнат ва касб таълими ҳамда методлари талаба шахсини ҳар томонлама камол топтириш мақсади билан белгиланади ва тарбия жараёнига тааллуқли кўпгина таркибий қисмларни ўз ичига олади. Тарбия методлари ижтимоий жамият томонидан таълим муассасалари олдига ҳар томонлама баркамол, эркин, ижодкор, мустақил фикр эгаси этиб тарбиялаш вазифалари билан белгиланади.

Бу борадаги вазифалар ёш авлодни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ватан равнақи халқ фаровонлиги йўлида фаолият олиб боровчи шахсларни тарбиялаш, уларни бу курашга жалб этириш орқали амалга оширилади. Ушбу ғояга таянган ҳолда, тарбия жараёнида унинг қонуниятларига мувофиқ тарбия методларидан фойдаланиб иш кўриш лозим бўлади.

Тарбия методлари юнунча (“методос” йўл) – бу ўқитувчи (тарбиячи) ва жамоа томонидан ғоявий ва маънавий эътиқодларни, маънавий ҳис-туйғу ва одатларни таркиб топтириш мақсадида қўлланиладиган шахсга тарбиявий таъсир кўрсатиш усуллари демакдир. Тарбия методлари ўқувчининг ўз шахсини такомиллаштириш борасидаги ҳаракатни ҳам ташкил этишни назарда тутди. Шу боис ҳозирги замон педагогикасида тарбия методлари ўқитувчи ва ўқувчиларнинг тарбиявий вазифаларини ҳал қилишга қаратилган ўзаро боғланган, биргаликдаги фаолияти сифатида қараб чиқилади.

Ўқувчилар у ёки бу тарбиявий таъсирга турлича муносабатда бўладилар. Бу уларнинг индивидуал хусусиятларига, тарбияланганлик даражасига, тарбия методларининг қай даражада ўринли ва самарали танлангани ҳамда моҳирона қўлланилишига боғлиқ. Тарбия методларини тўғри танлаш тарбия вазифаларини ижобий ҳал қилишда, ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялаш ва фаоллигини рағбатлантиришда ёрдам беради. Тарбиявий натижаларга эришишни истаган ҳар бир ўқитувчи тарбия методлари ва уларнинг моҳиятини пухта ўзлаштириб олиш мақсадга мувофиқдир.





Биринчи гуруҳ методлари жамиятнинг тарбия мақсадларини шахс фаолияти ва хулқи рағбат (мотив)ларига айлантиради. Мазкур методларнинг вазифаси ўқувчининг онгида ҳаёт ахлоқ, меҳнат, кишилиқ муносабатлари билан боғлиқ қоида ва меъёрлар ҳақида тушунча ҳосил қилиш ва билим беришдан иборат. Тарбия жараёнида ушбу қоида ва меъёрлар шахснинг эътиқоди, ишончи ва ҳаётий қарашларга айланади. Ушбу гуруҳга маънавий (ахлоқий, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий, жисмоний, экологик, иқтисодий ва ҳ.к.) мазмундаги суҳбатлар, ҳикоялар маърузалар ҳамда намуна кўрсатиш методларини киритиш мумкин.


Иккинчи гуруҳ методлари ёрдамида ўқувчида маънавий мазмунга эга одатлар ҳосил қилинади. Ўқувчи хулқида ижтимоий тарбиянинг мазмунига мувофиқ маънавий одатлар асосан бўлиб фаолият заминида таркиб топади.

Фаолият ўқувчиларнинг ижтимоий муносабат ва ижтимоий хулқ-атвор тажрибаси билан бойитувчи муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

Иккинчи гуруҳ методлари орасида педагогик талаб методи аҳамиятлидир. Педагогик талаб турли вазифаларнинг бажарилиши: яъни, ижтимоий хулқ-атвор меъёрларини ифодалаш; у ёки бу фаолиятда қатнашиб бажарилиши зарур бўлган аниқ бир вазифани амалга ошириш; у ёки бу ҳаракатни рағбатлантирувчи ёки тўхтатувчи бўлиши; оқилона ҳаракатни олиб боришга ундовчи бўлиши мумкин.

Талаблар бевосита ёки билвосита қўйилиши мумкин. Бевосита талаблар қатъий буйруқ ёки кўрсатма, ишчанлик, йўл-йўриқ берувчи характердаги кўринишда бўлади. Билвосита талаблар кечикма, интилиш туйғусининг уйғотишни кўзда тутган ҳолда маслаҳат, илтимос, шаъна қилиш, фаолиятга нисбатан қизиқиш уйғотиш тарзида намоён бўлади. Талаблар ўқувчида у ёки бу даражада онг, асос, мақсад ҳамда эътиқод мавжудлигини назарда тутаяди. Айни вақтда ўқитувчи ўқувчиларга нисбатан қўйилаётган талабларнинг меъёрида бўлишига қатъий аҳамият бериши лозим.

Бевосита ва билвосита талаб ўртасидаги асосий фарқ қуйидаги расмда кўрсатилган:



Ўқитувчи томонидан қўйилаётган талаблар бора-бора жамоа талабига айланади. Жамоа талаби ижтимоий фикр тарзида намоён бўлади. Жамоа (жамоатчилик) фикри йўлида жамоатнинг муайян фаолият, воқеа-ҳодисага

нисбатан бериладиган баҳони ёки муҳокама натижасини ифодалайди ва фаол таъсир кучи бўлиб қолади. Фойдали фаолият ва махсус ташкил қилинадиган вазифалар жараёнида ижобий хулқ-атвор ва характерларга ўргатиб борилади.

Ўргатиш – бу ижтимоий хулқ-атворнинг одатий шаклига айлантириш мақсадида ўқувчилар томинидан режали ва тизимли тарзда ташкил этиладиган турли ҳаракатлар ва ташкил этиладиган турли ҳаракатлар ва амалий ишларга ундовчи фаолиятдир. Ўргатиш ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантиришнинг барча босқичларида самарали восита саналади.


Фаолиятда машқлантириш меҳнат ижтимоий фаолият, жамоа фаолияти ҳамда ўзаро мунасабат одатларини тарбиялашга қаратилгандир. Машқ қилиш ўргатиш билан яқин алоқада бўлади. Агар ўргатиб бориш негизида боланинг фаолият жараёнини эгаллаши ётса, у ҳолда машқ қилиш фаолиятини шахс учун аҳамиятда акс этади. Машқлантириш ўргатиб боришга суянган ҳолда кўп бора такрорланади, мустаҳкамлашни ва такомиллаштириб боришни назарда тутаяди, булар эса бора-бора ижтимоий хулқ-атворнинг асоси бўлиб қолади.


Тарбиявий амалиётда кўпинча махсус педагогик вазиятларни юзага келтириш заруряти туғилади, бунда ахлоқий ҳал қилишнинг мустақил танлаш учун имкон бўлади. Педагогик вазиятларда ўқувчилар ўз фикр ва хулқ-атворларини қайта ўзгартиришлари лозим бўлган шароит яратилади.

Иккинчи гуруҳ методлари орасида мусобақа ўқувчилар амалий фаолиятларини ташкил қилиш методлари самарадорлигини оширишнинг зарур ва муҳим шarti ҳисобланади. Мусобақа фаолиятнинг барча соҳаларида ўқувчиларнинг фаолияти ва ижодкорлигини ривожлантиришга фаоллиги ва ижодкорлигини ривожлантиришга ўқувчилар жамоаси фаолиятини муайян мақсадга йўналтиришга кўмаклашади. Мусобақа тўғри ташкил қилинганда жамоа ҳисси муваффақиятли шақиллантиради, интизом ва ўқувчиларнинг уюшқоқлиги мустаҳкамланади. Мусобақа алоҳида фаолият тури бўйича, шунингдек, тизимли тарзида ҳам уюштирилади; чунончи, энг яхши синф, энг яхши гуруҳ, энг яхши жамоа, энг яхши мактаб ва ҳ.к.

Тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ўзлари ташаббус ва ғайрат кўрсатиш асосида мусобақани ташкил этишларига унинг шarti ва кўрсаткичларини ишлаб чиқишларига эришиш муҳимдир. Шунингдек жамоанинг умумий муваффақияти, қабул қилинган мажбуриятнинг бажарилиши, мусобақа натижаларини стендларда акс этишни таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш зарур. Мусобақани расмий ахборотлар учунгина ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас. Жамоатчилик фикри мусобақа фаолиятининг муҳим асоси бўлиб қолади.

### Тарбия жараёнининг модели





|                                                                     |                                      |
|---------------------------------------------------------------------|--------------------------------------|
| Т.Т. – тарбиянинг таъсири                                           | Ш.С. – шахсни шакллантириш сифатлари |
| Т.Ш. – тарбияланувчининг шахси                                      | С – сабаблар                         |
| Т.М. – шахсга таъсир қилувчи омилларга тарбияланувчининг муносабати | О – тарбияланувчининг одоби          |

Биринчи ва иккинчи гуруҳ методларининг ўзаро боғлиқ ҳолда қўлланиши орқали онг ва хулқ бирлиги юзага келади, аммо бу ўз-ўзидан вужудга келмайди. балки ўқитувчининг ташкилотчилик маҳорати ҳамда унинг ўқувчи онги, хулқига таъсир этаётган воситалар хусусиятлари, аҳамиятини кўра олишига боғлиқ.

Учинчи гуруҳ методларига шундай методлар кирадики, булардан тарбияланувчилардаги ижобий хулқ-атвори рағбатлантириш, салбий хислатларни тузатиш ёки олдини олиш, уларнинг ҳис-туйғулари ва мақсадларига бевосита таъсир кўрсатишда фойдаланилади. Ушбу гуруҳга рағбатлантириш ва жазо бериш каби методлар киради.

Рағбатлантириш методлари ўқувчиларнинг ҳаракатларини ижобий ижтимоий баҳолашни кўзда тутди. Рағбатлантириш қувонч, қониқиш, қаноатлантириш кечинмаларни пайдо қилади, тетиклик ва ғайрат бағишлайди, ўз кучига ишончни мустаҳкамлайди, ижобий ҳатти-ҳаракатларни рағбатлантиради, ўз фаолияти ва хулқига маъсулиятни оширади. Рағбатлантириш методлари хилма-хил бўлиб, улар сирасига маъқуллаш, кўнгил кўтариш ва далда бериш, ишонч билдириш, қайд қилиш, оғзаки ёки ёзма ташаккур билдириш, мукофотлаш ва бошқалар киради.

Рағбатлантириш педагогик талабларни ҳисобга олган ҳолда қўлланиши

лозим. Ҳар қандай рағбатлантириш ўқувчининг жамоа олдидаги чинакам хизматларига мувофиқ бўлиши лозим. Рағбатлантириш вақтида ўқувчининг индивидуал хусусиятларини жамоада тутган ўрнини ҳисобга олиш ва у кетма-кет бўлмаслиги курак. Ҳаддан ошириб мақташ, жамоага нисбатан таққослаш талабчанликни бўшаштириб юбориш – булар ўқувчида манманлик, худбинлик сифатларининг юзага келишга сабаб бўлади. Рағбатни ташкил этишда ўқувчининг муваффақиятлари билан бирга, унинг жамоадаги ўрни ахлоқий қиёфаси, шунингдек, моҳиятга, жамоа топшириқларига, жамоанинг ўзига муносабати борасидаги жамоа фикрини инобатга олиш ҳам талаб этилади.

Жазо бериш методлари – бу ўқувчининг ҳатти-ҳаракати ва фаолиятига салбий баҳо беришдир. Жазо бериш ахлоқ меъёрларига қарама-қарши фаолият ва ҳатти ҳаракатларни муҳокама этилишини ифодалайди. Жазо бериш номаълум ҳатти-ҳаракатларни олдини олиш, ахлоқни тузатиши жамоа олдида уялиш, ўзини гуноҳкор деб билиш ҳиссини уйғотиши мумкин. Жамоа томонидан ёки унинг қўллаб-қувватлаши асосида жазо бериш методлари ҳам хилма-хил бўлиб, улар жумласига танбеҳ бериш, қойиш, уялтириш, қизартириш ҳатти-ҳаракатларини жамоа ўртасида муҳокама қилиш, муайян фаолиятидан четлатиш ва бошқалар киради.

Жазо беришда ҳам педагогик талабларга амал қилиш зарур. Берилаётган жазо мақсадга мувофиқ бўлиб, ўқувчининг айбини, салбий ҳатти-ҳаракатларига қараб берилиши лозим. Жазо бериш чоғида салбий ҳатти-ҳаракатнинг сабаблари, унинг жамоага етказадиган зарари, ўқувчининг шахсий хусусиятлари инобатга олиниши лозим. Жазо бериш ўқувчининг шахсий манфаатларидан келиб чиқмаслиги ёки унинг учун хизмат қилмаслиги лозим. Жазо жамоа томонидан ҳам берилиши лозим. Барча ҳолларда ҳам жазо ўқувчининг жисмоний ва руҳий азобга солмаслиги, уни таҳқирламаслиги, шаънини ерга урмаслиги, ҳуқуқини паймол этмаслиги керак.

Тарбиянинг барча методлари шароитни, жой ва вақтини, шунингдек, уларнинг ўзаро бир-бирига таъсирини ҳисобга олган ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Тарбия методлари тарбия воситалари билан жуда яқин алоқада ва ҳатто бир-бирига сингиб кетган бўлса-да, улар бир биридан фарқ қилади. Тарбия воситалари сирасига энг аввало тарбия мақсадга мувофиқ ташкил қилинган фаолият тарбияланувчи шахсини шакллантиради.

Ўйин, ўқув меҳнат, спорт, ижтимоий ва бошқа фаолият турлари шундай воситалар ҳисобланади. Бундан ташқари тарбия жараёнида турли предметлар, моддий ва маънавий маданият намуналари ахборот ҳамда техник воситаларидан ҳам тарбия воситаси сифатида фойдаланилади. Чунончи, кўргазмали, ўқув қуроллари, бадий, илмий адабиятлар, саънат асарлари, радио, телевидение, компьютер, магнитофон, слайдо, шунингдек, кишилар ҳам тарбия воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тарбия воситаларидан фойдаланиб доимо унга мувофиқ келувчи тарбия методлари ва усулларида фойдаланилиши тақозо этилади, чунки улар ёрдамида от, ҳис-туйғу, хулқ-атвор таркиб топтирилади, ўқувчининг турли кўринишдаги фаолияти уюштирилади.

Бугунги кунда тарбия жараёнида ахборот ва техник воситалардан

фойдаланишга алоҳида диққат-эътибор қаратилмоқда. Улардан мақсадга мувофиқ ва самарали фойдаланиш ўқувчининг маънавий камол топишига олиб келади. Юқорида билдирилган мулоҳазаларга таянган ҳолда мавзу юзасидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

б) Тарбия жараёнининг асосини ижтимоий ҳаётнинг объектив талабларини, шахснинг ижтимоий моҳиятини ҳамда табиатини акс эттирувчи қонуниятлар ташкил этади.

Тарбия жараёнини илмий асосланган тарзда олиб бориш унинг қонуниятларини чуқур ўрганишни талаб этади.

в) Тарбия жараёнининг муваффақияти уни ташкил этишда қандай тамойилларга кўра иш кўриляётганлигига ҳам боғлиқ. Тарбия тамойиллари ёш авлодни тарбиялаш мақсадидан келиб чиқадиган ва комил инсонни тарбиялашнинг мазмуни, методлари ва йўналишига қўйиладиган энг муҳим талабларни белгилаб берувчи асосий ғоя ва қоидалар йиғиндисидир.

г) Тарбия жараёнини ташкил этишда ўқувчи томонидан қўлланиладиган методлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар ижтимоий жамият томонидан таълим мутахассислари олдида қўйилган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, эркин, ижодкор, мустақил фикр эгаси этиб тарбиялаш вазифалари билан белгиланади. Тарбия методлари ўзаро ўхшаш жиҳатларига кўра уч гуруҳга бўлинади. Тарбия жараёнида қўлланиладиган тарбия воситалари тарбия методлари аҳамиятини кучайтиришга хизмат қилади.

## **Хулоса**

Ушбу бобда таълим мазмуни, уни амалга оширишда ўқитувчининг касбий маҳорати таълим олувчиларнинг эгаллаши зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш методикаси, таълим берувчи таълим олувчининг ўзаро муносабати кабилар ишлаб чиқилган. Шунингдек ушбу бобда дарс бу – педагогик ижодкорлик, янги мавзунинг мақсади ва режаси, педагогнинг дарсдаги маҳорати, маданияти ҳақидаги йўналишлар илмий-методик жиҳатдан асосланган.

Бизга маълумки, ҳозирги замон жамиятининг ҳамма соҳасида ҳар кимдан ташаббускорликни, ижодни, мустақил фикрлашни талаб қилади. Бу соҳада дарс педагогик ижодкорликнинг асосий майдони ҳисобланади. Ўқитувчининг асосий педагогик эҳтиёжи – ўргатиш, етказиб бериш айнан дарсда амалга ошади. Шундай экан, дарс таълим жараёнини ташкил қилишга тўғри, янгича муносабат керак. Шу муносабат билан ушбу бобда дарс жараёнида ўқитувчи олдида тўрган масалалар ўқувчиларни билим олишга жалб қилиш, педагогик ҳамкорлик, дарсда ўқувчидаги кўркувни йўқотиш, уни эркин, дадилроқ қилиш, ўзини кучига ишонтириш, унга жиддий, ижод қилишга қодир шахс сифатида қараш, дарсда аниқ мақсади, бу мақсадни амалга ошириш йўллари ишлаб чиқилган.

**Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар.**

Касбий мазмуни нималарда ифодаланади?  
 Касбий таълим тамойиллари ҳақида гапириб беринг?  
 Педагогик жараёни лойиҳалаш нима?  
 Шахсий малакавий билимлар қандай ривожланади?  
 Дарс бу – педагогик ижодкорлик. Сизнинг фикрларингиз?  
 Янги мавзунинг мақсади ва режаси қандай тузилади?  
 Педагогнинг дарсдаги маҳорат нималардан иборат?  
 Тарбия билан меҳнат тарбиясининг узвийлиги нималардан иборат?  
 Таълим шакллари ҳақида гапириб беринг?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагог мутахассислигига тайёрлаш технологияси. – Т.: ТДПУ, 2000.
2. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: ТДПУ, 2003.
3. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 2004.
4. Очилова Г. Педагогик маҳорат. – Т., 2005.
5. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Т., Жумабоева Ф.А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. – Т., 2002.
6. Хўжаев Н.Х., Ходиев Б. Ю., Янги педагогик технологиялар: Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2002.
7. Психология и педагогика. Под.ред. А.А.Радугина. – М., 2003.
8. Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А. Сластенина. – М.: Академия. 2004.
9. [www.tgeu.uz](http://www.tgeu.uz).-Тошкент Давлат Иттифоқ Университети веб сайти.

## **IV БОБ. ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ЎҚИТУВЧИНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИ**

- 4.1. Ўқитувчининг тарбиявий маҳорати.
- 4.2. Жамоани шакллантириш ва унда шахсни тарбиялаш услубияти.
- 4.3. Тарбиявий ишда театр педагогикаси.

### **4.1. Ўқитувчининг тарбиявий маҳорати**

“Мен Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир"- деган фикрини кўп мушоҳада қиламан. Буюк маърифатпарвар бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз , учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир. Чунки таълим-тарбия

онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб биз кўзлаган олий мақсад-озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди”, - деган эдилар Президентимиз И. А. Каримов ўз асарларида.

Дарҳақиқат юртимиз келажаги бўлган ёшларни ҳар томонлама камолга етган, баркамол инсон қилиб тарбиялашда уларнинг маънавий қирралари: иймон, эътиқод, меҳр ватанпарварлик, дўстлик, инсонга чексиз муҳаббат, мурувватлилик, қаноатлилик, сабр-тоқатлилик, саҳийлик, миллий ғурур каби фазилатларни шакллантириш жуда муҳимдир. Бу мислсиз тенги йўқ ишда ўқитувчиларнинг, тарбиячиларнинг, таълим соҳасида масъул ходимларнинг хизмати бениҳоят каттадир.

Тарбия-тарихий ва ижтимоий ҳодисадир. Тарбия авлод-аждодларимиздан бизга етиб келган буюк мерос бўлиб, у комил инсонни вояга етказишда муҳимдир. Тарбия инсонларнинг фаолияти жараёнида уларнинг онги ва иродасини ўстиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, тарбия ижтимоий ҳодиса бўлиб, инсоният тараққиётининг турли босқичларида ўзига хос мазмун ва амалга ошириш шаклига эгадир. Тарбия ҳақида Шайх Саъдий ўзининг "Тулистон" асарида шундай деб ёзган эди: "Кимда-ким ёшликдан тарбия олмаса, катта бўлиб бахтли бўла олмайди".

Адибнинг юқоридаги сўзларига амал қилган ҳолда ўқувчиларни маънавий бой, жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаш мақсадида дастлаб уларнинг тарбиявий даражасини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ўқувчилар қалбини одоб-ахлоқ нурлари билан ёритмокчи бўлган тарбиячи-ўқитувчи чуқур билим, кенг маҳорат ва тарбиячилик-санъатини эгалламоғи керак. Ўқувчи ёшларни тарбиялашда умуминсоний қадриятлар, ислом таълимоти, ўзбек миллий урф одатларига амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Тарбиявий жараён онгли, масъулиятли фаолият бўлиб, унда тарбиячи тарбияланувчиларни комил инсон қилиб етиштиришда унга ҳар томонлама таъсир кўрсатади. тарбиячи ўқувчилар жамоасининг тарбиявий даражасини ўрганиб, унга таъсир кўрсатиш маҳоратига эга бўлиши, тарбиявий тадбирларни ўқувчиларнинг руҳиятига қанчалик ижобий таъсир этганини кузатиб, уни янада ривожлантириши, такомиллаштириши, тарбиявий ишларни самарадорлигини оширишда ўз билимини таркибий равишда бойитиб бориш лозим.

Юртимизда тарбиявий ишларни ташкил қилишнинг асосий мақсади миллий истиқлол талабига жавоб берадиган ёшларни тарбиялашга қаратилган экан, айни пайтда бу ният тарбиячи-ўқитувчиларга катта масъулиятни юклайди. Педагогик фаолият юритиш давр талабига жавоб бермоғи лозим. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасида худди шу хусусда тўхталган: "Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғилланиш ҳуқуқига эга...".

Тарбия уч нарсага эҳтиёж сезади: истеъдодга, илмга ва машққа, деган эди улуғ олим Арасту. Ана шу ғояларга асосланган ҳолда тарбиячилар куйидагиларга амал қилишлари лозимдир:

тарбияда улғаетган инсон шахсини олий ижтимоий кадрят деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ва ёш йигитнинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқий ва эркинлигининг эътиборга тутилиши:

миллийликнинг ўзига хос анъана воситаларига таяниш, жаҳон маданиятининг илғор тажрибаларига асосланиш;

ўқувчилар фаолиятида тарбиявий жараённинг асосини ташкил қилиш, қизиқарли, тўлақонли болалар ёш жиҳатларига мос ҳаёт иқлимини яратиш, меҳнат, хайрия, ижтимоий фойдали, ижтимоий кўнгилочар ва шунга ўхшаш тадбирлар ташкил этиш лозимки, натижада ўқувчилар ўзлари хоҳлаган ишга қўл урсинлар, муваффақият ҳиссини тушуниб ўзларига ишончлари ортсин, ахлоқан баркарор бўлсин.

Ўқитувчи ўзининг тарбиячилик маҳоратида миллий истиқлол озод ва обод ватанга муҳаббат ва инсонпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия, иқтисодий тарбия, экологик тарбия, нафосат тарбияси, жисмоний тарбия, комил инсонни вояга етказиш кабиларга эътибор бериши лозим.

Демак, ўқитувчи жамият ҳаётида етакчи ўрин тутувчи, мураккаб шахс структурасига эга бўлган инсоннинг касбий қиёфасидир. Ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида эришилган ютуқларнинг заминиде унинг меҳнатининг натижалари ётади. Ўқитувчиларнинг педагогик, психологик тайёргарлиги ва билимлар интеграцияси, муомала маданияти, психологик вазиятларни эътиборга олиш кабилар кучли бўлиши керак. Юксак савияли, зўр маҳоратли тарбиячиларгина халқ орзусидаги баркамол инсонни тарбиялайди. Илм инсонни юксаклик сари олиб боради. А. Авлоний айтганларидек: "Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, порлок келажаги, раҳбари, нажотига айланган". Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас фазилатдир. Шунинг учун авваламбор илмли, тарбияли бўлмоқ ҳар бир ёш инсоннинг бурчи.

Шу мақсадда кўнглида энг олий орзуларни жамлаб, ўқитувчи тер тўкиб ишлайди. Уларнинг меҳнатини ҳурмат қилиб, берган билимларни эгалламоқ керак. Бехбудий айтганларидек: "Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир". Ибн Сино таъкидлаганидек: "Кимга қандай панду насиҳат қилсанг, унга аввало ўзинг амал қил".

Халқимизда тарбиячилик санъати қадимдан жуда юксак даражада ривожланган. Шарк мутафаккирлари, педагогик олимлари баркамол инсонни етиштириш учун тарбия нақадар зарурлигини, унинг моҳиятини ва мазмунини асослаб берганлар. Тарбиявий ишларни ташкил қилишнинг миллий ва назарий асослари мавжуд бўлиб, ўқитувчилар ўзларининг тарбиячилик фаолияти жараёнида;

мустақиллик туфайли ўзбек халқининг миллий, диний ғояларининг кенг рўёбга чиқиши;

маърифатпарварлик ва жаҳидчилик ҳаракатининг тарихий асослари;  
она тилимиз, унинг софлигини асраш;

Туркистон халқларининг авлод-аждодлари яратган халқ оғзаки ижодиётининг миллий тарбия воситаси сифатида қўлланишини юзага чиқариш ва кенг фойдаланиш;



халқимиз яратган миллий урф-одатлар ва анъаналаримиздан кенг фойдаланиш;

Қуръони карим ва ҳадиси шарифдаги инсон камолоти ҳақидаги ғояларни ёшларга ўргатиш;

маърифатпарвар мутафаккирлар, миллий қаҳрамонлар фаолияти, уларнинг асарларини ўрганиш, илғор тарбиявий таъсир кўрсатувчи таълимотларга амал қилиш ва бошқалар.

Юқоридаги йўналишлардан бизга маълум бўладики, буюк аجدодларимиз юксак тараққий топган давлат барпо этгани ва бу мамлакатда “Куч адолатда” - деган бош шиор давлат сиёсатининг, жамият ҳаётининг асоси бўлганини яхши биламиз. Бу ғоя одамларга куч берган, уларда инсоф диёнатга, эзгуликка ишонч уйғотган. Чунки, жамиятда адолат барқарор бўлса, миллат ҳеч қачон адашмайди. Эртами кечми фаровон турмушга эришади. Адолат биз кураётган жамият мезони бўлмоғи даркор.

Албатта бунда ўқитувчининг билими, маҳорати бекиёсдир. Ўқитувчининг билим даражаси, шарқона фикр юрита билиши, иш билан ҳаракатининг бирлиги коллеж ўқувчиларининг ижодий фазилатларини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди. Тарбиянинг етакчи мақсади сифатида асрлар давомида шахснинг ҳар томонлама камолотга эришуви ғояси асос бўлиб қолади. Шахснинг ҳар томонлама камолотга эришиши, бу унинг айрим қирралари ёки хислатларининг тўла қонлилигини, жисмоний, ахлоқий, сиёсий, эстетик қарашлари йиғиндисини ўз ичига олади. Ёшларни фалсафий дунёқарашга тайёрлаш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишга кўмаклашиш, ўз-ўзини идора ва назорат қила билишни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга, чунки улар ўз шахсий турмушида мақсадли ёндашув режа ва амал бирлигига эришадилар. Ўқувчиларни умуминсоний ва ватанимиз қадриятлари, бой маданияти билан таништириш, уларда маданий ва диний билимларни эгаллашга бўлган талабларни шакллантириш, малакаларни ошириш, эстетик тушунчаларни камол топтириш ўқитувчи фаолиятида чуқур ўрин эгаллаши лозим. Улар бир ўсмирнинг, йигит ва қизларнинг билимдонликларини ва ижодий имкониятларини аниқлаб уларни ривожлантириш, болалар ижодкорлиги, иқтидорини юзага чиқариш ва янада қўллаб-қувватлаш учун шарт-шароит ҳозирлаш, инсон фаолиятини турли соҳаларида жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

Халқимизнинг “Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай” - деган нақлини ўқувчилар қалбига сингдириш масъулияти ўқитувчига топширилган. Тарбия қандай бўлмоғи керак? Ўқитувчининг педагогик фаолиятининг самарага эга бўлмоғи учун кўп жиҳатдан шахс хусусиятларининг шаклланганлиги, шахс йўналишини аниқланганлигини ва касбий маҳоратнинг таркиб топганлиги билан характерланади.

Бугунги кунда ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитнинг мураккаб тус олиши ёки таълим тизимига нисбатан янги талабларнинг юзага келиши педагогларнинг ўз фаолиятларини тубдан ўзгартиришга ҳамда изчил, ақл-заковатни ишга солган ҳолда иш тутишни тақозо этмоқда. Бу бир томондан давр талаби эканини, иккинчи томондан шарт-шароитга нисбатан туб бурилиш

хосил қилиш ёки шахс фаолиятини йуналтиришда янгича муносабатда иш тутиш талаб этилади. Чунки мамлакат равнақини таъминлашда касбий таълим тизимида ижобий ўзгаришларнинг киритилиши педагогик ходимларнинг психологиясида бурилиш яшашлик билан белгиланади. Ўқитувчи ўқувчининг ички дунёсини тушуниш бошқа одамлар билан алоқа ўрнатиш, ўқувчига фаол таъсир ўтказиш, ҳамма билан тил топишиб кетиш, вазминлик, одамларни ишонтириш қобилияти, босиқлик ва ўзини тута билиш, талабчанлик, катъийлик, ғайратлилик, чидамлилик, раҳбарлик ва ташкилотчилик, ўзи ва бошқаларнинг ҳулқини бошқариш, мустақил ва ижодий фикрлаши муҳимдир. Кўп ҳолларда ўқувчилар шахсини ривожлантиришда аниқ бир мезон ўлчовини белгилаб олмайдилар. Шу сабабли ҳам ўқитувчи ўқувчиларга касбий маҳоратини таркиб топишида қийналадилар, Улар қандай ҳолатда ҳам фаолият йўналишини акс эттирувчи мезон бўлиши керакдир.

Бу мезон ўқитувчи фаолиятини доимо ўз-ўзини назорат қилиш имкониятини туғдиради ва унинг самарадорлигини таъминлайди.

Ўқитувчи шахсий хусусиятларидан ташқари чуқур илмий савияга, сўзлаш маданиятига, юксак одоб ахлоқли бўлиши керак. Ўқувчилар билан ўтказиладиган суҳбатларни юқори савияда ташкил қилишда, ўқитувчи қуйидаги маданият қирраларига эга бўлиши керак.

Рухият маданияти - ўқувчиларнинг маънавий эҳтиёжларига тўғри таъсир кўрсатиш.

Маҳорат маданияти - ҳар бир тадбирни зўр қувонч ва қалбдан ташкил қилиш.

Сиёсий маданият - давр талабига мос иқтисодий, ижтимоий билимга эга бўлиш.

Маънавий маданият - ўқувчиларнинг ижодий, маънавий, бадий фаолиятини ташкил қилишдир.

Бундан ташқари, ўқитувчи ўзининг ташқи кўринишига ҳам эътибор бериши керак, тоза-озода, ихчам қийиниши керак. Бундан ташқари олий маълумотли, чуқур билим эгаси ўзининг фанини пухта биладиган, юрт равнақи учун жонини фидо қилишга тайёр, ўз шогирдларидан билими, малакасини аямайдиган, ўқувчиларга азиз, дўст, сирдош, коллежнинг фидокор ходими бўлмоғи лозимдир.

Ўқитувчи тарбия жараёни янада самаралироқ ўтиши учун турли хил кўргазмалардан, техник воситалардан унумли фойдаланиши мумкин. Буюк мутафаккирларимизнинг ноёб асарлари, уларнинг хикматли сўзлари, турли қаҳрамонлик лавҳалари тасвирланган расмлар, одоб-ахлоқ мавзусидаги фильмлар техник воситалар сифатида тарбияга таъсир қилади. Инсонни маънавий баркамол қилиб тарбиялашда ўзбек халқининг миллий ва маданий қадриятларидани фойдаланиш, манбаашуносликка ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Тарбиявий тадбирларни режалаштиришда ўқувчининг рухияти, қизиқиш жараёнидаги ижобий ва салбий сифатларининг мавжудлиги даражасига эътибор бериш, тарбиявий тадбирларнинг сифат ва самарадорлигини оширишда янгича ишлаш методи ва шаклларидан фойдаланиш санъатига эга бўлиш ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ.

Ўқитувчиларнинг бу машаққатли меҳнатларини кадрлаган ҳолда ўқувчиларнинг ўзлари ҳам яқин ёрдамчи бўлишлари керак. Шу ўринда Воиз Кошифийнинг "Агар шогирдликнинг биноси ниманинг устига кўрилади деб сўрасалар жавоб бергил: Ирода ва сабр тоқат, нимаики устоз истаса, уни жон қулоғи билан эшитиб, чин кўнгли билан қабул қилиш, эътиқодли бўлишдир" деган сўзлари ўринлидир. Ўқувчилар меҳнатининг давлат томонидан муносиб тарзда тақдирланиши уларнинг қобилиятини янада ривожлантиради, уларнинг ижодий фаолияти мукаммаллашади, ўз устида олиб бораётган ишлари такомиллашади, ўзига берилган мукофотга ижобий жавоб беради.

Албатта, бу ўринда ҳар бир тарбиячи педагогик ташкилотчилик маҳоратига эга бўлиши керак. Тарбия жараёнини тўғри ташкиллаштириш, дарсдан сунг ўқувчиларнинг бўш вақтини тақсимлаш керак. Бунда ўқувчиларнинг ота-оналари билан яқиндан муносабатда бўлишлари керак, улар билан суҳбатларни қуйидаги йўналишларда олиб бормоғи лозим:

Ўқувчининг характер хусусияти, оиладаги ўрни, мавқеи, руҳий ҳолатини ўрганишда.

Одоб ва ахлоққа доир суҳбат (шарқона урф-одат, расм-русумлар, янги чиққан адабиётлар).

Тарбияси мураккаблашган ўқувчиларнинг ота-онасига маслаҳат бериш, ўқитувчининг яккама-якка суҳбати пухта, асосли ва мантиқан бой бўлса, ота-онани унга ишончини оширади, натижада эркин дил сўзлари, маслаҳат, ўзаро ёрдам каби бир ҳамкорлик ҳолати вужудга келади.

Ўқитувчи ота-она ва ўқувчилар билан яккама-якка фаолиятини йўлга қўйиш учун ота-оналар шахсини, оилавий аҳволини билиш керак. Ўқитувчи ота-оналар ҳақида маълумотга эга бўлгандан кейин уларнинг фарзандлари ҳақида маълумотни аниқлаб олиш муҳимдир. Ўқитувчининг болаларни тўлиқ, ўрганиши, тарбиявий тадбирларни мукаммал таъсирчан уюштиришга имконият яратади. Ўқитувчи ўз фаолитида қуйидагиларга эътибор бериши лозим:

Ўқувчиларда шаклланиб келаётган ижобий фазилатларни тавсифлаш, уларни билим олишга қизиқтириш, ростгўй, маърифатли, меҳрли, дўстлик, ўз-ўзини бошқариш, меҳнатга муносабатини ривожланиш.

Ўқувчиларнинг руҳий қуввати ва темперамент турларини ажрата олиш.

Ўқувчидаги ижобий ва салбий ўзгаришларни кузатиш ва сабабини ўрганиш.

Ўқувчидаги ёлгон гапириш ва бошқа салбий сифатларини аниқлаш. Болалар билан турли саёҳатлар уюштириш, кинотеатрларга бориш, ўйинлар ташкил қилиш, байрамларга бағишланган кечалар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Масалан: "Гуллар байрами" эрталигини ўтказиш ўқувчиларнинг эстетик ҳис туйғуларини ўстиради.

Байрамни ўтказишдан мақсад ўқувчиларда йил фасллардаги мавсумий ўзгаришларни кузатиб бориш, табиатдаги ўсимликлар дунёси, турли-туман гуллар, уларнинг ўстириши ва бошқалари ҳақида тушинчалар беришдир.

Фан ўқитувчилари ҳар хил мусобақалар, беллашувлар ўтказишлари ҳам ўқувчининг билимига билим қўшади, дунёқарашини ўстиради-гуруҳдошлари билан алоқани мустаҳкамлайди, мустақил фикрлашга ундайди. Коллежларда

ташкил қилинган ҳар хил тўғараклар ҳам ўқувчиларнинг тарбиясига яхши таъсир қилади. Қайси ўқитувчи ташкилотчи, янгиликларга интилувчан бўлса, унинг ўқувчилари иноқ, меҳрибон бўлиб ўсадилар. Улар дўстларининг, оналарининг, ўқитувчиларининг, илмнинг қадрига етадиган баркамол инсон бўлиб ўсиб улғаядилар. Давлатимизнинг энг буюк мақсади ҳам асли шудир.

Демак, ўқув-тарбия жараёнининг натижалари ўқитувчининг маҳоратига, ташкилотчилик фаолиятига ва касб кўникмасига боғлиқ экан. Дарснинг самарадорлиги, таълимий, ривожлантирувчи ва тарбияловчи жараёнини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

Ўқитувчининг маънавий-ахлоқий, сиёсий, илмий назарий ва методик даражасини ошириш;

педагогик меҳнат сифатига, дарсга тайёрланишга масъул муносабатни белгилаш;

барча ўқув-тарбиявий ишлар бўйича самарали назоратни ташкил этиш;

ўқувчиларда ўқишга масъулият муносабатни тарбиялаш бўйича улар билан иш олиб бориш, билимларидаги нуқсонларнинг олдини олиш, билим, кўникма ва малакаларнинг юксак сифатига эга бўлиши учун курашиш, бу ишга ўқувчиларнинг ўзини фаол жалб қилиши керак.

Бу йўналишларнинг ҳар бири бўйича аниқ ўйлаб чиқилган, илмий жиҳатдан асосланган ишлар режаси, педагоглар жамоаси унинг ўқув-тарбиявий ишлари даражасидан келиб чиқадиган тизими бўлиши зарур.

Сухбатнинг якуни барча кўрсатиб ўтилган таркибий қисмларини ўз ичига оладиган вариант ҳам бўлади. Бу қоидаларга риоя этиш педагогнинг сўзлари ўқувчиларга зарур таъсир кўрсатиш учун шарт-шароит яратади. Бундан ташқари педагог эски фикр учун янги сўзлар излаши ва топиши даркор, яъни айти бир фикрни турлича баён қилишни билиши зарур.

## **4.2. Жамоани шакллантириш ва унда шахсни тарбиялаш услубияти**

Жамоа сўзи лотинча “коллективус” сўзининг таржимаси бўлиб, йиғилма, омма, биргаликдаги мажлис, бирлашма, гуруҳ маъноларини англатади. Аниқроқ айтиладиган бўлса жамоа бу кишилардан иборат гуруҳ демакдир. Замонавий талқинда “жамоа” тушунчаси икки хил маънода ишлатилади. Биринчидан, жамоа деганда кишиларнинг исталган ташкилий гуруҳи тушинилади (масалан ишлаб чиқариш жамоаси, завод жамоаси, хўжалик жамоаси в ҳоказо). Иккинчидан, жамоа деганда юқори даражада уюштирилган гуруҳ тушинилади. Чунончи, ўқувчи тарбияланувчиларнинг бирлашмаси ўзига хос муҳим белгиларга эгадир. Қуйидаги жамоа ва унинг хусусиятлари борасида сўз юритамиз.

Жамоа ва жамоа орқали тарбиялаш тарбия тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлган тамойиллардан биридир. Шахсни шакллантиришда жамоанинг етакчи роль ўйнаш тўғрисидаги фикрлар педагогика фанинг илк ривожланиши давридаёқ билдирилган. Жамоада унинг аъзолари ўртасидаги муносабатининг алоҳида шакли юзага келади. Бу эса шахснинг Жамоа билан биргаликда ривожланишини таъминлайди. Лекин ҳар қандай гуруҳни ҳам жамоа деб ҳисоблаб бўлмайди. Жамоа бир қатор белгиларга эгадирки, мазкур белгилар жамоани кишиларнинг етарли даражада уюшган ҳар қандай гуруҳдар ажратиб туради.

Жамоа ижтимоий жамиятнинг бир қисми ҳисобланади, унда ижтимоий ҳаёт ва кишилик муносабатларининг барча меъёрлари ўз ифодасини топади. Зеро, жамоа жамиятдаги мавжуд муносабатлари тизимида намоён булар экан, жамоа ва ижтимоий жамият мақсади, интилишида ўзаро бирлик узвий мақсадга мувофиқ ташкил этади.

Шу боис жамоа ҳаётининг бир ягона мақсадга қаратилганлиги ва ижтимоий ғоявий йўналганлиги унинг етакчи белигиси ҳисобланади.

Ҳар бир жамоа бошқа бир жамоалар билан узвий боғлиқ бўлади. Унинг ҳар бир аъзоси жамият ижтимоий фаолиятни ташкил этиш жараёнида ўз жамоаси билан биргаликда иштирок этади. Жамоани тушиниш, уни ҳис этиш ҳамда шахсни шакллантиришдаги ўрни ва ролини тўғри баҳолай олиш умумий ав хусусий мақсаднинг қизиқиши, эҳтиёж ва фаолиятнинг бирлигини намоён этади ҳамда бўлинишига йўл қўймайди.

Ҳар бир жамоа ўз-ўзини бошқариш органига эга ва умуммиллий жамоанинг узвий қисми саналади. Шунингдек, у мақсаднинг бирлиги ва ташкил қилиш хусусиятлари орқали умуммиллий жамоа билан боғланади. ижтимоий жамиятнинг эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган жамоа навбатидаги муҳим хусусиятидир. Жамоа фаолиятнинг ижтимоий-ғоявий йўналишини ҳам жамоанинг фаолияти мазмунида ўз аксини топиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Жамоа хусусиятини аниқлашда кишилар гуруҳининг ягона ижтимоий тизимини ўрната олишдаги усули, яъни жамоани ташкил қилиш усули ҳам муҳим ҳисобланади.

Педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ташкил этилган жамоа фаолияти натижасида жамоа аъзолари ўртасидаги ишчанлик, бир-бири учун ғамхўрлик, ўзаро ёрдам, жамоа манфаати учун жавобгарлиги ҳисси қарор топади.

Биргаликдаги фаолият умумжамият иши учун масъулият ҳиссини уйғота бориб, жамоа аъзоларини бир-бирига яқинлаштиради, жамоага мансублик ҳиссини пайдо бўлишини уйғотади, жамоа билан муносабатда бўлиши эҳтиёжини оширади. Жамоа аъзолари ўртасида ўзаро гуруҳий яқинлик, ҳиссий бирлик юзага келади. Ушбу муносабат кўпинча ўз-ўзидан пайдо бўлади ҳамда улар педагогик таъсир кўрсатиш учун қўл келади. Руҳий ва ҳиссий бирлик жамоа аъзоларининг биргаликдаги фаолиятни мазмунига улар орасидаги ҳосил бўлган ишчилик фаолиятнинг характериға бевосита боғлиқдир.

Жамоанинг расмий (ишчанлик) ва норасмий (ҳиссий) тузилишнинг бир-биридан фарқлаш лозим. Жамоанинг расмий тузилиши деганда жамоа

фаолиятининг турли курунишларини амалга ошириш учун зарур бўладиган ташкилий жиҳатлари кўзда тутилади. Мазкур тузилма бир томондан жамоа аъзолари қўшилган ишчанлик муносабатларини ифода этса, иккинчи томондан раҳбарлик вазифасини бажарувчи тарбиячилар ҳамда жамоа аъзолари ўртасидаги мавжуд бошқариш муносабатлари мазмунини ифода этади.

Норасмий тузилма жамоанинг барча аъзолари ўртасидаги шахслараро маънавий психологик муносабатларнинг умумий тизими ва микрогуруҳни ташкил этувчи айрим аъзолар ўртасидаги танлаш муносабатлари мазмунини ифодалайди. Жамоанинг ҳар бир аъзоси мавжуд муносабатлар тизимида у ёки бу ўринни эгаллайди. Тарбияланувчи шахснинг жамоадаги ўрни унинг шаклланиш жараёнига таъсир кўрсатади. Мактаб ёки синфдаги расмий ва норасмий тузилмалар бир-бирига мувофиқ бўлганда, жамоанинг расмий етакчилари норасмий муносабатлари тизимда кўзга кўринган ўрнини эгаллаган ҳолдагина чинакам жамоа бўла олади. Шунингдек, норасмий гуруҳлар (ишрогуруҳлар) умумжамоа ижтимоий манфаатлари учун курашувчи гуруҳлар бўлгандагина жамоа ўзини чинакам жамоа тарзида намоён этиши мумкин.

Яшаш жойларида ўзаро бириккан болалар гуруҳлари қанчалик аҳил ва иноқ муносабат заминидан ташкил топгап бўлмасин ҳақиқий жамоа бўла олмайди. Чинакам жамоа ижтимоий аҳамиятга мойиллик фаолиятини ташкил эта олиш, жамоа аъзолари ўртасида ижтимоий аҳамиятли фаолият, мақсад, ишчанлик характеридаги алоқа ва муносабатларини ўрната олиши лозим. Жамоанинг мажбурийлик белгиси унга педагогик раҳбарликнинг бўлишидир.

Шундай қилиб, жамоа – кишиларининг шундай муайян гуруҳи бўлиб, у ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсад ҳамда мазкур мақсадни амалга ошириш учун йўналтирилган ни ташкил этади. Ушбу гуруҳ аъзолари ўзаро бирлик, аъзоларининг муносабатлар жараёнидаги тенглиги асосида унга раҳбарлик қилиш ва бир-бирига бўйсунитиш, шунингдек, жамоа олдидаги жавобгарлиги асосида муайян фаолиятни олиб борадилар.

Жамоа ва уни шакллантириш педагогик фаолиятнинг мақсади ҳисобланади. Айни кўрсатиш, уни кўрсатиш воситаси бўлиб, унинг ёрдамида жамоанинг барча ёки ҳар бир аъзосининг тарбиялаш яхши самаралар беради.

Жамоанинг етакчи тарбиявий вазифаси шахсни ҳар томонлама тарбиялаш, унда ижобий сифатларни ҳосил қилиш, мустаҳкам ҳаётий позицияни қарор топтиришдан иборатдир.

Ўқувчилар жамоаси педагогик – тарбиячилар ҳамда болалардан иборат жамоанинг мураккаб бирлашмаси, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқарув жараёнини ташкил этувчи мустақил тизим, шунингдек, ўзининг психологик муҳитига, анъаналарига эга гуруҳ ҳисобланади.

Демак, юксак даражада уюштирилган жамоа ўзида бир неча хусусиятларни намоён этади. Улар қуйидагилардир:

- б) Ижтимоий аҳамиятга эга ягона мақсаднинг мавжудлиги.
- в) Биргаликдаги умумий фаолиятнинг ташкил этилиши.
- г) Мажбурий масъулиятли муносабатнинг йўлга қўйилиши.
- д) Сайланган умумий раҳбарий органга эгалик.

Жамоани шакллантириш муайян қонуниятларга бўйсунадиган узоқ муддатли, мураккаб жараёндир. Жамоанинг вужудга келиши учун 4 босқич зарур. Жамоанинг шаклланиш босқичлари дастлаб педагог бутун гуруҳга талаб қўяди, сўнгра жамоа фаоллари жамоа аъзоларига талаб қўяди, сўнгра бутун жамоа алоҳида шахсдан муайян тарзда олиб боришни талаб қилади ва ниҳоят, шахс ўз-ўзига талаб қўяди. Ушбу жараёниги схема тарзда қуйидагича баён этиш мумкин. Ёш авлодни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашда, уларда олий ахлоқий сифатларини шакллантиришда жамоа руҳида тарбиялаш алоҳида ўринни эгаллайди. Ўқувчи мактаб даврида жамоа бўлиб ўқийди, ҳамжиҳатликда ишлайди, демек, жамоатчиликнинг дастлабки тамойиллари билан танишади ва уларни ўрганиб боради. Қуйида, асосан, жамоатчилик тушунчасига доир айрим масалалар устида фикр юритамиз.

“Жамоатчилик” сўзи латин тилидан олинган бўлиб, жамоавий, умумийлик, бирлик деган маънони билдиради. Жамоатчилик тушунчаси, даставвал жамоа бўлиб ишлаш, халқ учун меҳнат қилиш, шахсий манфаатни умум манфаатга бўйсундириш, бир-бирларига беғараз, ўртоқларча ёрдам бериш деган тамойилни англатади. Жамоатчиликни шахснинг асосий хусусияти деб қараш лозим. Чунки жамоа ҳисси, бир томондан, шахсни ривожлантиришга таъсир кўрсатади, иккинчи томондан, шахснинг тарбияланишида ўзаро диалектик муносабатни вужудга келтиради. Шахсни шакллантириш воситаларидан бири жамоатчиликдир. Жамоатчилик шахсни шакллантиришнинг моҳиятини очишда, жамоа ва шахснинг ўзаро муносабат ва алоқасини англашда муҳимдир. Шахснинг ривожланиш фаолиятида жамоатчиликнинг тутган ўрни ва аҳамияти эканлигини ва унинг мазмуни ва хусусиятини ифодалаш маъқулдир. Бу илгари шахсни қандай тушунганликларини ва ҳозир психологлар, педагог ва файласуфлар қандай тушунаётганликларини аниқлаш учун зарурдир.

Жамоатчилик тушунчасини тор маънода ва кенг маънода тушуниш мумкин. Тор маънода жамоа маълум гуруҳ кишилар йиғиндиси, синф жамоаси ва бошқалардир. Жамоатчиликни кенг маънода тушуниш бу, даставвал, унинг объектив асосларини билишдир. Шахснинг асосий хусусияти жамоа бўлиб, у объектив асосда шаклланади. Бу эса, даставвал, жамият характериға ва ҳаёт шароитига боғлиқдир.

Жамоатчилик назариясининг бу объектив қонунийлигини, албатта, ҳисобга олиш зарур. Жамоатчиликнинг бундай тарихий тараққиётини кузатиш ҳозирги жамиятда жамоатчиликнинг моҳияти нимадан иборат эканлигини, шунингдек, жамоатчиликнинг моҳияти нима билан характерли эканлигини билиш тақозо этади. Бизнинг қарашимизча, жамоатчилик шахснинг асосий хусусиятигина эмас, балки бутун ғояси ҳамдир. Айрим олимлар жамоатчиликни назарий жиҳатдан инкор этадилар ёки бу икки юзламачилик, ёлғончилик, мунофиқлик қиладилар.

Жамоатчиликнинг ривожланиш диалектикаси, бир томондан, объектив асосни кўзласа, иккинчи томондан, жамоанинг ривожланиши, назарий психологияси сифатида объектив моддий асосларни акс эттиради. Жамоатчилик масаласига назарий ва ижтимоий нуқтаи назардан қараш, ҳар бир

шахсда жамоатчиликни шакллантиришнинг объектив асосларини ифодалаш зарурдир.

Шуни эътироф этиш керакки, жамоа ва шахсни шакллантиришнинг объектив асоси ва психологияси бўлишига қарамай, жамоани шакллантиришда жиддий хатолик ва камчиликлар мавжуддир. Яна шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда меҳнаткашлар учун моддий, маънавий ва идеологик шароитларнинг яратилганлигига қарамай, айрим кишиларда жамоа манфаатларига, умумманфаатларига нисбатан шахсий манфаат ва қизиқишларни устун қуйиш ҳоллари кўринади. Айрим ёшлар жамоатчилик сўзини биладилар ва бу ҳақда кўп гапирадилар-у, амалда бунинг аксини қиладилар. Юқоридаги фикрлар шуни кўрсатадики, шахсда жамоатчилик хусусиятларини шакллантириш назарий ва амалий жиҳатдан жуда қийин жараёндир. Меҳнаткашларда жамоатчиликни шакллантириш улар онгига эскилик сарқитларидан тўла халос этишнинг муҳим воситасидир.

Жамоатчиликда шахсий ва жамоат манфаати ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосий масала бўлиб ҳисобланади. Жамоатчилик манфаати шахсий қизиқишни ҳам кўзлайди, шахсий манфаат, ўз навбатида, умумманфаатни ҳам кўзлайди.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, жамоатчилик ўзининг моҳияти билан ўзининг эгоизм ва индивидуализм идеологиясига қарама-қаршидир. Эгоизм ва индивидуализм ҳам унинг объектив ва идеологик асосларига эгадир. Агар жамоатчи маълум гуруҳ, жамиятни ва унинг манфаатини ўзида ифода этса, индивидуалчи бир кишининггина манфаат ва қизиқишини ифода этади. Бу юқорида келтирилган жамоатчиликнинг шакллантириш жараёни, руҳий табиатини маълум даражада очиш мақсадга мувофиқлигини тақозо этади.

Бизнинг фикримизча, жамоатчилик кишилардаги иродавий, ақлий ва ҳиссиёт жараёнидир. Жамоа ҳиссиёт бўлиб, кишиларнинг бир-бирига ва атрофларига бўлган муносабатларида ҳамда ички кечинмаларида намоён бўлади. Биз жамоа ҳисси ҳақида гапирганимизда, кишиларнинг ички ҳис-туйғуларини, ўз жамоасининг ютуқ ва камчилиги тўғрисидаги ички кечинмаларини тушунамиз. Шахсдаги ақлий жараён билан узвий боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам, кишилардаги жамоа ҳиссини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Ёшларда жамоатчиликни шакллантириш билан бир вақтда, уларнинг ақлига, ҳиссиётига ҳам таъсир кўрсатилади.

Ҳар қандай ҳиссиёт тушунчасининг натижасидир. Тушуниш ва билиб олиш натижасида ёқимли ва ёқимсиз ҳиссиётлар пайдо бўлади. Демак, жамоатчилик мазмунини тушуниш ва билиш орқали кишиларда ёқимли, гўзал ва ижобий туйғу ҳиссиётлар юзага келади. Бу, ўз навбатида, кишиларга жамоани тўғри тушуниш ва баҳолашга имкон беради.

Жамоатчилик инсонга хос бўлиб, ички кечинма натижасида гўзаллика баҳо бериш натижаси бўлса, индивидуализм якка кишига хос бўлиб, ички кечинма натижасида гўзалликка баҳо бериш демакдир. Шундай қилиб, бу икки қарама-қарши идеологияни бошқа кишилардаги жамоатчиликни баҳолаб қолмай, балки кишилар хулқига имкониятлар ҳам яратади, унинг хулқига индивидуализмга қарши ҳиссини уйғотади.



Демак, кишиларда жамоатчиликни шакллантириш диалектик жараён бўлиб, шу шакллантириш билан бир вақтда индивидуализмга қарши курашилади. Бу курашда ёшларнинг онги, психикаси индивидуалликни эътироф этади. Бу психиканинг диалектик тараққиёти ҳисобланади. Киши ўзида жамоа ҳисси пайдо бўлиши билан индивидуализмни инкор этади. Индивидуализм инкор этиш жараёни психик ва амалий тажрибада маълум даражада қийинчиликни вужудга келтиради. Бу қийинчилик билан курашиш, сўзсиз иродавий жараёнга боғиқдир. Шунинг учун ҳам жамоатчиликни шакллантиришда иродавий жараён биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Индивидуализм хусусий мулкчилик ва рақобат негизида, жамоатчилик эса ижтимоий мулкчилик негизида вужудга келади. Аммо жамоатчиликнинг индивидуализм устидан тўла ғалаба учун сиёсий тузум ўзгариши шарт. Шундай қилиб, жамоатчилик кишиларнинг умумий мақсад йўлида биргаликда қилган меҳнат ва кураш жараёнидаги бирлашуви, жипслашуви, ўртоқларча ўзаро ёрдами ва биродарлиги демакдир...

Лекин айрим кишиларда эски индивидуалистик ахлоқ кўринишлари ҳамон мавжуд бўлиб келмоқда. Бундай кишилар умумхалқ мулкига ўз шахсий мулкидек муносабатда бўлмайдилар, халқ бойлигини ошириш учун қайғурмайдилар. Кучи билан яратилган техника, қурилиш материаллари қаровсиз ташлаб юборилса, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти очикда қолиб нобуд бўлса ва бошқа шу каби зарарлар келтирилса, ташвишланмайдилар. Бундай кишилардаги эгоизм ва индивидуализм кўринишлари бизнинг турмушимизга мутлақо бегона бир нарсадир.

Кишиларда бир неча асрлар давомида шаклланган муносабатлар ва одатларни албатта, бирдан йўқ қилиш учун кишиларни тизимли равишда жамоа руҳида тарбиялаб бориш, улардаги индивидуалистик кўринишларга қарши курашиш, уларда ўртоқларча ўзаро ёрдам муносабатларини ҳосил қилиш зарурдир. Индивидуалистик сарқитларини тугатишда ва жамоа руҳида тарбиялашда асосий масала барча кишиларда онглиликни янги жамиятимиз қурилиши талаблари даражасига кўтаришдан иборатдир. Юқоридагиларга асосланиб ёшларни жамоа руҳида тарбиялашнинг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

энг илғор корхона жамоаларининг иш тажрибасидан, аҳиллик, ҳам жиҳатлик, жамоа ва ўртоқларча ўзаро ёрдамлашишда ибратли оилалар, оналар ҳаётидан мисоллар келтириш;

кишиларнинг ҳаётида жамоа бўлиб, бир-бирлари билан дўстона биродарларча муносабатда бўлиб яшашлари, меҳнат ва ижод қилишлари, ҳаёт ва турмушларининг доим гўзал ва хушчакчақ ўтишига катта йўл очиб беришини ҳар томонлама мисоллар асосида тушунтириш. Аксинча, кишилар ўз ҳаётида жамоага ва унинг қуйган талабларига тўғри баҳо бермай ҳаёт кечирсалар, турмуши кўнгилсиз, ширасиз ва маънавий бойликсиз ўтишини уқтириш.

Жамоатчиликнинг бу хусусиятлари ва тамойилларини фалсафий ва педагогик жиҳатдан кенг ва теран шарҳлаб беради. Айниқса, бу тизимда педагог олим тўғри кўрсатганидек, жамият ва шахс муносабатлари муҳим

аҳамиятга эга. Унинг уқтиришича, одам ва шахс бошқа-бошқа тушунчалардир. Одам – тирик организм, гавда, жисмдир. Яъни, у табиат фарзанди сифатида барча жонли мавжудотлар каби табиат қонунлари бўйича ўсади, яшайди, улғаяди. Бу жиҳатдан одамнинг тўрт мучаси соғ бўлса, Имом Зайнуддин Ғаззолий “Кимиёи саодат” асарида айтганидек, у ҳайвонот билан тенг мавжудотдир.

Одамнинг шахслиги эса, унинг ўзга одамларга, жамиятга, ватанига, бутун имкониятга муносабатлари билан боғлиқдир. Демак, одам биологик тушунча, шахсий ижтимоий тушунча. Инсонларнинг табиий эҳтиёжлари қораланиб, фақат ижтимоий механизмга айлантирилиши, табиатни ҳам сиёсийлаштириш, мафкуравий шавқатсиз тазйиқ инсонни қадрсизлантиришини ҳам шўролар жамияти мисолида кўриб турибмиз.

Жамоанинг умумий мафаати билан боланинг шахсий манфаати бирлашиб, уйғунлашиб кетади ва шу ҳолда бола шахсий манфаатига нисбатан жамоанинг мақсади ва манфаати муҳимроқ эканлигига, бир киши ҳаммани (ўз жамоасидаги ҳамма одамларни) ўйлаши, ҳамма (бутун жамоа) эса, шу жамоадаги ҳар бир одамни ўйлаши, ғамхўрлик қилиши зарурлигини тушуниш боланинг онгини ўстиради.

Янада муҳимроғи, жамоа аъзоларининг ўзаро ҳурмати дўстликка айланади. Энди бола ёки ўсмир дўстларисиз ҳаёт жуда зерикарли, мазмунсиз ўтишини англайди. Чин дўстлар даврасининг туғилиши ва шаклланиши буюк француз адиби Александр Дюманинг “Уч мушкетер” асарида жуда қизиқарли тарихий воқеалар ва айрим шахслар дўстларининг бошларидан ўтган ажойиб-ғаройиб воқеалар асосида, гоҳ қувноқ, гоҳ маъюс, гоҳ майин, гоҳ шиддатли бўёқлар ва оҳангларда тасвирлаб берилган.

“Жамоатчилик (бирдамлик) ахлоқнинг асосий (тамойили) сифатида, - деб ёзади Ашурмат Аҳмедов, - индивид (якка одам)ларнинг бир-бирига бўлган муносабатини, шахсга ва жамоага бўлган муносабатини ва, ўз навбатида, жамиятнинг шахсга бўлган муносабатини ифода этади. Жамоатчилик ўзининг ахлоқий қимматига ҳам эга, яъни шахс, индивид жамоа олдидаги ўз бурчини англаши, жамоанинг манфаати учун онгли равишда хизмат қилиши, ўзаро ёрдам ва ҳамкорликка асосланиши, ўзига талабчан бўлиши ва жамоага ишониши керак”. Алишер Навоий, Жомий, Ян Амос Коменский, Н.Г.Чернишевский, А.С.Макаренконинг педагогик меросини яхши билган олим Ашурмат Аҳмедов бу ерда жамоатчиликнинг илмий таърифини берган. Бу таърифда айтилган ҳар бир тамойил ҳақида кенг ва теран фикрларни айтиш мумкин.

### **4.3. Тарбиявий ишда театр педагогикаси**

Тарбия назарияси-педагогика фанининг бир қисми бўлиб, тарбиявий жараённинг мазмуни, усули ва ташкил этилиши масалаларини ўрганади. Ҳаётга янгича сиёсий ва иқтисодий нуқтаи назардан ёндашиш ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси билан боғлиқ жараён мазмунини ҳам қайтадан кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Тарбия назарияси Марказий Осиё мутафаккирлари ва халқ


педагогикасининг тарбия борасидаги бой тажрибаларига таянади. Тарбия назарияси ўз қоидаларини асослаш учун фалсафа, социология, этика, эстетика, физиология, психология каби фанлар маълумотларидан фойдаланади. Тарбия назарияси педагогиканинг бошқа бўлимлари: педагогиканинг умумий асослари, таълим назарияси ҳамда мактабшунослик билан узвий боғлиқ.

Тарбия-шахснинг муайян мақсад асосида ижтимоий ҳаётга тайёрловчи, тарихий ижтимоий тажрибага суянган ҳолда олиб бориловчи фаолият жараёнидир. Бошқачароқ талқин этилганда, тарбия ёш авлодни муайян мақсад, йўлида ҳар томонлама вояга етказиш, унда ижтимоий онг ва ҳуқ-атворни таркиб топтиришга йўналтирилган фаолият жараёнидир.


Турли замон ва маконда ижтимоий тарбия моҳияти турлича бўлиб, унинг мазмуни ижтимоий мақсадлардан келиб чиқиб асосланган. Турли макон ва замонда тарбия ғояси турлича ифодаланган бўлсада, аммо йўналтирувчанлик хусусияти ҳамда объектига кўра яқдилликни ифода этади. Тарбия хусусида таниқли ўзбек педагоги Абдулла Авлоний шундай дейди: “Ал ҳосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот-ё ҳалоқат, ё саодат-ё фалокат масаласидур”<sup>1</sup>. Ушбу фикрлардан англашиниладики, шахс тарбияси хусусий иш эмас, балки ижтимоий, миллий ишдир. Зеро, ҳар бир ҳуққни тараққий қилиниши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий мустақилликни қўлга киритгач, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ислохотлар олиб борилмоқда. Ислохотларнинг асосий ғояси Республиканинг ривожланиши ва тараққиёт йўли деб эътироф этилган демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий жамиятнинг барпо этиш учун хизмат қилади. Демократик - инсонпарвар ва ҳуқуқий жамиятнинг барпо этиш вазифаси ўсиб келаётган ёш авлод зиммасига юкланади. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қатор асар ва нутқларида, чунончи “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”, “Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда” номли асарларида мустақил Республикада ижтимоий тарбияни йўлга қўйиш мақсади ва вазифалари белгилаб берилган.

### Тарбия мақсади



<sup>1</sup> А.Аҳеїіеё Ооёёёё аёёііоїі ёооа ахёїк. О. Ўкёооа+е, 1992 ё.



Тарбия-шахсни мақсадга мувофиқ такомиллаштириш учун уюштирилган педагогик жараён бўлиб, тарбияланувчининг шахсига-мунтазам ва тизимли таъсир этиш имконини беради. Тарбия жараёни ўзаро боғлиқ бўлган икки фаолиятни ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ўз ичига олади. Тарбия жараёнинг ўқувчининг онги шакллана боради. Ҳис-туйғулари ривожланади ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ва ижтимоий алоқаларни ташкил этишга хизмат қиладиган хулқий одатлар ҳосил бўлади. Тарбия жараёнида болаларнинг ҳаёти ва фаолиятини педагогик жиҳатдан тўғри уюштириш ғоят муҳимдир. Фаолият жараёнида бола ташқаридан келаётган тарбиявий таъсирларга нисбаган маълум муносабатда бўлади. Бу муносабат шахсинг ички эҳтиёж ва хоҳишларини ифодалайди. Психолог ва педагогларнинг тадқиқотлари шахсга ташқи омилларнинг (хоҳ салбий хоҳ ижобий) таъсири боланинг уларга муносабатига боғлиқлигини кўрсатади. Бола фаолиятини уюштиришгина эмас, балки тарбияланувчининг бу фаолиятга нисбатан қалбида пайдо бўлаётган муносабатни, турли кечинмаларни қандай англашини, баҳолашини, ҳис қилишини, улардан ўзи учун нималарни мақсад қилиб олаётганлигини билиши зарур. Буларнинг барчаси турли кишилар билан алоқа қилиш, жамоадаги муносабатлар мураккаблашиб боради.

Тарбия жараёнида ўқувчининг онгинигина эмас, балки ҳис-туйғуларини ҳам ўстириб бориш, унда жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган хулқий малака ва одатларни ҳосил қилиш лозим. Бунга эришиш учун ўқувчининг онгига, ҳиссиётига ва иродасига таъсир этиб борилади. Агар буларнинг бирортаси эътибордан четда қолса, мақсадга эришиш қийинлашади. Тарбия жараёнига ўқитувчи раҳбарлик қиладиган, ўқув кўникмалар фаолиятини белгилайди. Уларни ижтимоий жараёнда иштирок этишлари учун шарт-шароит яратади.

Ижтимоий жараёнда фаол иштирок этиш орқали ўқувчиларнинг мустақиллиги, ижодий ташаббускорлиги ортиб боради. Фаолият ўқувчилар жамоаси манфаати ва истаги асосида уюштирилса, бу жараёнда боланинг тенгдошлари ва ўзини ўзи англаш жараёни. Бола ўз хулқи ҳатти-ҳаракати учун жамоа олдида жавобгарликни сезишга эришгач ижрочи амас, балки умумий

ишнинг фаол қатнашчиси бўлиб қолади.

Тарбияни самарали йўлга қўйиш учун унинг ҳаракатлантирувчи кучини, тарбия жараёнининг манбаини яхши билиш ва ҳисобга олиш муҳимдир. Бу тарбия жараёнидаги ички ва ташқи қарама-қаршиликлардан иборат. Тарбияда ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Бу жиҳат унутилса, қарама-қаршиликлар вужудга келади. Фаолият жараёнида ҳосил бўлган малака ва одатлар ахлоқ меъёрларига риоя қилишни енгиллаштиради.

Демак, тарбиячи бола шахсининг тез ривожланадиган даври ўқувчилик йилларида унинг онгига турли туман фаолият (ўқиш, меҳнат, ижтимоий ишлар, ўйин, спорт, бадий ҳаваскорлик) ёрдами билан махсус таъсир ўтиши муҳимдир. Акс ҳолда хулқ меъёрлари, ахлоқ талаблари яхши тушунилмай қолиши натижасида шахс ижтимоий муносабатлада беқарор тасодифий таъсирга берилувчан бўлиб қолиши мумкин.

Тарбия жараёнининг асосий натижаси-баркамол шахсни шакллантиришдир. Бу жараён икки томонлама бўлиб, уюштириш ва раҳбарликни, шунингдек, ўқувчи шахсининг ўзи томонидан фаоллик кўрсатилишини тақозо этади. Бу жараёнда педагог етакчи роль ўйнайди. Чунки у ижтимоий тарбиянинг умумий мақсадлари моҳиятини тушунади, мақсад йўлида амалга ошириладиган вазифалар тизимидан яхши хабардор, тарбия шакллари, методлари ва усуллари асосли, илмий тарзда танлаб олади ва тарбия жараёнига тадбиқ этади. Тарбия жараёнининг моҳиятини тарбияга ҳар томонлама ёндашиш билан муваффақиятли тарзда илмий таҳлил қилиш мумкин.

Шахс тарбиянинг натижаси сифатида яхлит мавжудотдир. Шахснинг кўпдан кўп хислатлари бир-биридан ажратилган эмас, балки ўзаро мустаҳкам боғланган. Тарбия жараёнида боланинг шахсияти айрим-айрим эмас, балки яхлит равишда ривожланади. Бола ўсиб ва ривожланиб борган сари тарбия вазифалари мураккаблашиб, чуқурлашиб, табақалашиб боради. Ҳар томонлама ёндашиш объектив равишда ақлий ғоявий сиёсий, ахлоқий, меҳнат, эстетик, жисмоний, экологик, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий тарбия бирлигини, ўқитувчиларнинг онги, хулқ атвори ва фаолиятининг бирлигини, тарбия жараёнини ташкил этишнинг яқка, гуруҳли ва оммавий шакллари қўшиб олиб боришликни таъминлайдиган педагогик тизимларни вужудга келтиришни ва бу тизимларнинг амал қилишни талаб этади.

Ижтимоий тарбия жараёни шахснинг ижтимоий фазилатларини шакллантиришга, унинг атроф-теваракка, жамиятга, одамларга ўзига нисбатан муносабатлари доирасини вужудга келтиришга кенгайтиришга қаратилганди. Шахс иштирок этадиган ижтимоий муносабатлар тизими қанчалик кенг, хилма-хил ва гуруҳ бўлса, унинг маънавий дунёси шунчалик бой бўлади. Ўз табиатига кўра тарбия жараёни кўп омилли ҳаракатерга эга. Яъни, бола шахсининг қарор топиши оила, мактаб, жамоатчилик, ижтимоий муҳит, шунингдек вазиятлар хилма-хиллиги, бевосита ва билвосита таъсирлар остида рўй беради.

Тарбия жараёнининг натижалари одатда бир хил характерда бўлмайди. Бу нарса ўқувчиларнинг психологик (индивидуал-типологик) физиологик ва

жисмоний хусусиятларига, уларнинг ҳаёти ва маънавий тажрибасига, шахсий позициясига боғлиқ. Тарбия жараёни одатда ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини қайта тарбиялаш, боланинг атроф-муҳитдаги у ёки бу ҳодисалар билан салбий алоқаси натижасида вужудга келадиган муносабатлар ва шахс хусусиятларини бартараф этиш билан қўшиб олиб борилади.

Ўзини-ўзи тарбиялаш шахснинг ўзида ижтимоий қадрга эга бўлган фазилатларни ҳосил қилиш ва такомиллаштиришга ҳамда, салбий хислатларни бартараф этишга қаратилган ички фаолият сифатида таърифланади. Ўз-ўзини қайта тарбиялаш-шахснинг ўзидаги салбий одатларни, характердаги зарарли сифатларни йўқотишга, бартараф этишга қаратилган ички фаолияти мазмундир. Бола ҳулкидаги оғишлар оиладаги носоғлом муҳит, ота-онанинг тарбияда йўл қўйган хатолари, ўқитувчи фаолиятидаги камчиликлар асосида вужудга келади. Қайта тарбиялаш жараёнида салбий ҳулкий ҳосил қилган сабаб, шароит ўзгартирилади. Қайта тарбиялашда мактаб ва шахснинг шахсий таъсирини оила, ота-она ҳам маъқуллаши лозим.

Демак, қайта тарбиялаш ўқувчининг ўзигагина эмас, балки унинг ота-онасига ҳам қаратилиши лозим. Ижтимоий тарбияни ташкил этиш жараёнида бир қатор вазифалар ҳал этилади. Ушбу вазифалар ижтимоий тарбия мақсадидан келиб чиқиб белгиланади. Мустақил Ўзбекистон Республикасида айни вақтда ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишга қаратилган жараёнда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш уларда кенг дунёқарашни таркиб топтириш, ўз шахсий турумушига мақсадли ёндошув, режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;

Ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятлардан огоҳ этиш, чуқур билимга, тафаккурга эга ёшларни тарбиялаш, малакаларини тобора бойитиш;

Умуминсоний ахлоқ меъёрларини англашни (одамийлик, камтарлик, ўзаро ёрдам, меҳр муҳаббат, мурувват, адолатни ёқлаш, инсонпарварлик, ахлоқсизликка қарши нафрат ва ҳаказолар), муомала одоби, юксак маданиятни ўқувчиларда қарор топтиришга эришиш;

Ҳукукий ва ахлоқий меъёрларга ҳурмат руҳида ёндашни, ўқувчиларда фуқаролик туйғусини, ижтимоий бурчга масъулликни қарор топтириш;

Табиатни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни юзага келтириш борасидаги масъулиятни таркиб топтириш;

Ватанпарварлик ва байналминаллик туйғусини шакллантириш, ўзга миллат ва халқлар қарашларига ҳурматни, ҳунар ҳуқуқ бурчларини камситмаслик туйғусини қарор топтириш;

Мустақил давлат - Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва ҳолисона баҳо беришга ўргатиш;


Инсонни олий қадрият сифатида қадрлаш, унинг шаъни, ор-номуси, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва бурчларини ҳурмат қилишга ўргатиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ижтимоий тарбиянинг умумий вазифалари ана шулардан иборат.

Шу билан бирга тарбия турлари - ахлоқий, ақлий, жисмоний. эстетик, экологик, иқтисодий, ҳукукий ва сиёсий тарбиялар ўзининг хусусий

мақсадидан келиб чиққан бир қатор вазифаларни амалга оширади.

### Тарбия турлари



– Ахлоқий тарбияни ташкил этиш жараёнида - ўқувчиларни ижтимоий - ахлоқий меъёрлар мазмунидан хабардор этиш, уларга ахлоқий меъёрларнинг ижтимоий ҳаётидаги аҳамиятини тушунтириш, уларда ижтимоий ахлоқий меъёрлар (талаб ва таъқиқлар)га нисбатан ҳурмат ҳиссини қарор топтириш асосида ақлий онг ва маданиятни шакллантириш;

– Ақлий тарбияни йўлга қўйиш чоғида-ўқувчиларни илм-фан, техника ва технология борасида қўлга киритилаётган ютуқлардан, янгилик ва кашфиётлардан бохабар этиш, уларга ижтимоий фанлар асослари хусусидаги билимларни бериш тарзида уларда тафаккур қобилиятини қарор топтириш, дунёкарашни шакллантириш;

– Жисмоний тарбия ташкил этиш жараёнида-ўқувчиларда ўз соғлиқларини сақлаш ва мустаҳкамлаш, организмни чиниқтириш, жисмоний жиҳатдан тўғри ривожланиш ҳамда унинг ишлаш қобилиятини ошириш борасида ғамхўрлик қилиш туйғусини юзага келтириш, уларда янги ҳаракат

турлари борасида кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, уларни махсус билимлар билан қуроллантириш, ўқувчиларнинг ёшига, жинсига мувофиқ келадиган (куч, тезкорлик, чаққонлик, чидамлилиқ, сабот, матонат, чидам, ирода, ва характерни қарор топтириш) асосий ҳаракат сифатларини ривожлантириш, уларда шахсий гигиенани сақлашга нисбатан онгли муносабатларни тарбиялаш;

– Эстетик тарбияни олиб бориш жараёнида ўқувчиларда эстетик ҳис-туйғу, эстетик дидни тарбиялаш, уларнинг иқтисодий қобилиятларини, эстетик эҳтиёжларини, гўзалликни севиш ва гўзалликка интилиш қобилиятларини тараққий эттириш, эстетик маданиятни шакллантириш;

○ Экологик тарбияни олиб бориш чоғида ўқувчиларга экологик билимлар бериш асосида шахс, жамият ва табиат бирлиги ҳамда алоқадорлигини ўқувчиларга тушунтириш, уларда экатизмнинг инсон инсоният, жамият тараққиётидаги муҳим ўрин ва аҳамияти борасида тушунчаларни қарор топтириш, табиатга нисбатан эҳтиёткорона ва масъуллиқ билан муносабатда бўлиш, тўғрисида ғамхўрлик қилиш каби туйғуларни қарор топтириш, шунингдек, экологик маданиятни шакллантириш;

6. Иқтисодий тарбияни ташкил этиш жараёнида ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш асосида мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, бозор инфраструктураси қоидаларга амал қилиш, ички бозорни тўлдириш, кичик ва ўрта бизнесни яратиш борасидаги фаолият жараёнида иштирок этиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, инсон меҳнати билан бунёд этилган моддий бойликларни асраш, уларни кўпайтириш борасида қайғуриш туйғуларни қарор топтириш иқтисодий маданиятни шакллантириш;

1. Ҳуқуқий тарбиялашни ташкил этиш жараёнида ўқувчиларга давлат Конституцияси давлат ҳақидаги таълимотни, чунончи фуқролик, оила, меҳнат, хўжалиқ, маъмурий нафақа, суд ишларини юритиш ва бошқариш ҳуқуқларининг маъносини тушунтириш, улар онгига ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларини шахс ва жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақидаги тасаввурга эга бўлишларини таъминлаш, уларда ҳуқуқий онг, шунингдек, ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш борасидаги кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш;

2. Ғоявий-сиёсий тарбияни ташкил этиш жараёнида ўқувчиларга сиёсий билимларни бериш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фуқаролик жамияти асослари, миллий давлат тузилиши, давлат муносабатлари тизими фаолияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсати мазмунини ўрганишни таъминлаш асосида ўқувчиларда сиёсий фаолият кўникма ва малакаларини қарор топтириш, сиёсий маданиятни шакллантириш ва бошқалар.

Тарбия мазмунида олдинга қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар, шахс ҳулқ-атвори ҳамда сифатлари моҳияти акс этади. Тарбия мазмуни, ижтимоий иқтисодий тараққиёт, кишилиқ муносабатлари моҳияти ва



даражаси, шунингдек, жамият мафкураси ғояларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Замонавий тарбия мазмунида қўйиладиган ғоялар ётади:

12.Тарбия мақсадининг аниқлиги Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ Республикада амалга оширилиши кўзда тутилаётган тарбия мақсади аниқ белгилаб олинади, Ўзбекистон республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ғояларига кўра ижтимоий тарбиянинг асосий мақсади-эркин, ижодкор, мустақил фикр эгаси бўлиш комил инсонни тарбиялаб вояга етказишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш йўлидаги асосий восита бу, шахсда умумий маданият унсурларини таркиб топтиришдир, яъни, шахснинг ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда меҳнат маданиятини тарбиялаш тарбиянинг бош мақсадини амалга ошириш имкониятини яратади.


13.Болалар ва катталарнинг биргаликда фаолияти. Ўқитувчининг болалар билан маънавий маданияти энг яхши намунасини излаши, шу асосда тарбиячи ишининг ҳаётий меъёр ва қадриятларини ишлаб чиқиши ўқувчининг тарбия жараёнида фаоллигини тامينлашга олиб келади. Дунёқараши ҳали тўла тўқис шаклланмаган болалар учун катталарнинг ҳаётий тажрибалари ҳамда уларнинг шахсий намуналари катта тарбиявий таъсирга эга.

14.Ўз-ўзини англаш. Тарбия инсонда эътиқод, демократик қарашлар ва ҳаётий позициянинг шаклланишига олиб келади. Тарбия мазмунининг энг муҳим унсурларидан бири – бу инсоннинг ҳаётий ўз-ўзини англаш инсоннинг ўз шахсий ҳаёти ва бахтининг субъекти сифатида эътироф этилиши билан тавсифланади. Инсон камолотида фуқаролик, касбий ва ахлоқий ўз-ўзини англаш жиҳатлар муҳим аҳамиятга эгадир.

15.Тарбиянинг шахсий йўналтирувчанлиги. Мазкур ғоя мактаб (таълим муассасалари амалиётининг марказий нуқтасида тарбиявий ишлар дастури) тадбирлари нақл, метод ва воситалари эмас, балки ўқувчи кўрганлигини англантишга хизмат қилади. Тарбия жараёнида унинг шахсий хусусиятлари, қизиқишлари, ўзига хос характери ўз кадр-қийматини англаш туйғулари ривожлантирилиб борилиши зарур.

16.Ихтиёрийлик. Тарбияланувчиларнинг ирода эркинлигисиз тарбия ғоялари моҳиятини қарор топтириш мумкин эмас. Тарбия жараёни, агар у оқилона ташкил этилса, бир вақтнинг ўзида ҳам ўқувчи (талаба), ҳам ўқитувчи маънавиятининг бойитилишига хизмат қилади. Агар тарбиячи (ўқитувчи) ўқувчининг қизиқиши, фаолияти, уртоқлик ва фуқаролик бурчини англаш мустақилликка интилиш туйғуларини кўра ва англай олсагина унинг иродали эканлиги юзага келади. Тарбияланувчининг иродали эканлиги таъминланган шароитда унинг шахсига таъсир кўрсатишга йўналтирилган фаолиятда самарага эришилади.

## Тарбия принциплари



## Хулоса

Бизга маълумки, тарбиявий жараён онгли, масъулиятли фаолият бўлиб, унда тарбиячи тарбияланувчиларни комил инсон қилиб етиштиришда ҳар томонлама таъсир кўрсатади. Ўқувчилар жамоасининг тарбиявий даражасини ўрганади. Унга таъсир кўрсатади. Тарбиявий тадбирларни ўқувчиларнинг рухиятига қанчалик ижобий таъсир этганини кузатиб, уни янада ривожлантиришга, такомиллаштиришга, тарбиявий ишларни самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тарбия уч нарсага эҳтиёж сезади: истеъдодга, илмга ва машққа деган эди улуғ олим Арасту. Ана шу ғояларга асосланган ҳолда тарбиячилар қуйидагиларга амал қилишлари лозимдир:

тарбияда улгаётган инсон шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ва ёш йигитнинг бетақдор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқий ва эркинлигининг эътиборга олиш:

миллийликнинг ўзига хос анъана воситаларига таяниш, жаҳон маданиятининг илғор тажрибаларига асосланиш;

ўқувчилар фаолиятида тарбиявий жараённинг асосини ташкил қилиш, қизиқарли, тўлақонли болалар ёш жиҳатларига мос ҳаёт иқлимини яратиш, меҳнат, хайрия, ижтимоий фойдали, ижтимоий кўнгилочар ва шунга ўхшаш тадбирлар ташкил этиш лозимки, натижада ўқувчилар ўзлари хоҳлаган ишга қўл урсинлар, муваффақият ҳиссини тушуниб ўзларига ишончлари ортсин, ахлоқан барқарор бўлсин.

Ўқитувчи ўзининг тарбиячилик маҳоратида миллий истиқлол ғояси, озод ва обод Ватанга муҳаббат ва инсонпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия, иқтисодий тарбия, экологик тарбия, нафосат тарбияси, жисмоний тарбия, комил инсонни вояга етказиш кабиларга эътибор бериши лозим.

Жамоа ва жамоа орқали тарбиялашда фикрлар педагогика фанинг илк ривожланиши давридаёқ билдирилган. Жамоада унинг аъзолари ўртасидаги муносабатининг алоҳида шакли юзага келади. Бу эса шахснинг жамоа билан биргаликда ривожланишини таъминлайди. Жамоа ва уни шакллантириш педагогик фаолиятнинг мақсади ҳисобланади. Унинг ёрдамида жамоанинг барча ёки ҳар бир аъзосининг тарбиялаш яхши самаралар беради. Жамоанинг етакчи тарбиявий вазифаси шахсни ҳар томонлама тарбиялаш, унда ижобий сифатларни ҳосил қилиш, мустаҳкам ҳаётий позицияни қарор топтиришдан иборатдир. Ўзлуксиз таълим муассасаларида жамоани шакллантириш масъулиятли вазифа саналади.

Жамоатчилик тушунчасини тор маънода ва кенг маънода тушуниш мумкин. Тор маънода жамоа маълум гуруҳ кишилар йиғиндиси, синф жамоаси ва бошқалардир. Жамоатчиликни кенг маънода тушуниш бу, даставвал, унинг объектив асосларини билишдир. Шахснинг асосий хусусияти жамоа бўлиб, у объектив асосда шаклланади. Бу эса, даставвал, жамият характериға ва ҳаёт шароитига боғлиқдир. Жамоатчилик назариясининг бу объектив қонунийлигини, албатта, ҳисобга олиш зарур. Бизнинг қарашимизча, жамоатчилик шахснинг асосий хусусиятигина эмас, балки бутун ғояси ҳамдир.

Тарбия жараёнида ўқувчининг онгинигина эмас, балки ҳис-туйғуларини ҳам ўстириб бориш, унда жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган хулқий малака ва одатларни ҳосил қилиш лозим. Бунга эришиш учун ўқувчининг онгига, ҳиссиётига ва иродасига таъсир этиб борилади. Агар буларнинг бирортаси эътибордан четда қолса, мақсадга эришиш қийинлашади. Тарбия жараёнига ўқитувчи раҳбарлик қилади, фаолиятини белгилайди. Уларни ижтимоий жараёнда иштирок этишлари учун шарт-шароит яратади. Ижтимоий жараёнда фаол иштирок этиш орқали ўқувчиларнинг мустақиллиги, ижодий ташаббускорлиги ортиб боради. Фаолият ўқувчилар жамоаси манфаати ва истаги асосида уюштирилса, бу жараёнда боланинг тенгдошлари ва ўзини ўзи англаш жараёни ривожланади. Бола ўз хулқи ҳатти-ҳаракати учун жамоа олдида жавобгарликни сезишга эришгач ижрочи амас, балки умумий ишнинг фол қатнашчиси бўлиб қолади. Тарбияни самарали йўлга қўйишда унинг манбаини яхши билиш ва ҳисобга олиш муҳимдир. Бу тарбия жараёнидаги ички ва ташқи қарама-қаршиликлардан иборат. Тарбияда ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Бу жиҳат унутилса, қарама-қаршиликлар вужудга келади.

Фаолият жараёнида ҳосил бўлган малака ва одатлар ахлоқ меъёрларига риоя қилишни енгиллаштиради.

### **Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар**

Тарбиявий жараёнининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

Тарбиявий маҳоратнинг моҳияти нималардан иборат?

Тарбиявий ишларни ташкил қилишнинг миллий ва назарий асослари.

Тарбиявий маҳоратининг тизими: ижтимоий, маънавий, эстетик, ахлоқий йўналишлари ҳақида гапириб беринг?

Педагогик ташкилотчилик фаолиятининг моҳияти нимада?

Жамоа ва унинг хусусиятлари, босқичлари, жамоани ташкил этиш методикаси ҳақида гапириб беринг?

Жамоа анъаналари, жамоада шахсни тарбиялаш услубияти, жамоада шахсни ўрни ҳақида сиз нималарни биласиз?

Мимика ва пантомимика нима?

Ўқитувчининг актёрлик маҳорати деганда нима тушунаси?

Тарбиявий жараёнининг умумий тавсифи.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати**

Азизхўжаева Н.Н. Педагог мутахассислигига тайёрлаш технологияси. – Т.: ТДПУ, 2000.

Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. –Т.: ТДПУ, 2003.

Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 2004.

Очилова Г. Педагогик маҳорат. – Т., 2005.

Фарберман Б.Л., Мусина Р.Т., Жумабоева Ф.А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. – Т., 2002.

Хўжаев Н.Х., Ходиев Б. Ю., Янги педагогик технологиялар: Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2002.

Психология и педагогика. Под.ред. А.А.Радугина. – М., 2003.

Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А. Слас-тенина. – М.: Академия. 2004.

[www.tgeu.uz](http://www.tgeu.uz).-Тошкент Давлат Итисодиёт Университети веб сайти.

## V БОБ. “КАСБИЙ МАҲОРАТ” ФАНИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

5.1. Ўқув машғулотида таълим технологияларини қўллаш.

5.2. Ўқув машғулотида таълим технологияларини лойиҳалаштириш услубиёти.

5.3. Педагогик технология мониторинги ва ўқитиш пирамидаси.

### 5.1. Ўқув машғулотида таълим технологияларини қўллаш

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Оғир иқтисодий, ижтимоий, сиёсий қийинчиликларни енгиб ўтиб, тараққиёт йўлига кирган мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, унга ривожланган мамлакатларнинг илғор технологияларининг жорий қилиш, миллий кадриятларимизни сингдирган ҳолда таълимни ташкил этиш, бу жараёни пухта ва самарали амалга ошириш ишлари бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада 1997 йил тарихий ҳужжат Республикамизда "Таълим тўғрисида" Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" қабул қилинди. Унинг асосий мақсади мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш, комил инсон ва етук малакали мутахассислар тайёрлашдир. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг асосий таркибий қисмларини шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш ташкил этади. Мазкур қонун ва дастурни рўёбга чиқариш таълим тизимини тубдан қайд қилишни, яъни халқ таълими тараққиётнинг қоидаларини қайта кўриб чиқишни ва уни ўз вақтида ҳал қилишни тақозо этмоқда. Чунки, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да ХХI асрда яшайдиган, ижод қиладиган, Ватан ва юрт мустақиллигини мустаҳкамловчи, инсонларнинг манфаатини, уларнинг билими, кўникма ва малакасини шакллантиришга алоҳида аҳамият берилган замонавий ахборот технологиялар, таълимни компьютерлаштириш ва компьютерлаш тармоқлари тизимида таълим жараёнини ахборот билан таъминлашнинг ривожланишига эътибор қаратилган. Зеро, миллий дастурда эътироф этилгандек, "таълимни ахборот билан таъминлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, уни жаҳон ахборот тизими билан боғлаш, оммавий ахборот воситаларнинг таълим соҳасидаги вазифаларини белгилаш" малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим муаммолардандир. Демак, янги аср информацион технологиялар асри бўлади. Бу масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи бир муҳим жиҳати шундаки, янги аср халқаро, иқтисодий корпорация-жаҳон миқёсидаги интеллектуал салоҳият, ақл-заковатнинг бирлашув асри бўлади. Ҳуш, ахборот технологиялари нимаю, уларни инсон идроки, тафаккури ва онгини сингдиришда нималарга эътибор қаратилиши лозим?

Бугун биз янги технологияларга сарфланаётган маблағлар қай даражада ўзини оқлашни, уларни таълим сифатини ошириш, ахборотлар ва телекоммуникацияли технологиялар ҳамда таълимни ривожлантиришга таъсири қандай бўлишини таъсавур қила олишимиз шарт. Кўп ҳолларда

"Таълимнинг компьютер технология"лари ибораси "ахборот технология"лари ибораси билан алмаштириб юборилади. Бу ўринда асосий анъанавий педагогик технологиялардан фарқли, компьютер тармокларига уланган, дастурлаштирилган, халқаро алоқаларни ҳам таъминлашга қодир тизим назарда тутилмоқда. Бу ҳолат сўнгги йилларда жамият ҳаётида компьютерларнинг аҳамияти, халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида турли хил ахборотларга нисбатан эҳтиёжнинг ортиб бориши билан изоҳланади. Бугун биз бир нарсани аниқ тасаввур қилишимиз керак: мавжуд ҳолат, ахборотлар оқимининг тизимлашуви инсон хотирасига ортикча юк, шахснинг жараёнларида кескин ўзгаришларга сабаб бўлмайдими? Онгга етиб келаётган ахборотлар оқими шахснинг мавжуд маданий-маърифий муҳитдаги мослашуви жараёнида қай тарзда акс этишини билишимиз ва шунга мос тарзда таълим-тарбия муассасаларида ўқув дастурлари ва жиҳозларига нисбатан талабларни ишлаб чиқишимиз лозим. Шу ўринда бу ахборот технологияларни таълим жараёнига сингдириш афзалликларини эътироф этишимизни хоҳлардик. Энг аввало, таълим жараёнида компьютерлар ва телекоммуникация воситаларининг қўлланилиши талабаларнинг улар билан бемалол ишлай олишлари педагогик жараёндаги энг муҳим камчиликлардан бири ҳисобланган субъективизмни чеклайди. Масалан, агар талабанинг жавоби ёки бевосита ўзлаштиришни баҳолаш ўқитувчининг талаба шахсига муносабати таъсирида кечган бўлса, машиналар воситасида бериладиган маълумотлар объектив характерга эга бўлади.

Иккинчидан, компьютер орқали болага етказилаётган маълумотни зарурат бўлса, қайта-қайта чақириш ва такрорлаш имконияти ҳам бор.

Учинчидан, ҳар бир профессор-ўқитувчининг ўзига хос дарсни тушунтириш услуги дидактик услуги мавжуд. Компьютер орқали ёки масофали алоқа воситалардан фойдаланиш улар ичидаги самарасиз услубиятларга барҳам беради.

Тўртинчидан, янгича ахборотларни узатиш технологияларни тигиз билимларни ўзида ифода этиб, унда схемалар, расмлар, жадваллар, график ва диаграммаларга кенг ўрин берилади. Бу нарсга ёшларда образли хотирани анча жонлантириб, эслаб қолиш қобилиятини кучайтириш мумкин.

Бешинчидан, ушбу ахборот воситалардаги маълумотларни кичик, ҳажмли дискетларга ёзиб олиш, керак жойда улардан фойдаланиш мумкин. Бу ҳам вақтни, ҳам маблағни тежайди, иқтисодий жиҳатдан юзлаб тиражларда чоп этилаётган китоблардан арзон тушади. Энг муҳими, манфаатдор аудитория хоҳлаган маълумотини бир хил сифат ва тизимда олиши мумкин бўлади.

Нихоят, улар ахборот асри деб эътироф этилаётган янги асрда яшаб ижод қилувчи ёшларнинг онгини ўстирадиган, улардаги техник воситалардан чўчиш ҳиссини йўқотади. Хуллас, таълим муассасаларининг бу нарсага сарфланган маблағлари беҳуда кетмаслиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Агар биз ҳар бир ёш қалбида Ватанга муҳаббат, касбга садоқат, пок иймон ва одамгарчиликни тарбиялай олсак, улар халқаро ахборот тизимлари орқали бизнинг фикрлаш тарзимиз, урф-одатларимиз, миллий қадриятларимизга зид бўлган маълумотларни танқидсиз қабул қилмайдиган, юртимиз истикболига

хизмат этадиганларинигина саралаб олиш қобилиятига эга бўладилар. Бунинг учун биз ёшларимизда, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек мафкуравий иммунитетни тарбиялашимиз керак.

Маълумки педагогикада бошқа илм соҳаларидан олинган кўплаб атамалардан фойдаланади, бу нарса педагогикани бошқа фанлар билан чуқур алоқада эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Бундай атамалар техника ва иқтисодиётдан энг кўп микдорда кириб келади, чунки айти шу соҳалар ижтимоий фикрнинг ривожланишига энг кўп таъсир кўрсатади. Чунинчи бугун ўқитишнинг тежамкорлиги ва оқилоналиги ўқитувчи, техника ва технология, Таълим иқтисодиёти, ўқитишни компьютерлаштириш ва шунга ўхшашлар ҳақида тез-тез гапирилмоқда.

Адабиётларда "Янги тартиб қоида", "Янгилик", "Инновация" тушунчаларининг маънавий мазмунини аниқлашнинг турлича талқинлари мавжуд.

Янги тартиб қоида моддий маънода ижобий илғор янгиликни, бу тушунчани қабул қиладиган ва ундан фойдаланадиган ташкилий система учун янги бўлган ғоя фаолият ёки моддий объектни англатади. "Янги тартиб қоида", "Инновацион жараён" атамалари айнан ўхшаш бир хил маънога эга. Инновациялар таълимнинг бошлангандан буён, янгилик киритиш, мавжуд таълим ўзгартириш, такомиллаштириш ва яхшилаш сифатига у билан ёнма-ён келмоқда. Янгилик - бу техник, технологии ихтиро ва ютуқлардан амалий фойдаланишдир. У педагогик категория сифатида таълимга янгилик киритишни англатади. Янгилик кўпинча янги методлар, усуллар, воситалар, янги концепциялар, янги ўқув дастурлари, тарбия усуллари ва бошқаларни киритиш ҳамда қўлланишга хосдир.

Француз олими Э. Брансуик педагогик инновацияларнинг уч турини ажратади:

Янгиликлар - тўла янги ва илгари номаълум бўлган таълимий ғоялар ҳамда ишлар бўлиб, унда бутунлай янги ва оригинал ғоялар жуда камдир.

Янгиликларни энг кўп микдори мослаштирилган кенгайтирилган ҳамда қайта ишланган ғоялар, ишлар бўлиб, улар маълум муҳит ва вақт ичида долзарб бўлади.

Педагогик янгиликлар ушбу ҳолатда юзага келади: мақсадлар ўзгарган шароитларда такрорий қўйилиши муносабати билан баъзи илгари мавжуд бўлган ишлар қайта янгиланади. Бу уларнинг ва маълум ижобий ғояларнинг муваффақиятли бўлишига кафолат беради.

Таълим ижтимоий тизимининг бир қисми бўлиб, у ўз ривожланишида жамиятдаги йўналишларга эргашиб рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олиш лозим. Ана шу доирада инновациялар таълим олдида тўрган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Педагогик назария ва амалиётнинг таҳлили шуни кўрсатадики, таълим соҳасига умумжаҳон аҳамиятига молик бўлган қуйидаги асосий янгиликлар хосдир.

Молиялаштириш ва бошқариш соҳаларидаги ўзгаришлар.

Таълим тизими тузилишидаги ўзгаришлар.

Таълим технологиясидаги ўзгаришлар.

Шундай қилиб, янги техник воситалар янги технологиялар таълимда янги тартиб қоидаларга киритиш учун энг муҳим компонентлардан биридир. Бироқ уларни қандай қилиб тадбиқ этиш ва амалда фойдаланишни билиш аслида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бунинг учун махсус тайёргарлик, катта куч ва кўп вақт сарфлаш лозим, яъни таълимда инновацион жараёнларига тадбиқ этилиши билан, ўқитувчининг роли пасаяди эмас, балки ўқув-тарбия жараёнининг босқичлари яна ҳам ортади. Бу эса педагогикадан ўз илмини янгидан, танқидий таҳлил этишини талаб этади. Чунки янги тартиб қоидалардан фойдаландими ёки ахборот манбаи сифатида келиб кетадими, бу нарса айтиш ўқитувчига боғлиқ. Ўқитувчи ўқув технологиясининг бевосита тартиб қоидаларга жиддий тайёрланган, йўл-йўриқ олган, мосланган, руҳланган ва мойил бўлиши лозим.

Педагогнинг ижодий потенциали унинг ижодкорлик шахсиятини шакллантиришга интилишида, педагогик одобнинг намоён бўлиши, қобилият, тасаввурни рағбатлантириш, юмор ҳиссини ривожлантириш, қизиқарли, қўйилмаган саволларни қўйиш ўқув, ўқувчи-талабаларни савол беришга жалб қилиш ўқув ва ҳ.к. орқали амалга оширилиши мумкин.

Педагогик жараёнда ўзининг янги ғояларини ишлаб чиқиш, қобилиятини доимо ривожлантириш ва такомиллаштириш ўқитувчининг иқтидорига боғлиқ. Педагогик ижодиёт ўз моҳиятига кўра одамнинг янги билимлари ҳосил қилиш ва такомиллаштириш бўйича ижодий ишининг касбий-махсус ифодасидир. Педагогик изланиш ўқитишда доимо маълум йўналишдаги субъектга нисбатан аниқлаштирилган бўлади. Педагогик изланиш натижалари янгиликнинг асосий намоён бўлиши шакллари кундалик ўқув-тарбиявий муаммоларни ностандарт ечимлари, педагогик таъсир усулларини методик ва назарий ишлаб чиқиш, ихтиро этиш, такомиллаштириш якунлари ва улардан самарали фойдаланиш усуллардан иборат бўлади.

Янги педагогик технологияда ўқувчиларнинг билимларни ўз вақтида назорат қилиш ва баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ўзлаштиришни назорат қилиш ва баҳолаш натижаларига қараб давлат таълим стандартларининг қандай бажарилаётганлигини текшириб борилади ва вазифалар белгиланади. Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш натижасида ўқувчи талабаларда билимлар янада кенгаяди. Таълим соҳасидаги яхши натижалар ёшлар тарбиясига ҳам таъсир кўрсатади. Уларда кўтаринки рух, ўз кучига бўлган ишонч ва қизиқишлар пайдо бўлади. Чет эл тажрибасидан таълим жараёнига кириб келган рейтинг тизими бугунги куннинг назорат мезони деб қабул қилинди. Рейтинг деганда-баҳолаш, тартибга келтириш, классификациялаш, биронта ҳодисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш тушунилади.

Рейтинг назоратида тест ҳам самарали қўлланилади. Тест деганда – аниқ вазифани такомиллашганлигини даражасини аниқлашда сифат ва миқдорий ўлчамларда белгилаш имконини берадиган, фаолликнинг бирон шаклини қизиқтирувчи, бирон аниқ топшириқ шаклидаги синов қуроли тушунилади. Тестнинг самарадорлигини қуйидагича белгилаш мумкин:

назорат учун кам вақт сарфланади;

назорат ва амалий билимлар даражасини объектив шароитда аниқлаш имконини беради;



кўп сонли талабалар билан бир вақтнинг ўзида назорат олиб бориш мумкин;

билим натижалари ўқитувчи томонидан тезкорлик билан текширилади.

Рейтинг назорат тизимининг асосида ўқув режасига киритилган ҳар бир фаннинг талаба ўзлаштиришнинг сифат кўрсаткичларини баллар билан баҳоланади. Ҳар бир семестрдаги фанлардан тўпланган баллар йиғиндиси ва талабанинг семестр давомидаги, фанлардан тўплаган баллар йиғиндиси эса талабанинг ўзлаштиришни баҳолаш чорак ва семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги назорат турлари орқали баҳоланади;

жорий назорат

оралиқ назорат

якуний назорат

Жорий назорат - бу ўрганиладиган мавзуларни ўқувчи, талабалар томонидан қандай ўзлаштираётганини мунтазам равишда дарс жараёнида назорат қилишдан иборат. Бу назорат ўқитувчи томонидан қандай ўзлаштирганини мунтазам равишда дарс жараёнида назорат қилишдан иборат. Бу назорат ўқитувчи томонидан ўтказалиб, талабанинг билими даражасининг шу фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича аниқлаб бориш кўзда тутилади.

Оралиқ назорат, бу мазкур фан бўйича ўтилган бир неча мавзуларни ўз ичига олган бўлиб ёки қисм бўйича талабанинг билимини аниқлаш демакдир. Оралиқ назорат дарсдан ташқари вақтда ўтказилади ва талабаларга ўзлаштириш кўрсаткичларини ошириш имконини беради.

Якуний назорат - бу назорат семестр учун белгиланган мавзулар тўлиқ ўқитиб бўлингач, ўтилган мавзулар бўйича ёзма” оғзаки, тест шаклида ўтказилади. Талабанинг фан бўйича семестрдаги рейтинг баҳоси жорий, оралиқ ва якуний назоратларда тўпланган баллари бўйича аниқланади.

Ўқув педагогик ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётлари даврида олинган билимлар ҳам рейтинг баллари билан боғланади.

## **5.2. Ўқув машғулотларини лойиҳалаштириш услубиёти**

Замонавий психолого-педагогик фанлар эришган ютуқларга биноан исталган ўқув жараёнини бир-бирига боғлиқ, 3 қисмдан иборат деб ҳисоблайди: 1 Мотивлар (М) 2 Ўқувчининг ўзлаштириш фаолияти (УФ) 3 Ўзлаштириш жараёнини бошқариш (Б). Ўқувчининг ўзлаштириш жараёнини бошқариш муаллим ёки техник восита ёрдамида амалга оширилади. Демак, ўқув жараёнини қуйидагича ифодалаш мумкин:  $УЖ = М + У\Phi + Б$ .

Ўқув жараёнининг қисмларидан ҳар бирида (М,УФ,Б) қандай мақсад назарга тутилганлигига қараб таълим-тарбия жараёнини олиб боришнинг турли услублари ҳосил бўлади. Бундай услублар жуда кўп ва булар ичидан қай бирини танлаш маълум мезонлар асосида амалга оширилади. Шуни эсда тутиш лозимки, таълимнинг мақсадлари ва ўқув жараёни бир-бирига мос бўлиши керак, яъни ҳар бир мақсадга маълум бир ўқув жараёнида эриша олиш мумкин ва ҳар бир жараёнидан кўзланадиган мақсад аниқ ва равшан бўлиши лозим.

Педагогик технологияларнинг бу қисмларини қўллаётганда табиатга мослик ва ўқув жараёнини жадаллаштириш тамойилларига риоя этилади. Табиатга мослик тамойили таълим-тарбия жараёнини ўқувчининг билим ўзлаштириш қобилияти ва ақлий кучлари ўсишига кўпроқ мос келишини назарда тутди. Ўқув жараёнини жадаллаштириш тамойили-дидактик вазифани кам вақт сарфлаб юқорирок даражада рўёбга чиқаришни, яъни, кам вақт ва кам куч сарфлаб, кўпроқ самара олишни назарда тутди. Ўқув жараёнини жадаллаштириш тамойилининг кўрсаткичи бу ўқувчининг билим ўзлаштириш тезлиги ҳисобланади. Ўқув жараёни қисмларини ҳар бирини алоҳида ҳолда кўриб чиқамиз.

**Ўқитиш мотивлари** - "Мотив" тушунчаси эҳтиёж, интилиш, майл, қизиқиш каби маъноларини англатади. Мотив - кишини бирор иш ҳаракатни бажаришга ундовчи даъват, туртки. Бунда ўқитувчилар ўқувчиларда ўқишга мотивлар ҳосил қилишга интилишлари, ўқув жараёнида уни ҳисобга олиб мотивни ўстиришлари ва бошқаришлари зарур.

Бирор иш-фаолиятига моиллик яъни мотивларни ҳосил қилиш бу мураккаб руҳий жараён бўлиб ҳисобланади. Мотивларни шакллантириш масаласи эса индивидуал-шахсий хусусиятга эга бўлиб, таълимнинг мақсади, вазияти билан ўқишни ташкил этиш шакллари, усуллари мутаносиблигини тақозо этади.

Мотив ҳосил қилишнинг оддий усулларида бири аудиториядаги машғулоти ёки дарсликдаги матннинг қизиқарлилигидир. Мотив ҳосил қилишнинг яна бир усули машғулоти жараёнида муаммоли вазиятларни вужудга келтириш. Бунга ўқув жараёнида билиш вазифаларини қулай қўя билиш орқали амалга оширилади.

**Ўқувчининг ўзлаштириш фаолияти** - билим олиш учун мотив ҳосил қилиш билан бирга ўқувчи ўқувматериалини ўзлаштиришга имкон берувчи фаолиятни яъни ўқув-билиш фаолиятини амалга ошириши лозим. Ўзлаштириш фаолияти талаба томонидан амалга ошириладиган фаолият бўлиб ушбу фаолият ўқув материалини тушунишга имкон беради. Ўқув-билиш яъни ўзлаштириш фаолиятининг турли даражалари мавжуд улар ичидан бир нечтасини кўриб чиқамиз:

1 - даража. Репродуктив фаолият анъанавий ўзлаштириш типи бўлиб унда ўқувчининг вазифаси ўқитувчининг сўзларини диққат билан тинглаш ёки дарслик билан ишлашдан, ўрганилаётган объектлар ҳодисаларни кузатишдан кўрсатмага биноан бирор амалий ҳаракатни тажриба тариқасида бажаришдан иборат бўлади.

2 - даража. Бу даражада талаба ўқув материалини қайта ифода қилиш, танқидий мушоҳада юритиш, вазифани бажариш вариантларидан рационал ва энг қулай усулни танлай билиш керак. Ўзлаштириш жараёнининг бу типда ўқувчига ўқув материалдан конспект, реферат тайёрлаш, мунозараларда қатнашиб сўзга чиқиш, маърузалар қилиш, барча ўқув элементларига доир бўлган масалаларни ечиш, дидактик ўйинларида иштирок этиш тавсия этилади.

3 - даража. Бу типда талаба ўқув материалини юқорида келтирилган икки тип даражасида ўзлаштирган бўлиши лозим. Бу типда ўқувчидан ўзлаштириш фаолиятининг изланиш (эвристик) ҳаракатлари бажарилишини талаб этадиган

муаммоли ўқитиш ўйинлари, бирор ишни реал лойиҳалаштириб бажариш каби дидактик вазифаларни бажариши лозим.

4 - даража. Таълим мақсади юқори даражада ўзлаштиришни кўзлаганда масалан, илмий - педагогик кадрларни тайёрлашда ўқув жараёни тадқиқот натижалари ва методикасини таҳлил этиш бўйича мунозаралар олиб бориш, муаммоли вазифаларни куя билиш, индивидуал ва жамоа бўлиб тадқиқот ишларини бажариш орқали амалга оширилади.

**Ўзлаштириш жараёнини бошқариш** - талабада таълим мақсадига мос келадиган ўқиш мотивлари мавжудлига ва ўзлаштириш жараёнини тўғри ташкил этилганлиги ўқув жараёнидан кутилаётган натижани кафолатлай олмайди. Бунинг учун таълим жараёнини бошқариш усули ҳам тўғри танланиши лозим. Ўзлаштириш фаолиятини бошқаришнинг усулларида бири бу ўзлаштирилган материалларни тестлар ёрдамида вақти-вақти билан текшириб бориш усули. Бунда ҳар бир янги мавзунини ўзлаштиришда назорат вақти ва назорат усули олдиндан белгиланиши яъни ўқув жараёни стандартлаштирилиши лозим.

Шуни назарда тутиш керакки, таълим жараёнларининг барчаси учун иш-ҳаракатларни ўзлаштиришнинг ягона энг яхши усули мавжуд эмас, чунки кишиларнинг ақлий қобилият ва имкониятлари хилма-хилдир. Тажриба шуни кўрсатдики киши ҳатто таълим ёмон ташкил этилган шароитларда ҳам зарур ахборотларни билиб, ўзлаштириб олиши ёки аксинча таълим жараёни яхши ташкил этилган шароитларда керакли ахборотларни ўзлаштира олмаслиги мумкин.

Ўқув фаолияти ўзлаштиришнинг турли назариялари ва фаразларига биноан ўтиладиган ва изчил машқлар тизимидан иборат бўлган, яъни бўлак-бўлак ўзлаштириш ҳаракатларининг изчиллиги бажарилиш алгоритмини ташкил этади. Бажарилиш алгоритмининг ҳар бир қисми таълим жараёнида ўзлаштириш даражалари бўйича изчил ҳаракатлардир. Ҳаракатнинг ҳар бир "қадами" ва шу қадамнинг мазмуни ўзлаштириш жараёни асосланадиган назарияга боғлиқ. Ўзлаштириш назариясини танлаш усули ва сифат мезони ўқитувчининг педагогик фаолияти учун мўлжал бўлиб, унинг педагогик темологиясини тавсифлайди.

Психология фанида мавжуд ўзлаштириш назарияларидан иккитасини алгоритмлар кўринишида ифодалаш мумкин.

1. Босқичма-босқич шаклланиш назариясига кўра ўзлаштириш жараёни талабанинг ўқув-билиш фаолияти сифатида қаралади, ҳаракат шаклида амалга оширилади. Улар ҳар бир машқда ақлий амаллардан иборат бўлиб маълум изчилликда амалга оширилади.

Ҳаракатлар босқичма-босқич шаклланиши назариясида талабанинг ижрочилик фаолияти (И.Х.) босқичма-босқич ўзлаштириш фаолияти турли шаклларида изчил алмашинуви шаклида мавжуд бўлади: яъни ташқи моддий ҳаракатлардан (М.Х.) бошланиб, ташқи ва ички нутқ, (Н) орқали, ички ақлий ҳаракатлар (А.Х.) шаклида бўлади. Босқичма-босқич назариясига асосан алгоритм қуйидаги кўринишга эга : И.Х.қ М.Х.+ А.Х.+ Н.

2. Бихевиоризм таълимоти назарияси. Бу назария билан танишишнинг аҳамияти шундаки, биринчидан, ушбу назарияда ўзлаштириш фаолиятининг тузилишига катта эътибор қаратилаётганлиги; иккинчидан, ўқитувчилар тажрибасида учрайдиган механик равишда кўп марта такрорлаб, ёдлаб олишнинг мавжудлиги.

Бихевиоризм таълимотига кўра ўзлаштиришнинг умумий алгоритми қуйидаги кўринишга эга: S-\* - R-\* - P. Бу ерда S -стимул яъни ҳаракатга ундовчи сабаб. Стимул сифатида масала шартлари, савол ва шу кабилар келиши мумкин. R-реакция яъни мавжуд стимулга жавоб ҳаракат. P - иш ҳаракат туфи бажарилганлигини тасдиқлаш ёки маъқуллаш.

**Ўқув жараёнида ўқитиш услублари** - таълим услуби -ўқитувчи билан ўқувчилар орасида билим бериш ва уни олиш мақсадида амалга ошириладиган ўзаро алоқаларни тизимга солувчи педагогик тадбирдир.

Ўқитиш услублари ўқув жараёнининг асосий қисми ҳисобланади. Тегишли услубларсиз педагогик фаолиятни амалга ошириб бўлмайди .

Услублар билимларни узатиш ва қабул қилиш характериға қараб оғзаки (сўз орқали)ифодалаш, кўргазмали ва амалийға бўлинади. Таълим мазмунини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг билим фаолиятиға муносиб равишда қуйидаги услублар: тушинтириш-иллюстратив, репродуктив, муаммоли баён, хусусий қидириш ёки эвристик ҳамда ярим тадқиқот услублари қўлланилиши мумкин

Таълим фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш жараёни узатиш, қабул қилиш, англаш, эсда сақлаш ва амалда қўллай олишни назарда тутати. Таълимнинг оғзаки услубларига: ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар киради. Бу услубларни қўллашда ўқитувчи сўз воситасида ўқув материални баён қилади, тушунтиради, ўқувчилар эса тинглаш, эслаб қолиш орқали уни фаол қабул қиладилар.

**Ҳикоя.** Ушбу услубда ўқувчиларға бериладиган билим мазмунини оғзаки баён қилиш кўзда тутилади. Ҳикоянинг бир неча турлари мавжуд: ҳикоя - муқаддима, ҳикоя - баён, ҳикоя - хулоса. Биринчисининг мақсади ўқувчиларни суҳбат орқали янги билимлар қабул қилишға тайёрлашдир.

**Ҳикоя** - муқаддима вақтида ўқувчи фаолиятининг вазифалари тўғрисида тушунарли шаклда хабар берилади. Ҳикоя - баён даврида ўқитувчи янги мавзу мазмунини очиб беради, муайян ривожланувчи режа асосида билим бериб ичидан муҳимларини ажратиб, кўргазмали ва ишонарли мисоллар билан изчил баён қилиб беради. Ҳикоя-хулоса, одатда, машғулотнинг охирида келтирилади. Ушбу услуб орқали ўқитувчи асосий фикрларини якунлайди, хулосалайди ва умумлаштиради.

**Маъруза.** Маъруза-билимни сўз билан ифодалаш услубларидан бири сифатида бериладиган билимларни оғзаки баён қилишни кўзда тутиб, ўз ҳажмининг катталиги, мантиқий кўрилиши, образли исботлаш ва умумлаштиришнинг мураккаблиги билан ҳикоядан ажралиб туради. Маъруза давомида бериладиган билимни оғзаки баён қилиш узоқ вақт давомида ўқувчиларнинг диққатини тутиб туриш ҳамда уларнинг фикрларини фаоллаштириш, далиллаш, исботлаш, таснифлаш, таърифлаб бериш, тизимға келтириш, умумлаштириш каби педагогик усуллардан фойдаланилади. Маъруза

режасини аниқ аниқ ўйлаш ва уни технологиялаштириш лозим. Сухбат услуби атрофлича ўйланган саволлар ёрдамида ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги сухбатни кўзда тутиб, у ўқувчиларнинг фикрлаш тизимини, янги тушунчалар ва қонуниятларни ўзлаштиришга олиб келади. Сухбат услубини қўллашда саволларни қўйиш, ўқувчи мулоҳазаларини муҳокама қилиш сухбатдан хулосаларни шакллантириш, жавобларни тузатиш усулидан фойдаланилади.

Таълимнинг кўргазмали услублари икки гуруҳга бўлинади: кўргазмали ва намоёиш қилиш услублари. Кўргазмали услуби, ўқувчига намоёиш этиладиган қўлланмалар харита, кўргазма, чизма ва расмларни кўрсатишни кўзда тутди. Намоёиш қилиш услуби одатда кўрилма асбоблар, тажрибаларни намоёиш қилиш билан боғлиқ. Кўргазмали услубларни қўллашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади: кўрсатиш ва кўрсатилганларни муҳокама қилиш.

Таълимнинг кўргазмали усуллариининг ўзига хос хусусияти шундаки улар сўз билан ифодалаш услуби билан у ёки бу даражада уйғунлашиб кетади. Сўз ва кўргазмалиликнинг чамбарчас боғлиқлиги шундаки объектив борлиқдаги қонуниятлар амалиётда биргаликда қўллашни тақозо этади. Амалий услублар тарбия ҳолатининг хилма хил турлари кенг доирасини қамраб олади. Амалда қуйидаги усуллар қўлланилади: вазифа, мақсадни қўйиш, уни бажариш услубини режалаштириш, бажариш жараёнини бошқариш, таҳлил қилиш, камчиликлар сабабини аниқлаш, мақсадга тўлиқ эришиш учун таълим жараёнига тузатиш киритиш. Амалий услублар тарбияни сўз орқали ифодалаш ва уни кўргазмали услублар билан мустаҳкамлаш жараёни билан боғлиқлигида қўлланилади, машқ, тарбия, меҳнатоперациясини бажаришдан олдин ўқитувчи тушунтириш беради, кўрсатади. Оғзаки тушунтириш ва кўргазмани кўрсатиш одатда машқни бажариш жараёнини ўзи билан бир вақтда олиб борилади.

**Ўқув жараёнини лойиҳалаштириш** - педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда кўзланган ўқув мақсадларини амалга ошишини ифодаловчи ўқув жараёни амалга оширилади ва лойиҳалаштирилади.

Ўқув жараёнининг мақсадни кўзлаш, жорий натижаларни диагностик текшириш, ўқув жараёнини алоҳида бўлакларга ажратиш каби белгиларини ҳозирги кунга келиб қайта ишлаб чиқиладиган таълим циклига мужассамлаштириш имкони пайдо бўлди. Ушбу цикл ўз ичига қуйидагиларни олади:

таълим мақсадларини умумий ҳолда белгилаш ;


умумий ҳолда ифодаланган мақсадларни ойдинлаштириб, аниқрок, ҳолатига ўтиш;

ўқув амаллари мажмуи яъни ўқитиш жараёни;

натижаларни баҳолаш;

Ўқув жараёнини бундай такрорланувчи тузилишга эга эканлиги уни "модуль" характерга эга эканлигини кўрсатади ва у умумий тузилишга эга турли қисмлардан иборат. Ўқув жараёни конструкцияси қуйидаги кўринишга эга (расм 1.)

|        |  |   |  |
|--------|--|---|--|
| ТАЪЛИМ |  | 1 |  |
|--------|--|---|--|



Расм 1. Ўқув жараёни конструкцияси

Аслида бу цикл педагог фаолиятининг циклик алгоритмидир. Уни ўқув жараёнининг янги бўлимларига қўллаб ушбу бўлимларни ойдинлаштириш мумкин. Бундай алгоритмни аниқ ва самарали ишлаши ўқитиш мақсадларини тўлалигича стандартлаштирилган тилга ўгирилиши ҳисобига таъминланади. Бундай стандартлаштириш даражаси қуйидагича бўлади:

- а) Юқори, аммо абсолют эмас;
- б) Абсолют.

Биринчи ҳолда, мақсадларнинг мураккаблиги уларни кузатиладиган ҳаракатлар тилига тўлалигича учуриш имкони бўлмаганда, цикл тўлалигича ифодалана олмайди. Иккинчи ҳолда, ўқитишнинг репродуктив типини тушунилади.

Ўқув жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этишда юқори малака жараёни лойиҳалаштириш вақтида, яъни етакчи методист педагоглар педагогик технология принциплари ва қоидалари асосида методик материалларни ишлаб чиқиш пайтида талаб этилади. Бундай материаллар мавжуд бўлганда ўқитувчининг вазифалари асосан ташкилий ишлар ва маслаҳат беришдан иборат бўлади. Ўқув жараёнининг барча поғоналарида бутун тизимнинг асосий технологик йўналиши ифодаланади – ўқув жараёнини якуний натижага йўналтирилганлиги.

Педагогик технология таркибига умумий ҳолда қуйидагилар киради:

- ўқувмақсадларини ишлаб чиқиш;
- таксономия-ўқув мақсадларини тавсифланиши;
- ўқув мақсадларини назорат(тест) топшириқларига ўтказиш;
- мақсадларга эришиш усуллари;
- ўқув мақсадлари эришган ютуқларини баҳолаш. Ушбу ташкил этувчиларнинг ҳар бири педагогик амалларнинг оптимал тизимини ташкил этади.

### 5.3. Педагогик технология мониторинги ва ўқитиш пирамидаси

Педагогикада мониторинг деанда ўқув жараёнини узлуксиз, ўзок вақт муттасил кузатиш ва уни бошқариш тушунилади. Педагогик мониторинг ўқитувчи ва талабани тўғри ҳаракат қилиш учун зарур ахборотлар билан таъминлайди. Бунда тадқиқот объекти – ўқув тарбия жараёнининг натижалари ва қўйилган мақсадга эришишда ишлатиладиган воситаларидир. Таълим мақсадларига эришилганини баҳолаш.

Баҳолаш – жорий, оралиқ ва якуний назоратларни ўз ичига олади. Жорий назорат талабанинг ўзлаштира бораётганидан муттасил хабардор қилиб туради, одатда, жорий назоратда боланинг билимига баҳо қўйилмайди, интилишлари маъқулланиб борилади, шу тариқа у билимларни шакллантиришда иштирок этади. Педагогик технологияда хабардор бўлиб бориш (обратная связь) таълимда йўл қўйилган хатони тузатиш учунгина эмас, таълим мақсадларининг аниқлашга ҳам хизмат қилади. Якуний назоратда режалаштирилган таълим мақсадига эришилгани баҳоланади.

Назорат оғзаки, ёзма ёки тест шаклида бўлиши мумкин.

Оғзаки ва ёзма назорат. Оғзаки назоратнинг яхши жиҳатлари: ўқитувчининг талаба билан жонли мулоқоти, шахсан алоқада бўлиши; оғзаки нутқни машқ қилиши; билимини чуқурроқ аниқлаш (текшириш) учун қўшимча саволлар бериш имконияти кабилар қиради. Оғзаки жавоб бериш талабани фаол фикрлашга ундайди.

Оғзаки жавоб беришда яхши тайёрланган ўқувчи ўз билимдонлигини, қўшимча ўрганганларини намойиш этади. Талаба билан бевосита алоқа натижасида сўраш пайтида боланинг билим ўзлаштириши масаласида ўқитувчида туғилган айрим шубҳалар бартараф этилади.

Шу билан бирга талабанинг билимини оғзаки назорат қилишда педагогнинг шахсий хусусият, сифатлари акс этади. Оғзаки баҳолашда ҳар бир ўқитувчига хос объективлик ва субъективлик муноасбати намоён бўлади. Педагогик тадқиқотларда аниқланишича икки имтиҳон олувчининг бир талабага бир фандан қўйган баҳолари 40-60% га мос келади. Бир болага имтиҳончиларнинг биттаси юқори баҳо қўйган бўлса, иккинчиси паст баҳо қўйиш ҳоллари учрайди. Битта ёзма ишнинг ўзига турли имтиҳончилар турлича баҳо қўйишлари мумкин.

Хуллас, оғзаки ва ёзма имтиҳонларда ўқувчига қўйиладиган баҳоларда субъективлик аломати кўпроқ. Ўқитувчи кўпинча баҳони бошқа ўқувчиларга нисбатан қўяди, бунда қўйилаётган баҳо камайтирилиши ҳам, ошириб юборилиши ҳам мумкин.

Ёзма имтиҳоннинг яхши томони - у ўқув материалини бола ўзлаштириб олганига ҳужжатли далил бўлади, талаба ўз фикрларини қоғозда ифодалаши учун амалиётдир. Экспертлар ўтказган ёзма назорат объективроқ баҳо қўйишга имконият яратади.

Оғзаки ва ёзма назоратнинг ананавий тизимида хос жиддий нуқсонлар қаторига қуйидагилар қиради:

Имтиҳонда талаба билетдаги 3-4 та саволга жавоб беради, баҳо эса ўқув предмети дастурини билгани учун қўйилади.

5 балли баҳо шкаласи билим ўзлаштириш даражалари орасидаги тафовутларни аниқ белгилашга имконият бермайди.

Оғзаки ва ёзма имтиҳонлар билим ўзлаштириш сифатини объектив, аниқ ва асосли баҳолашни таъминлай олмайди.

Оғзаки сўрашга, шунингдек ёзма ишларни текширишга вақт кўп кетади.

Оғзаки ва ёзма назорат учун компьютерларни ишлатиш қийин, уларни автоматлаштириб бўлмайди. Бу жиҳатдан тест назорати устунликларга эга.

Тест назорати. Тест назоратининг яхши томонларига қуйидагилар киради:

Яхши педагогик тест объектив педагогик ўлчаш (баҳолаш)нинг инструмента бўлиб, унинг натижаси назорат ўтказувчи одамга боғлиқ бўлмайди.

Педагогик тест ўқувматериали мазмунини тўлиқ қамраб олиши мумкин, таълим натижасини тест усулида ўлчашда - ҳамма талабаларга нисбатан бир хил олдиндан белгиланган шкалага биноан аниқ ва тўғри баҳо қўйилади.

Тест назоратида техникани ишлатиш қулай, бу маълум ўқув материални ёки бутун бир фанни, нисбатан оз вақт, кам куч сарфлаб, оммавий назорат қилишга имкон беради.

Тест назоратини компьютерлар воситасида автоматлаштириш осон. Бу унинг муҳим устунликларидан биридир.

Лекин, тест усули ҳам нуқсонлардан ҳоли эмас, масалан, тест назоратининг кўп шакллари талабани оғзаки ва ёзма жавобларини мустақил ифодалаш имкониятидан маҳрум этади. Талабанинг руҳий кечинмалари ҳам ўқитувчи олдида эркин жавоб бераётганидек намоён бўлмайди; билимдонлиги, шахснинг ўзигагина хос руҳий хусусиятларини кўрсатиш имконияти йўқ. Имтиҳон топширувчи тўғри жавобни танлашигина мумкин, ҳолос.

Шунга қарамай педагогик тестларнинг ижобий имкониятлари катта, улардан ўринли, тўғри фойдаланиш таълим тизимининг барча бўғинларида ўқиш ва ўқитиш сифатини оширишга хизмат қилади. Ҳар бир педагог таълим бошқаруви идораларининг ходимлари тест маданиятини, тест назарияси ва амалиётини чуқур ўрганишлари лозим.

Педагогик тестларни қўллаш ўқитиш жараёни ва натижаларига катта таъсир ўтказиши мумкин: сифатли тузилган тестлар талабанинг билиш фаоллигини оширади ва аксинча ёмон тузилган тестлар ўқиш жараёнига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

Рейтинг тизими. “Рейтинг” инглизча сўз бўлиб, баҳолаш, индивидуал коэффицент маъноларини англатади.

Ўқувчилар билими сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими деганда ҳар бир талабанинг ўқиш жараёни ва ўқув натижасини баҳолашга бир хил ёндашувни таъминлайдиган ўзаро боғлиқ кўрсатма ва қоидалар мажмуи тушунилади:

Рейтинг тизими таркибига қуйидагилар киради:

- назорат турлари (жорий, оралик, якуний);
- назорат усуллари (оғзаки, ёзма, педагогик тест);
- вақти-вақти билан баҳолаш;
- баҳо шкаласи;

ўқувчига қўйиб борилган баҳоларни предмет бўйича умумий баҳога бирлаштириш қоидалари;

натижаларни расмийлаштириш қоидаси ва бошқалар.

Рейтинг тизимини қўллашнинг мақсади ва вазифалари, одатда, қуйидаги натижаларга эришиш учун шароит яратиш ҳисобланади:

ўқувчи ва студентлар давлат таълим стандарти талабларини ўзлаштиришига эришиш;



билимни баҳолашда объективлик ва мунтазамликни таъминлаш;  
талабаларнинг ўқув-билиш характерларини фаоллаштириш, ўқишга ижобий мотив ҳосил қилиш, мусобакалашиш ва мунтазам равишда мустақил ишлашларига эришиш;

ҳар бир талабанинг ўқув соҳасида эгаллаган ўрнини аниқлаб, ютуқлари учун рағбатлантириш;

таълим натижаларини таққослашга имкон яратиш кабилар.

Илғор рейтинг тизими кунидаги асосий талабларга жавоб бериши керак:

Узлуксиз таълим ҳар бир босқичининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш.

Кўп балли шкалани қўллаш.

Ўқитувчи куядиган баҳолар мураккаб математик ҳисоб-китоблар билан боғлиқ бўлмаслиги лозим. Баҳо ўқув юртида қабул қилинган (қўлланиб келаётган) мезонларга биноан қўйиб борилиш керак.

Рейтинг тизими натижалари ўқувчилар, ота-оналар, педагоглар тушуниши учун қулай (синф журналидан билиб олинadиган) бўлиши лозим. Рейтинг балларини ҳисоблаш, якуний балларни қайта ҳисоблаш тартиби иложи борица содда бўлиши, балларни назорат турлари ва шакллари бўйича тақсимлаб ҳисоблашни талаб этмаслиги керак.

Ҳар бир ўқувчи ўқув юртида услубиёт булими вазирлик кўрсатмасига биноан ёки ўзи мустақил барча оғзаки, езма ва тест назоратларининг минимал миқдорини белгилайди ва шу асосда якуний рейтинг баҳоси чиқарилади.

Узлуксиз таълимнинг ҳар бир босқичида турли ўқув юртлари рейтинг тизимлари натижалари таълим натижаларини таққослашга имкон бериши керак.

## Хулоса

Ушбу бобда таълим тизимида амалга оширилган янги педагогик технологияларнинг хусусиятлари ишлаб чиқилган. Унда ахборот технологияси ва уларнинг классификациялари, рейтинг тизимининг ижобий ва камчиликлари, назорат турлари ва уларни амалга ошириш йўллари, жорий назорат ва унинг аҳамияти, якуний назорат, педагогик технология таърифи, педагогик технологияни қўллашда техник воситаларидан фойдаланиш кабилар илмий-методик жиҳатдан ишлаб чиқилган.

“Мотив” тушунчасининг моҳиятини изоҳлаб беринг? “Мотив” тушунчаси эҳтиёж, интилиш, майл, қизиқиш каби маъноларини англатади. Мотив - кишини бирор иш ҳаракатни бажаришга ундовчи даъват, тўртки. Бунда ўқитувчилар ўқувчиларда ўқишга мотивлар ҳосил қилишга интилишлари, ўқув жараёнида уни ҳисобга олиб мотивни ўстиришлари ва бошқаришлари зарур.

Бирор иш-фаолиятига мойиллик яъни мотивларни ҳосил қилиш бу мураккаб рухий жараён бўлиб ҳисобланади. Мотивларни шакллантириш масаласи эса индивидуал-шахсий хусусиятга эга бўлиб, таълимнинг мақсади, вазияти билан ўқишни ташкил этиш шакллари, усуллари мутаносиблигини тақозо этади. Мотив ҳосил қилишнинг оддий усулларида бири аудиториядаги

машғулоти ёки дарсликдаги матннинг қизиқарлилигидир. Мотив ҳосил қилишнинг яна бир усули машғулоти жараёнида муаммоли вазиятларни вужудга келтириш. Бунга ўқув жараёнида билиш вазифаларини қулай қўя билиш орқали амалга оширилади.

Педагогикада мониторинг деанда ўқув жараёнини узлуксиз, узоқ вақт муттасил кузатиш ва уни бошқариш тушунилади. Педагогик мониторинг ўқитувчи ва талабани тўғри ҳаракат қилиш учун зарур ахборотлар билан таъминлайди. Бунда тадқиқот объекти - ўқувтарбия жараёнининг натижалари ва қўйилган мақсадга эришишда ишлатиладиган воситаларидир.

### **Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар.**

Таълим тизимида янги педагогик технология деганда нималарни тушунасиш?

Ахборот технологияси ва уларнинг классификацияларини тушунтириш?

Педагогик технологияга берилган таърифларни изоҳланг.

Ўқув жараёни нима?

Ўқув жараёнида ўқитиш услублари нима?

Ўқув жараёнини лойиҳалаштириш қандай амалга ошади?

Педагогикада мониторинг дегани нима?

Таълим мақсадларига эришилганини баҳолашни қандай тушунасиш?

Рейтинг тизими ижобий ва камчиликларини айтиш?

Нazorat турлари ва уларни амалга оширилиши?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати**

Азизхўжаева Н.Н. Педагог мутахассислигига тайёрлаш технологияси. – Т.: ТДПУ, 2000.

Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: ТДПУ, 2003.

Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 2004.

Очилова Г. Педагогик маҳорат. – Т., 2005.

Фарберман Б.Л., Мусина Р.Т., Жумабоева Ф.А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. – Т., 2002.

Хўжаев Н.Х., Ходиев Б. Ю., Янги педагогик технологиялар: Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2002.

Психология и педагогика. Под.ред. А.А.Радугина. – М., 2003.

Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А. Слас-тенина. – М.: Академия. 2004.

[www.tgeu.uz](http://www.tgeu.uz).-Тошкент Давлат Итисодиёт Университети веб сайти.

## **VI БОБ. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШДА ЎҚИТУВЧИНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИ**

6.1. Ўқитувчи маҳоратини ташкил этишнинг шарт-шароитлари.

6.2. Амалий машғулотларни ташкил этишда ўқитувчининг касбий маҳорати.

6.3. Иқтисодчи педагог кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда ўқитувчининг касбий маҳорати.

### **6.1. Ўқитувчи маҳоратини ташкил этишнинг шарт-шароитлари**

Республикамиз ҳукумати олий ва халқ таълими соҳасида ўртага қўяётган вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ. Яъни иқтисодий шароитда таълим-тарбиядан кўзда тутилаётган мақсадларга етишиш, талаба-ёшларнинг хилма-хил фаолиятларини уюштириш, уларни билимли, одобли, эътиқодли, меҳнатсевар, баркамол инсон қилиб ўстириш ўқитувчи зиммасига юклатилган. Халқимизнинг келажаги, Мустақил Ўзбекистоннинг истиқлоли кўп жиҳатдан ўқитувчига, унинг савиясига, тайёргарлиги, фидойилигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашига бўлган муносабатига боғлиқ. Узлуксиз таълим тизими амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан ўқитувчилар маҳоратини оширишни ташкил этиш қайта тайёрлаш иши давлат ва жамиятчининг диққат марказига қўйилган. Ўқитувчиларни фалсафий жиҳатдан кенг фикрловчи, юксак маҳоратли, мулоҳазали бўлишларига эътибор берилмоқда. Шуни айтиш керакки, ўқитувчилик шарафли, лекин жуда мураккаб касбдир. Яхши ўқитувчи бўлиш учун педагогик назарияни эгаллашнинг ўзигина етарли эмас. Чунки, педагогик назарияда болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида умумий қонун-қоидалар, умумлаштирилган услубий ғоялар баён этилади. Ўқитувчиларнинг ёш индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш таъкидланади. Лекин, ўрта махсус таълим ҳаёти, амалий жараёни эса хилма-хилдир. Педагогик назарияга мос келмайдиган вазиятлар учраб туради. Бу эса ўқитувчидан кенг билимдонликни, пухта амалий тайёргарликни, юксак педагог маҳорат ва ижодкорликни талаб этади. Шунинг учун ҳам Мустақил Ўзбекистон давлатининг умумий таълим муассасаларида ишлайдиган ўқитувчи, педагог фаолиятига қобилиятли, ижодкор, ишбилармон, миллий маданият ва умуминсоний қадриятларни, дунёвий, диний билимларни мукаммал эгаллаган, маънавий баркамол, Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида тараққий этишига ишонадиган ватанпарварлик бурчини тўғри англаган, эътиқодли фуқаро, ихтисослик, психологик, педагогик билимли ва маҳоратли, бўлиши муҳимдир.

Бирор касбнинг ҳақиқий устаси бўлиш учун табиий қобилият, маълум жисмоний ва руҳий хислатлар жо бўлиши керак. Ўқитувчилик фаолиятида ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш ишини самарали бажариш, ота-оналар ва болаларнинг иззат-ҳурматиغا сазовар бўлиши учун кишида бу ишга лаёқат, қобилият, маҳорат, қизиқиш бўлмоғи лозим.

Муваффақиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳорат эгаси оз меҳнатсарф қилиб катта натижага эришади. Ижодкорлик унинг ҳамиша ҳамкори бўлади. Педагогик ишга қобилиятли, истеъдодли кишидагина педагогик маҳорат бўлиши мумкин.

Юксак маҳоратли ўқитувчи учун энг аввало қобилиятли, малакали ва уддабурон бўлиши керак. Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Қобилият малака ва уддабуронликдан фарқ қилади. Малака ва уддабуронлик машқ, ўқиш натижаси ҳисобланса, қобилиятнинг ривожланишида истеъдоднинг ўрни беқиёсдир. Ана шундагина қобилият деб аталувчи руҳий хусусияти тараккий этади. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун ўқитувчида қобилиятнинг қуйидаги турлари мавжуд бўлиши лозим. Билим қобилияти, тушунтира олиш қобилияти, кузатувчанлик қобилияти, нутқ қобилияти, ташкилотчилик қобилияти, обрў орттира олиш қобилияти, келажакни кўра билиш қобилияти, диққатни тақсимлай олиш қобилияти ва ҳ.к.

Маҳоратли ўқитувчи талабалар руҳиятини, билим ва камолот даражасини ҳисобга олади. Баъзи ўқитувчиларга ўқув материали оддий, тушунарли ва қандайдир алоҳида изоҳни талаб этмайдигандек туюлади. Бундай ўқитувчилар талабаларни эмас, балки ўзларни назарда тутадилар. Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи ўзини талабанинг ўрнига қўя олади. У фаннинг илмий-назарий асосларини талабаларга тушинтириш мақсадида иш тутайди. Шунинг учун у баён этишнинг характер ва шаклини алоҳида ўйлаб чиқади.

Маҳоратли ўқитувчи дарс материални баён этиш жараёнида талабаларнинг қандай ўзлаштираётганларини ўқувчиларнинг қатор белгилар асосида пайқаб олади ва зарур ҳолларда баён қилиш усулини ўзгартиради. Шунингдек ўқитувчи талабаларни саводи ўзлаштиришлари учун замири тайёрлаб, уларни дам олишдан ишга утишлари, бўшагини, ланжлик, лаёқатликларини барҳам бериш учун минимал даражада фойдаланиш учун вақт ажратиш зарурлигини ҳисобга олади. У тегишли вазият юзага келгунга қадар иш бошламайди.

Ўқитувчининг одоби, маданияти юксак бўлсагина, одамларга нисбатан меҳрибон, саховатли бўла олади, уни ҳамма ҳурмат қилади. Ўқитувчи умуминсоний кадриятларни ижодий ўрганиб, таълим тарбия жараёнига татбиқ этиши лозим. Ҳу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша иймон-эътиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, ҳам юксалтириб бориши ва уларни талабалар қалбига синдириш зарур. Ўқитувчи фаолияти ўз моҳиятига кўра ижодий характерига эга. Маълумки, инсон олдида бирор муаммо тургандагина ижодкорликка эҳтиёж тугилади. Ўқитувчи фаолияти ана шундай хусусиятга эга. Педагогик ижодкорларнинг асосий моҳияти фаолиятининг мақсади ва характери билан боғлиқ. Педагогик фаолият киши шахсини, унинг дунёқараши, эътиқоди, онги, ҳулқ-атворини шакллантиришдек умумий мақсадга бўйсунган сон-саноксиз педагогик масалаларни ечиш жараёнидир. Ўқитувчи фаолиятидаги ижодкорлик ана шу масалаларни ечиш усулларида, уларни ҳал қила олиш йўллари кидириб топа олишида ифодаланади.

Педагогик ижодкорлик манбаи – бу педагогик тажрибадир. Педагогик тажриба муаммоли вазиятларга жуда бойдир. Илғор педагогик тажриба деганда, биз ўқитувчининг ўз педагогик вазифасига ижодий ёндошишини талабаларнинг таълим-тарбиясига янги, самарали йўл ва воситаларни қидириб топишини тушунамиз.

Ижодий ишлайдиган ўқитувчи фақат талабаларни муваффақиятли ўқитиш ва тарбия бериш, илғор иш тажрибаларини ўрганиш билангина чекланиб қолмасдан тараққиётчилик кўникма ва малакаларига ҳам эга бўлиш зарур. Ҳозирги замон фан ва техника тараққиёти ўқитувчининг ижодкор бўлишини, фаннинг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита билиш, фан ютуқларини ўқувчиларга етказа олиши, тадқиқот ишларига ўргата олишини талаб қилади.

Тарбия жараёнида педагогик таъсир кўрсатиш талабага у ёки бу юксак ахлоқий сифатларининг моҳиятини англатиш жараёнида қўлланиладиган ўқитувчининг иш усулларидан биридир.

Ҳар бир шахсга таъсир этиши тарбиячининг касбий маҳорати ва обрўсига боғлиқдир. Бунда:

- талабнинг ижобий ҳатти-ҳаракатларига тўсқинлик қилмаслиги;
  - талабларни аниқ ва тушунарли бўлиши;
  - қўйилган талаб ва вазифаларни натижасини билиш;
  - талаб очик чеҳра, самимий бир оҳангда берилиши, илтимос, маслаҳат, яхши ниятга чорлаш;
  - талаб болаларнинг ёши, билим савиясига мос бўлиши.
- талабларуа кесатиш, луқма, миннат қилиш бўлмаслиги ва бошқаларга эътибор бериш лозим.

Кишилиқ жамоаси пайдо бўлган даврдан бошлаб инсон ҳеч қачон ёлғиз яшай олмаган. Жамоаларни ташкил қилиш ва унинг тарбиявий таъсирини назарий ва амалий асослари мутафаккир ва олимлар томонидан ўрганилиб, у илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Тарбиячининг вазифаси талаба-ёшлар жамоасини ташкил қилиш, тарбиялаш ва жипслаштириш борасидаги назарий билимларни ўзлаштириб, илғор тажрибаларга суяниб, уларни тарбиявий жараёнида ўртоқлик, дўстлик, ўзаро ҳамкорлик, ҳамжихатлик, ўз-ўзини тарбиялаш ва бошқариш каби жамоатчилик сифатларини шакллантириш маҳоратини ўзлаштиришдан иборат. Улар:

- ҳар бир ўқувчи шахсида ўзаро муносабат алоқаларини яратиш;
- ўқувчилар кундалиқ фаолиятларининг ҳамма қирраларини жамоада жипслаштириш;
- шахсий манфаатдан жамоа манфаатини юқори қўйишга ўргатиш;
- жамоада бир-бирига меҳр-оқибатли, мурувват ва сахийлик дўстона ҳамкорлик мавжуд бўлса, у катта тарбиявий кучга айланади.

Касб-ҳунар таълими коллежи ўқувчилар жамоаларини ташкил қилишда ўқитувчидан турли-туман усул ва воситалардан маҳорат билан фойдаланиш талаб қилинади;

1. Ўқитувчи жамоа аъзоларини янги шароитга мослаштириш жараёнида уларга ишонч, ҳурмат, ҳушмуомалалик талабларни тўғри қўя билиш, шу билан бирга ўқувчини тушуниш ва эшита билиш маҳоратига эга бўлиши керак.

2. Ўқувчилар жамоасидаги етакчи куч-таянч ўзагини танлаш.

3. Жамоа аъзоларининг ҳар бирининг кучига, қобилиятига қараб топшириқлар бериш.

4. Жамоада янги анъана, конун-қоидаларнинг дастлабки куртагини яратиш ва унга амал қилиш.

5. Жамоа истиқболини давр талаби билан мослашган ҳолда белгилаш талаб қилинади.

Ҳар бир ўқитувчи педагогик фаолият юритар экан, бераётган таълим-тарбиясининг янада самарали бўлиши учун ўз устида мутасил ишлаши, билимини, маҳоратини ўстириши, ўқувчилар билан бўладиган муносабатларни пухта ўйлаб, уларнинг кўнглига озор етказмасдан иш олиб бориши лозим. Муомала маданияти, ўзини тута билишини назорат қилиши керак. Ҳар бир тарбиячининг дунёқараши унинг муомаласида намоён бўлади. Муомаланинг асосий воситаси – тилдир. Халқимизда шундай нақл бор "Бола-ширин сўзнинг гадоси". Шундай экан тарбиячи муомала жараёнида жуда эҳтиёткор бўлиши мақсадга мувофиқдир. Алишер Навоий муомала қилувчи шахснинг маҳорати ҳақида шундай дейди: "Ширин сўз кўнгиллар учун бамисоли асалдир."

Шунинг учун ҳам ўқитувчи ҳар он нутқ маданиятига қаттиқ эътибор бериши, ўзининг психологик, эстетик, жисмоний, ахлоқий жиҳатларини намуна ҳолатда намоён этиши муҳим, Юксак туйғу маданиятига эга бўлган ўқитувчи болаларнинг кайфияти, ноҳушлигини дарров фаҳмлайди.

Қўпол, одобсиз гапларга ўрин қолдирмаслик, бола шахсига тегадиган қўпол муомала қилиш ўқитувчининг фаолиятига путур етказди. Бола аҳволини тушуниш унга ҳамдард бўлиши, мадад бериш керак. Ўқитувчи ўзининг педагогик фаолиятида аввало тўғри сўз бўлиши, ишларини адолат билан олиб бориши керак. Бу хислат тарбиячи билан ўқувчи ўртасида яқинликни оширади, чунки адолат инсонлар ҳулқини баҳоловчи муҳим мезондир. Ҳазрат Алишер Навоий айтганидек: "Лоақал бир ҳарф ўргатган устознинг ҳаққини юз минг ганжу хазина билан ҳам узиб бўлмайди". Биз улардан умрбод қарздормиз.

## **6.2. Амалий машғулотларни ташкил этишда ўқитувчининг касбий маҳорати**

Семинар дарси талабаларнинг билим олишлари, уни пухта ўзлаштиришлари ва олган билимларини келгусида реал ҳаётда қўллашни ўрганишларида алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам семинар дарсини қизиқарли, талабаларни фаол қатнашишларини таъминлайдиган услубларни қўллаб дарс ўтиш муҳим аҳамиятга эга.

Маърузада одатда кўпроқ баён қилиш етакчи рол ўйнайди. Талабалар дарсда пассив рол ўйнашади. Семинар дарсида эса талабалар актив рол ўйнашади. Дарсда турли услубларни қўллаб уларни фаоллигини таъминлаш имконияти кенг.

Семинар (лот. *seminarium*-манба, кўчма маънода мактаб) – ўқув амалий машғулоти шаклларида бири. Асосан олий ўқув юртлирида, илмий тўғарак, анжуманларда қўлланилади.

Таълимнинг семинар шакли қадимги Юнон ва Рим мактабларида пайдо бўлган ва кейинчалик Ғарбий Европа университетларида ривожлантирилган. Бу университетларда семинар асосан, талабаларнинг адабиётлар, манба устида ишлаш вазифасини ўтаган. XX аср бошларида семинар дарслари талабаларнинг умумий илмий дуёқарашани кенгайтиришда, уларни муайян фан, тарихидаги муҳим муаммо ва тадқиқотлар билан таништиришда катта рол ўйнай бошлаган.

Семинарнинг асосан уч тури бор:

– Ўрганилаётган фан ёки курсни чуқур ўрганишга ёрдам берадиган семинар дарслари.

– Айрим муаммо, асосий ёки муҳим мавзунини ўрганиш учун ўтказиладиган семинарлар.

– Тадқиқот характеридаги семинарлар.

Ўқув жараёнини ташкил этишда семинар дарслари алоҳида ўрин тутати. Семинар талабаларнинг билимларини мустаҳкамлашни таъминловчи, ижодий қобилиятларини намоён қилувчи ўқув жараёни шаклидир. Семинар машғулотларининг мақсади талабаларнинг чуқур билим олишини таъминлаш, олган билиминини реал ҳаётда қўллашга ўргатишдир.

Бунинг учун талабалар олган ахборотларини таҳлил қилиш, илмий тадқиқот ўтказиш, таққослаш, хулоса чиқаришни билиши керак. Бундай маҳоратга эга бўлишга кўп жиҳатдан семинар дарси ёрдам беради.

Семинар дарсининг олдига қўйилган бош мақсадни амалга ошириш учун дарсининг олдига қўйилган қатор вазифаларни амалга ошириш керак. Бу вазифалар семинар дарслари бажарадиган функцияларда ўз ифодасини топади.

Семинар дарси бир қатор функцияларни бажаради:

- Талабаларга профессионал таълим бериш ва тарбиялаш;
- Мустақил ишлаш малакасини ўстириш;
- Талабаларни мантиқий фикрлашга ўргатиш;
- Нутқ сўзлаш, илмий мунозаралар олиб боришга ўргатиш;
- Мустақил фикр юритиш ва ўз фикрини ўртоқлашишга ўргатиш;
- Ўртоқлари фикрини танқидий нуқтаи назардан баҳолашга ўргатиш;
- Талабалар билиминини назорат қилиш ва баҳолаш;

Инсоннинг эсда сақлаш хотираси – бу бизнинг биокомпьютер. Одатда олинган ахборотнинг жуда кўпи қисқа муддатгина ёдимизда сақланади. Бошқа янги ахборотни қабул қилар эканмиз, аввалги ахборот хотирадан кўтарилиб кетади. Ахборотлар ниҳоятда хилма-хил бўлиб, инсон ҳар куни ўз ҳаётида қабул қиладиган ахборотлар миқдори, турлича қабул қилиниши, хотирада сақланиб қолиниши жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладди.

Психологларнинг фикрича, ахборотни хотирада узок сақлаб қолиш учун, у гўёки миямизда филтрдан, бошқача айтганда элақдан ўтиши, сараланиши, гўёки хотира қурилмасига ўтказилиши керак экан. Ахборотлар сараланиб,

охир-оқибат алоҳида у ёки бу томони билан ажралиб турадиганларигина хотирага ўтар экан.

Узоқ муддат хотирада қоладиган ахборотларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

22. Ниҳоятда қизиқарлилиги, жўшқинлиги ва бошқа шу каби хусусиятлари билан ажралиб турувчи ахборотлар;

23. Тасаввур, ҳис-туйғу ва шу каби бир-бирини эслатадиган ўзаро боғланишдаги ахборотлар;

24. Инсон томонидан тушуниб, моҳиятига етилган ахборотлар;

25. Фаоллик билан қабул қилинган, ўрганилган, масалан, такрорланиб турадиган ахборотлар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, олимларнинг илмий тадқиқоти кўрсатадики, оддий инсон одатда ахборотларни қуйидагича ўзлаштирар экан:

20% эшитганини хотирада сақлаб қолади;

30% кўрганини ўзлаштиради;

50% эшитиш ва кўриш орқали билиб олади;

70% ўзи тушуниб гапиргани, эшитгани ва кўргани натижасида ўзлаштиради;

100% шу ишни бажариши, гапириши, эшитиши ва кўриши орқали ўзлаштиради.

Лекин билимни ўзлаштириш билан бир қаторда уни ёдда сақлаш, ундан фойдаланиш, такрорлаб туриш муҳим аҳамиятга эга. Олинган билим ундан фойдаланилмаса, такрорлаб турилмаса хотирадан кўтарилади. Халқимиз бежиз айтмаган ”Такрорлаш-билимнинг онасидир” - деб, олинган билимдан фойдаланиб такрорлаб туриш, ёдда сақлаш ёки ундан фойдаланмаслик, такрорламаслик оқибатида олинган билим (фаол) актив билим заҳираси ёки пассив (суст) билим заҳирасига айланади. Олинган ахборот филтрдан ўтгач қисқа муддат ёдда сақланади. Қисқа муддат ёдда қолган билим иккинчи филтрдан ўтгач, шу билимни ёдда сақлаш, фойдаланиш, такрорлаш туфайли актив (фаол) билим заҳирасига айланади. Агарда бу билимлардан фойдаланиб, такрорлаб турилмаса, пассив (суст) билим заҳирасига айланади ва бора-бора хотирадан кўтарилади. Билимни такрорлаш туфайли ёддан кўтарилишини олдини олиш мумкин. Булардан шундай хулоса чиқариш мумкин: талабаларнинг энг аввало, ўқув материални ўзлаштириши, ёдда қолиши учун олинадиган ахборотни иложи борича эшитиш ва кўриш орқалигина эмас, балки ўзи гапириши, ўз фаолиятида синаб кўриш орқали етказиш катта аҳамиятга эга экан. Бунга эришишнинг йўли семинар дарсларини турли-туман услублар орқали олиб боришдир. Айнан семинар дарсида талабалар маъруза, китоб, журнал ва ҳоказолар орқали олган ахборотлари, билимларини тушунган ҳолда гапириб бериш, уни моделлаштириш асосида синаб кўриш имкониятига эга бўлади.

Семинар дарсини ўтказишда қўлланадиган услублар турли-туман бўлиб, у ёки бу услубни танлаш, аввало ўрганилаётган фаннинг хусусиятига; иккинчидан, эса ўтиллаётган мавзуга; учинчидан, семинар дарсида қўйилган



мақсадга; тўртинчидан, танланган услубни қўллаш имкониятига боғлиқ. Ҳозирги пайтда иқтисодиёт назарияси фанини ўрганишда нисбатан кенг қўлланиладиган услублардан эксперт савол-жавоб саволлар тизимига асосланган муҳокама, семинар машғулотлари режаси бўйича атрофлича суҳбат, моделлаштирувчи ўйин, доклад ва рефератларни муҳокама қилиш, масала, машқ, тест ечиш ва уларнинг натижасини муҳокама қилиш ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Семинар мавзуси маъруза мавзуси билан бир хил бўлиши шарт эмас. Айрим пайтларда мавзу саволларини маърузада кўтарилса, айримларини семинарда муҳокама қилиш мумкин. Ҳозирги пайтда шундай тажриба амал қиладики, маърузада кўрилган мавзу албатта семинарда ҳам муҳокама қилинади. Лекин маълум шароитда семинар дарси ва унинг мавзусига бошқача ёндошиш мумкин. Айтайлик, мустақил ўрганиш учун турли адабиётлар, бошқа ахборот манбалари мавжуд бўлса, семинарда мустақил ўрганилган мавзунини муҳокама қилиш мумкин. Айниқса мавзунини ўрганиш учун вақт етишмаган пайтда бундай усул қўл келади.

Семинар дарсини муваффақиятли ўтказиш учун энг аввало асосий ва қўшимча адабиётларни синчковлик билан ўрганиб чиқиш зарур. Адабиётларни ўрганиш дарс жараёнида талабаларнинг диққатини қаратиш лозим бўлган масалаларни алоҳида ажратиш, мавзунини қайси усул асосида ўрганишни режалаштириш ва дарсга тайёрланиш имконини беради. Айниқса аудиторияда жонланиш, муҳокама қилиш мунозарага сабаб бўладиган саволлар қўйилганда юз беради. Натижада мавзунини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам бундай саволларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Мавзунинг мазмунини ўзлаштиришни чуқурлаштиришнинг энг оддий йўли бу саволларни мураккаблаштириш ҳамда алоҳида саволлардан саволлар тизимига ўтиш орқали амалга ошириш мумкин.

Бу эса қўйилган саволларга жавоб бериш, муаммони, саволни муҳокама қилиш жараёнида вужудга келган муаммоли вазиятни ўрганиб, уни ечиш имкониятини беради. Масалан, иқтисодиёт назариясининг бош муаммоси нима? деган савол қўйилган. Бу ерда талаба иқтисодиёт назарияси фанининг бош муаммоси – ресурсларнинг чекланганлиги шароитида чексиз эҳтиёжларни қондириш муаммоси деб жавоб бериши мумкин.

Ана шу саволни бошқача саволлар тизими асосида қўйиш мумкинки, натижада талабалар қўйилган масалани чуқурроқ тушунишига олиб келади. Уни айтайлик, қуйидагича саволлар тизими асосида қўйиш мумкин: Иқтисодиёт назариясининг бош муаммоси нима? Нима сабабдан бу муаммони бош муаммо деб атаيمиз? Сизнингча иқтисодиётда яна қандай муаммолар бор? Ана шу саволлар тизимига жавоб бериш жараёнида талабалар уни чуқурроқ ўрганиб олишади: иқтисодиёт назариясининг бош муаммоси ресурсларнинг чекланганлиги шароитида чексиз эҳтиёжларни қондириш муаммоси эканлиги, унинг бош муаммо бўлишига сабаб, бу муаммо иқтисодиётдаги барча муаммоларни ўз ичига қамраб олиши эканлигидир. Уларга мисол қилиб, бир неча муаммолар: танлаш муаммоси, ҳар бир уй

хўжалиги, фирма, давлатнинг олдига қўйган мақсади ва унга эришиш муаммоси ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкинки, уларнинг барчаси ресурсларнинг чекланганлиги билан боғлиқдир.

Мавзунини ўрганишни чуқурлаштиришга савол шаклини ўзгартириб, уни мураккаблаштириш орқали эришиш мумкин. Айтайлик иқтисодиёт назариясининг бош мақсади нима ва уни нимага бош муаммо дейилади? Сабабини кўрсатиш, деган тарзда қўйиш мумкин. Талабаларни мавзунини у ёки бу категорияни қай даражада тушунганларини синаш ва пухтароқ тушунишлари учун жавобларини талабалар билан биргаликда муҳокама қилиш асосида мини тест ўтказиш усулини қўллаш мумкин.

Семинар дарсининг талабалар томонидан билим, иқтидор, нутқ сўзлаш, бошқалар фикрига танқидий қарашни талаб этадиган услубларидан мунозара бўлиб, у мураккаб. Бундай усул билан дарс ўтиш ўқитувчидан катта тайёргарлик кўриш, маҳоратни талаб қилади. Умуман олганда семинар дарси турли услублар асосида олиб бориладиган экан, у қизиқарли, барча талабаларни фаол қатнашишга, демак дарсга кунт билан тайёрланиб келишга ундайди.

Ўқитувчи семинар дарси ўтишга ҳозирлик кўрар экан, семинар машғулоти режасига биноан дарсни қандай, қайси услубларни қўллаб ўтказади. Қандай кўргазмаларни курашлар, тарқатиладиган материаллардан фойдаланади? Аввалдан режалаштириб, зарур материалларни тайёрлаб қўйиши керак.

Семинар дарсига тайёргарлик кўриш ва ўтказишни қуйидаги намунавий семинарда кўриб чиқамиз. Мазкур семинар дарси ўтишга доир услубий кўрсатмалар дарс ўтишга тайёргарлик кўришни режалаштириш ва ўтказишга ёрдам беради.

### **Намунавий семинар машғулоти**

**Мавзу: Ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар ва ишлаб чиқариш.**

**Дарсининг мақсади:**

- Ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар ва уларнинг таркибига турли жиҳатдан ёндошиш;
- Эҳтиёжларни шаклланишида ахборотнинг ролини англаш.
- Ресурсларнинг чекланганлиги шароитида чексиз эҳтиёжларни қондириш муаммоси иқтисодиётнинг бош муаммоси эканлигини тушуниб етиш.
- Танлов ва қарор қабул қилиш муаммоси, қарор қабул қилишнинг муқобил вариантлари ва мезонларини ишлаб чиқишни ўрганиш.
- Қарор қабул қилиш учун ахборотнинг аҳамияти нақадар катта эканлигини англаш.

Мавзу бўйича семинар машғулоти тайёрланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати тузилади.

**Дарсда ёритилиши лозим бўлган асосий таянч тушунчалар ва атамалар:**

Индивидуал эҳтиёж, моддий эҳтиёж, умумжамиат эҳтиёжи, маънавий

эҳтиёж, шахсий ва ишлаб чиқариш эҳтиёжи, гуруҳий эҳтиёж, муқобил қиймат, ишлаб чиқариш имконияти.

**Дарс ўтиш учун зарур жиҳозлар:**

доска, бўр, латта;

проектор, слайдлар, фломастер, китоб, газета-журналлар.

**Дарс ўтишда фойдаланиладиган кўргазмали қуроллар** (слайд ёки ватман қоғозга чизилган бўлиши мумкин ёки дарс давомида доскага чизиш мумкин):

Амалий дарсида муҳокама қилинадигани саволлар ва уларга ажратилган тахминий вақт:

Ташкилий қисм 5-8 минут

Муҳокама қилинадиган саволлар:

1. Ижтимоий иқтисодий эҳтиёжларнинг мазмуни индивидуал, гуруҳий ва умумжамият эҳтиёжлари 10-15 минут.

60. Ўзбекистонда эҳтиёжларнинг хусусиятлари. эҳтиёжларнинг таркиби. 10-15 минут.

61. Эҳтиёжларнинг чексизлиги. Эҳтиёжларнинг юксалиш қонуни. 10-15 минут.

62. Ресурсларнинг чекланганлиги. Ишлаб чиқариш имконияти. Танлов ва муқобил қиймат, қарор қабул қилиш. 10-15 минут.

63. Иқтисодиётнинг бош муаммоси 15-20 минут.

Дарсни якунлаш 4-5 минут.

Асосий таянч тушунча ва атамалар:

Амалий қисқа муддатли ёдда сақлаш, узоқ муддатли ёдда сақлаш, семинар турлари, семинар функциялари, семинар дарси афзалликлари.

### **6.3. Иқтисодчи педагог кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда ўқитувчининг касбий маҳорати**

Ўқув-тарбия ишининг муваффақияти нафақат қўлланилаётган ўқитиш методларига, балки ўқув жараёнини ташкил этишнинг шакллари (формаларига) ҳам боғлиқдир. Ўқитишни ташкил этишнинг шакллари (формаларига) ҳам боғлиқдир. Ўқитишни ташкил этишнинг шакллари ёки ўқитиш шакллари ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, айтиш чоғда дидактик таъсир билан қамраб олинган ўқувчиларнинг сони, ўқув предметининг хусусияти, ўқувчиларнинг ўқиш жойи ва вақти ҳамда мактабнинг ўқув-моддий базаси билан аниқланади.

Маълумки, латинча “форма” сўзи ташқи кўриниш, шакл маъносини англатади. Ўқитиш формаси (шакли) дидактик тушунча сифатида ўқитиш жараёнини ташкил қилишнинг ташқи томонини белгилаб, у ўқитилаётган ўқувчиларнинг миқдори, ўқитиш вақти ва жойи ҳамда уни ташкил этишнинг тартиби билан боғлиқдир.

Ўқитиш шакли ўқитувчи ва ўқувчиларнинг белгиланган тартибда ва маълум тартиботда (режимда) амалга ошириладиган биргаликдаги

фаолиятининг ташқи ифодасидир. Ўқитиш шакллари ижтимоий белгиланади, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятини тартибга солади, индивидуал ва коллектив ҳолда ўқитишнинг ўзаро нисбатини аниқлайди, билиш фаолиятидаги ўқувчиларнинг фаоллик даражасини ва ўқитувчи томонидан унинг бошқарилишини белгилайди.

Демак, ўқитиш шакллари ўқув ишини ким, қаерда ва қандай мақсадда ўқитилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда қандай ташкил этиш кераклигини аниқлайди.

“Ўқитиш методлари” тушунчаси билан “ўқитиш шакллари” тушунчаси ўзаро боғланишда бўлади, аммо бу категорияларни фарқлай билиш керак. Ўқитиш методлари ўқитувчи ва ўқувчиларнинг таълимий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган биргаликдаги фаолияти йўллариidir. Яъни, ўқитиш методи тушунчаси ўқув жараёнининг мазмуний-процессуал ёки ички томонини ифодалайди. Аксинча, юқорида таъкидлаганидек, ўқитиш шакли ўқув жараёнининг ташқи томонини ифода этади.

Дастлаб ўқув ишини ташкил қилишнинг энг кенг тарқалган шакли индивидуал ўқитиш бўлган. Масалан, қадимги Юнонистонда ўқитиш кўпроқ индивидуал шаклда олиб борилган. Кейинчалик, ўқувчилар сонининг кўпайиши, таълимга ижтимоий эҳтиёжларнинг ортиши, китоб чоп этишнинг тарқалиши, маърифатчиларнинг тажрибаси ва умуман таълим олувчилар оммасининг кўпайганлиги натижасида индивидуал ўқитишдан индивидуал-группалик ўқитишга ўтилган.

Индивидуал ўқитишда ўқитувчи ўз уйида ёки ўқувчининг уйида у билан алоҳида ўқув ишини олиб борган. Индивидуал – группали ўқитишда эса, бир неча ўқувчилар кичик гуруҳларда биргаликда ўқув машғулотлари билан шуғулланганлар, аммо бунда ўқитувчи бутун гуруҳ билан иш олиб борсада, ўқув иши индивидуал характерга эга бўлган. Ҳар бир ўқувчи ўз ишини бажарган, ўз дастури остида ишлаган, ўқитувчи олдида ўз топшириғи бўйича ҳисобот берган ва бошқа ўқувчилар билан умуман боғланмаган. Чунки, ўқувчилар турли ёшда ва ҳар хил тайёргарлик даражасига эга бўлишган. XII-XIII асрлардаёқ университетларда, XV-XVI асрларда эса ўрта ва бошланғич мактабларда ўқитиш амалиётида гуруҳий ўқитиш йўлга қўйилган.

Ишлаб чиқаришнинг ва жамиятда маънавий ҳаётнинг роли ортиши натижасида ўқувчиларни оммавий равишда ўқитиш шакллари вужудга келди. Ўқув ишини ташкил қилишнинг бундай шаклларида бири бўлган группали ҳолда ўқитиш, дастлаб Жанубий-Ғарбий Русь қардошли мактабларида (XVI аср) қўлланилган.

Ўқитишнинг бу шакли бир қатор элементлари билан ажралиб турарди. Ўқув ишини ташкил этиш учун ўқувчилар ёшлари бўйича тақсимланишар ва деярли бундай тайёргарлик даражасига эга бўлган гуруҳларга бирлаштирилдилар. Машғулотлар бир вақтнинг ўзида бутун гуруҳ билан биронта материал бўйича ўтказилар эди. Ўқувчилар мактабга йилнинг бир пайтида ва олдиндан белгаланган куннинг соатларида келишлари керак эди.

Қардошлик мактаблари тажрибасини умумлаштирган ҳолда улуғ чех педагоги Я.А.Коменский ўқитишнинг синф-дарс системаси қуйидаги

хусусиятлар билан белгиланади: тенг ёшдаги ўқувчилар синф ташкил этадилар; унинг таркиби эса бутун мактаб даврида қисман ўзгариши мумкин; ҳар бир синф ўз ўқув режаси асосида ишлайди; ўқувчилар учун ташкил этиладиган ўқув-тарбия машғулотларининг асосий шакли бўлиб дарс хизмат қилади; ҳар бир дарс фақат биронта ўқув предметига бағишланади; синфда ўқувчиларнинг ўқув иши ўқитувчи томонидан бошқарилади.

Я.А.Коменский ўқитувчи томонидан бир вақтнинг ўзида нисбатан кўпроқ миқдордаги ўқувчиларни (40-50 ўқувчи) ўқитиш мумкинлигини таъкидлаган. Хатто ўқувчилар сонини 300 гача кўпайтириш мумкин эканлиги тўғрисида фараз қилиб, бунда ўқитувчининг умумий раҳбарлиги остида ажратиб олинган энг кучли ўқувчилар ҳар қайси 10 ўқувчилар билан машғулотлар олиб боришлари шарт қилиб қўйилган.

XIX асрнинг охирида танлайдиган ўқитишнинг шакллари вужудга келди. Булар АҚШда батава системаси ва Европада маннгейм системасидир. Ўқув ишини ташкил қилишнинг танланадиган системаларини вужудга келишига ўқитишнинг оммавий шаклларининг камчиликларини йўқотиш учун ҳаракатлар сабаб бўлди. Хусусан, бу системалар одатдаги ўқитишга хос бўлган оммавий нуқсонлар қандайдир мавҳум “ўртача ўқийдиган ўқувчи”га мослаштириб ўқитиш, ўқитишнинг зарурий индивидуаллаштиришнинг таъминланмаганлигини бартараф этишга қаратилган эди. Баттава системасида ўқувчиларнинг иш вақти 2 қисмга ажратилиб, биринчи қисми синф билан дарсда ишлашга, 2-чи қисми эса, ўқувчилар билан индивидуал ишлашга бағишланар эди. Катта синфларда ўқитувчи ёрдамчиси билан ишлаган ва у қолоқ ҳамда камроқ қобилиятли ўқувчиларга кўмаклашган.

Маннгейм системасига кўра, ўқувчилар қобилияти ва ўзлаштиришларига қараб кучсиз, ўртача ва кучли синфларга тақсимланган. Танлов имтиҳонлар ва кузатиш асосида амалга оширилган, кейинчалик ҳам ўқувчини синфдан-синфга ўтказиш мумкин бўлган. Ҳозир ҳам Австралияда ва АҚШда бу система асосида турли типдаги мактаблар ишламоқда.

Дальтон-план номини олган индивидуаллаштирилган ўқитиш тизими XX аср бошларида АҚШда вужудга келиб, уни шунингдек, лабаратория ёки устахоналар системаси деб ҳам аташади. Бунда мактабда одатдаги синфлар ўрнида предмет устахоналар ташкил қилиниб, уларда ҳар бир ўқувчи устахонадаги ўқитувчидан топшириқ олган ва унинг ёрдамида индивидуал ҳолда шуғулланган. Машғулотнинг умумий режаси (дарс жадвали) бўлмаган, коллектив ўқув иши эса кунига бир соат ўтказилган. Бошқа вақтда эса ўқувчилар материални индивидуал равишда ўрганишган ва ҳар бир предмет ўқитувчиси олдида ҳар қайси мавзу бўйича топшириқнинг бажарилганлиги ҳақида ҳисобот беришган. Дальтон-план ўқувчиларда шошма-шошарлик туғдирди, ўқитувчининг ўқув жараёнидаги ролини пасайтирди ва билимларни мустаҳкам ўзлаштиришни таъминламади.

XX асрнинг биринчи чорагида АҚШда ўқитишнинг лойиҳалар системаси вужудга келди ва у “лойиҳалар методи” номи билан танилди. Бу система асосида ўқувчилар фаолиятини амалий ҳалда ташкил қилиш ётади. Ўқувчилар ўқитишда турли хил содда амалий ишлар билан машғул бўладилар.

Билимларни ўқувчи билиш учун эмас, фаолият учун ўзлаштиради. Ўқувчи фақат ўзи амалда бажариши мумкин бўлган нарсаларга қизиқади. Бунда билиш билан амалий фаолият бирлаштирилади. Аммо чуқур назарий таълим берилмайди.

“Тармп плани” номини олган ўқитиш системасида касб-ҳунар коллежларида ўқитиш 100-150 ўқувчини қамраб олган катта гуруҳларда ўтказилиб, бунда лекциялар ва турли-туман ўқитишнинг техникавий воситаларидан фойдаланилади ва бу тарздаги ўқитишга ўқув вақтининг 40% сарфланади. 10-15 кишилиқ кичик гуруҳларда лекция материаллари муҳокама қилинади, алоҳида бўлимлар чуқурроқ ўзлаштирилади ва малакалар ҳамда кўникмалар эгалланади, бунга ўқув вақтининг 20% сарфланади. Ўқувчиларнинг мустақил, индивидуал ўқув ишига қолган 40% ўқув вақти харж қилинади.

Дарс ўқитишни ташкил қилишнинг шундай шаклики, бунда ўқув машғулоти ўқитувчи томонидан доимий тартибга, бирдай ёшга ва тайёргарлик даражасига эга бўлган ўқувчилар гуруҳи билан маълум вақт оралиғида ҳамда белгиланган машғулотлар жадвали бўйича ўтказилади.

Дарс ўқитишни ташкил этишнинг асосий шаклидир. Ўқитишнинг ташкилий шакли сифатида, дарс қўйилган ўқув-тарбиявий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган ўқувчилар гуруҳининг режали ва фаол равишдаги ўқув-билиш фаолиятини таъминлайди. Дарснинг яхши ташкил этилиши ва ўтказилиши ўқитувчи томонидан дарсга қўйиладиган ижтимоий ҳамда педагогик талабларни тўғри тушунилишига, бажарилишига боғлиқдир. Замонавий дарсга қўйиладиган талаблар умумтаълим мактабининг вазифалари, ўқитишнинг қонуниятлари ва принциплари билан аниқланади.

Замонавий дарсга қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилар:

- 1) ўқув вазифаларининг аниқ белгиланганлиги, улардан асосий ва иккинчи даражали вазифаларнинг ажратиб кўрсатилиши;
- 2) таълимий ва тарбиявий вазифаларнинг бирлиги, билимлардан ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришда фойдаланиш;
- 3) дарс вазифаларига мос ҳолда ўқув материалининг энг қулай мазмунини танлаб олиш, дарсни керакли жиҳозлар билан таъминлаш;
- 4) энг мақсадга мувофиқ ўқитиш методларининг ва усуллариининг танланганлиги;
- 5) ўқувчиларнинг билиш фаолликларини таъминлаш;
- 6) коллектив ўқув ишини ҳар бир ўқувчининг мутстақил ўқув фаолияти билан биргаликда олиб бориш;
- 7) дарс мазмунини ҳаёт ва амалиёт билан, аввал ўзлаштирилган ва олдинда ўзлаштириладиган материаллар билан боғлаш;
- 8) дарснинг ташкилий жиҳатдан пухталиги (ўз вақтида бошланиши, ҳар бир дақиқанинг тежалиши, мантиқий тугалланганлиги, дарс мобайнида ўқувчиларнинг онгли интизоми).

Дарс ўқитишнинг асосий, аммо бирдан-бир ташкил этиш шакли эмас. Дидактикада ўқитишни ташкил қилишнинг дарсдан ташқари турли-туман шакллари асослаб берилган ва мактаб амалиётида кенг қўлланиб келмоқда. Жумладан, ўқув лекциялари, семинарлар, ўқув конференциялари, экскурсиялар,

ўқув-амалий, амалий машғулотлар, практикумлар, зачетлар, имтиҳонлар, факультатив машғулотлар, правктикумлар, зачетлар, имтиҳонлар, факультетив машғулотлар, ўқувчиларнинг уйдаги мустақил ишлари ва бошқа шакллар – ўқитишни ташкил қилишнинг дарсдан ташқари шакллари дидр. Уларни ўқув ишини ташкил қилишнинг қўшимча шакллари деб ҳам аташади. Ўқув ишини ташкил қилишнинг қўшимча шақиллари ўқувчиларнинг синф-дарс системасидаги фаолиятини тўлдирувчи ва ривожлантирувчи турли хил машғулотлардидр. Уларнинг баъзилари ностандарт (ноанъанавий) дарслар қаторидан жой олмоқда, баъзи ўқув муассасаларида эса маълум муддат ичида ўқитишнинг асосий шакллари ролини бажармоқда. Мисол учун, семинар, ўқув лекцияси, факультатив машғулотлар ёки экскурсия кўпроқ дарслар ўрнида қўлланилаяпти.

Дарс ўқитишни ташкил қилишнинг асосий шакли сифатида ўқув жараёнининг барча бўғинларини амалга оширади. Аксинча, ўқитишни ташкил қилишнинг бошқа шакллари эса ўзига хос тузилишдан иборат бўлиб, ҳар бир аниқ ҳолитда ўқув жараёнининг фақат биргина бўғини амалга ошириш мумкин. Масалан, ўқув лекцияси янги билимларни шакллантириш, семинар-мустаҳкамлаш ва билимларни такомиллаштириш, имтиҳон-билимларни назорат қилиш ва текшириш каби ўқитиш жараёнининг бўғинларини амалга оширади. Ўқитишнинг бу шаклларининг ўзига хослиги билимларнинг асосий манбалари, материални баён қилишнинг устувор усуллари, билимларни такомиллаштириш ва шакллантириш, малакалар ва кўникмаларни таркиб топтиришнинг кўпроқ қўлланилаётган йўллари, ўқувчилар ўқув фаолиятининг устувор турлари билан аниқланади. Масалан, лекцияда маълумот олишнинг асосий манбаи ўқитувчи бўлса, семинарда-ўқувчилардидр.

Қуйида ўқитишнинг қўшимча шаклларини қисқача таърифлаб ўтаимиз:

1. Лекция (ўқув лекцияси) – ўқувчиларга 45 минут давомида дарсга нисбатан кўпроқ ҳажмдаги ўқув материалнинг монологик баён қилиш усулидидр. Лекция таркибида суҳбат ўқитиш методи сифатида ишлатилмайди. Ўқув лекцияси юқори синф ўқувчиларига мўлжалланади, чунки улар узоқ вақт оралиғида маълумот қабул қилиш, уни аниқлаш, қайта ишлаш ва мустақил ўзлаштиришга диққатни қарата оладилар.

2. Ўқув конференцияси – ўрганилаётган материал аввал яхши ўзлаштирилган материалларга асосланса, мураккаб бўлмаса, дарсликда ва ўқув қўлланмаларида тушунарли ифодааланган бўлса ўтказилади. Ўқувчи мос дастур мавзуси бўйича конференция ўтказиши, ўқувчилар мунозарасини ташкил қилиши мумкин. Мунозара олдиндан тайёрланган бўлиши, ўқитувчи ўқувчиларнинг маърузалари мавзуларини, уларнинг мустақил ишлари асосий йўналишларини аниқлаши керак. Бунда ўқитувчининг роли ўқувчилар тортишувларини шарҳлашдан, муҳокама натижаларига якун ясашдан иборат. Ўқитишнинг бу шакли кўпроқ адабиётлар билан ишлаш малакалари ва кўникмалари етарли даражада шакллантирилган ўқувчилар учун мўлжалланади.

3. Ўқув экскурсияси – табиий шароитларда кузатишлар ўтказишга, турли предметлар, ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишга имкон берадиган ўқитишни

ташкил қилиш шаклидир. Ўқувчилар музейлардаги экспонатлар билан, фабрика ва заводлардаги иш жараёни билан танишиб, табиат қўйнида турли ҳодисаларни кузатиб билимлар эгаллайдилар. Ўқув дастурларида кўзда тутилган экскурсиялар мажбурий бўлиб, у ёки бу ўқув предметини ўрганиш учун ажратилган вақт доирасида ўтказилади. Экскурсиялар дарсларда дастурнинг маълум бўлимларини ўрганилиши билан боғлиқ ҳолда ўтказилади. Табиатга, ишлаб чиқариш корхоналарига, музейларга, тарихий жойларга экскурсиялар уюштириш мумкин. Мактабда географик ва адабий экскурсиялар ҳам ташкил қилинади. Кўпчилик ҳолларда бир неча фанлар бўйича бир вақтнинг ўзида экскурсия уюштирилади ва уни комплекс экскурсия деб аташади. Ўқув жараёнида эгаллаган ўрнига кўра экскурсиялар кириш (олдиндан ўтказиладиган), жорий (ҳамроҳ, яъни ўтилаётган дарсга параллел ҳолда уюштириладиган) ва якуний (мавзу ёки бўлим бўйича дарслардаги ўқув ишига якун ясовчи) экскурсияларга бўлинади.

4. Амалий машғулотлар жараёнида ўқувчилар дастурга мос равишда маълум цикл ишларни бажарадилар. Амалий машғулотлар устахоналарда, ўқув кабинетларида, ўқув-тажриба участкаларида ўтказилади. Ўқувчилар ишларни бажаришда кўпроқ мустақиллик ва топшириқларни бажаришга ижодий муносабат намоён қилишади. Амалий машғулотга ажратилган вақт доирасида ўқитувчи унга режа тузади, ўқув қўлланмалари ва дарсликларда берилган кўрсатмаларга қўшимчалар тайёрлайди. Дастурда белгиланган топшириқларни бажариш ҳар бир ўқувчи учун мажбурийдир.

5. Семинарлар дастурнинг асосий бўлимлари ўрганилгач ва кўпроқ ижтимоий фанлар бўйича юқори синфларда ўтказилади. Бу ўқув шаклида суҳбат ва ўқувчиларнинг мунозаралари бирлаштирилади. Ўрганилган материални назарий жиҳатдан умумлаштиришда, ўқувчиларни мустақил ахборотлар билан сўзга чиқишга ўргатишда, баҳс-мунозара юритиш, ўз фикрларини ҳимоя қилиш, ўқувчиларни ижтимоий ҳаётда иштирок этишга ва таълим олишни давом эттиришга тайёрлашда семинар мағулотларининг роли катта. Семинарни ўтказишда машғулотнинг режаси олдиндан ўқитувчи томонидан тузилади ва ўқувчилар билан муҳокама мобайнида тўғриланади. Режага мувофиқ ҳар бир ўқувчининг ва бутун синфнинг бўлажак семинарга тайёргарлик дастури белгиланади, топшириқлар тақсимланади, ҳамма учун мажбурий фойдаланиладиган адабиётлар тавсия этилади. Ахборотлар, рефератлар, маърузаларнинг мавзулари семинарда кўпроқ муаммоли шаклда берилади. Семинар ўқитувчининг кириш сўзи билан бошланиб, ўқувчиларнинг маърузалари тингланади, баҳс-мунозаралар юритилади. Машғулот сўнггида ўқитувчи унга якун ясайди, семинар натижаларини аниқ ўқитиш вазифалари билан боғлайди.

6. Факультатив машғулотлар ўқувчилар томонидан танланадиган ва уларнинг хоҳиш-истакларига кўра ўрганиладиган, илмий-назарий билимларини ва амалий кўникмаларини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга мўлжалланган ўқув предметларидир. Ўқув режаларида факультатив машғулотларни ўтказиш белгиланиб, ҳар бир ўқувчига биронта факультативни (танланадиган предметни) танлаб олиш имконияти берилади. Факультатив машғулотлар



мажбурий фанлар бўйича дарслар билан яқин алоқада ўтказилади. Уларда лекциялар амалий машғулотлар билан биргаликда амалга оширилади. Ўқувчилар китоб устида ишлаш, ақлий меҳнат кўникмалари, унчалик қийин бўлмаган экспериментлар ва тажрибалар ўтказиш малакаларини эгаллаб оладилар. Факультатив машғулотларда муаммоли ўқитиш, болаларнинг индивидуал ижодий қобилиятларини ривожлантиришга ҳам кенг ўрин берилади.

7. Ўқувчилар билан қўшимча машғулотлар уларнинг билимларидаги камчиликларни тўлдириш, ўзлаштирмасликнинг олдини олиш мақсадида ташкил қилинади. Масалан, консультациялар, қолақ ўқувчилар билан қўшимча машғулотлар, кучли ўқувчиларнинг синфдаги қолақ ўқувчилар билан машғулотлари, ўқитувчининг ўқувчилар билан индивидуал машғулотлари шулар қаторига киради.

8. Заҳёт (синов) ўқув дастурининг алоҳида бўлимларини ўзлаштирганликнинг, малакалар ва кўникмаларнинг шаклланганлигининг сифатини текшириш учун ўтказилади.

9. Имтиҳон ўқув йили ёки бир неча йиллар давомида ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти натижаларини қайд этиш учун амалга ошириладиган ўқув ишини ташкил қилишнинг шакли.

10. Ўқувчиларнинг уй ўқув ишлари ўқитувчининг ўрганилаётган материални такрорлаш ва янада чуқурроқ ўрганиш ҳамда амалда қўллаш бўйича топшириқларини мустақил бажаришдан иборатдир. Уй ўқув ишлари икки белги билан характерланади: ўқитувчи томонидан бериладиган ўқув топшириғининг мавжудлиги; бу топшириқни бажариш бўйича ўқувчиларнинг мустақил ишлари. Уй вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

дарслик бўйича ўқув материални ўзлаштириш;  
оғзаки машқлар бажариш;

## Хулоса

1. Педагогик маҳоратни шакллантиришнинг асосий тамойиллари.

2. Педагогик меҳнат ва педагогик маҳоратнинг узвийлиги.

3. Педагогик маҳоратни шакллантиришнинг асосий воситалари.

Юксак маҳоратли ўқитувчида билим қобилият, малака юқори даражада бўлиши керак. Чунки, маҳоратли ўқитувчи талабалар руҳиятини, билим ва камолот даражасини ҳисобга олади. Баъзи ўқитувчиларга ўқув материали оддий, тушунарли ва қандайдир алоҳида изоҳни талаб этмайдигандек туюлади. Бундай ўқитувчилар талабаларни эмас, балки ўзларни назарда тутадилар. Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи ўзини талабанинг ўрнига қўя олади. У фаннинг илмий-назарий асосларини талабаларга тушинтириш мақсадида иш тутати. Шунинг учун у баён этишнинг характер ва шаклини алоҳида ўйлаб чиқади.

Касбий маҳоратга эга бўлган ўқитувчи талабаларга профессионал таълим бериш ва тарбиялаш; мустақил ишлаш малакасини ўстириш; талабаларни мантиқий фикрлашга ўргатиш; нутқ сўзлаш, илмий мунозаралар олиб боришга

ўргатиш; мустақил фикр юритиш ва ўз фикрини ўртоқлашишга ўргатиш; ўртоқлари фикрини танқидий нуқтаи назардан баҳолашга ўргатиш; талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш кабиларни юқори савияда амалга оширади.

Замонавий дарсда касб маҳоратига эга бўлган ўқитувчи ўз фаолиятида ўқув вазифаларини аниқ белгилайди. Улардаги асосий ва иккинчи даражали вазифаларни ажратиб кўрсатади. Таълимий ва тарбиявий вазифаларнинг бирлигига эришади. Билимлардан ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришда фойдаланади. Дарс вазифаларига мос ҳолда ўқув материалнинг энг қулай мазмунини танлаб олади. Дарсни керакли жиҳозлар билан таъминлайди. Энг мақсадга мувофиқ ўқитиш методлари ва усулларини танлайди. Ўқувчиларнинг билиш фаолликларини таъминлайди. Жамоа ўқув ишини ҳар бир ўқувчининг мутстақил ўқув фаолияти билан биргаликда олиб боради. Дарс мазмунини ҳаёт ва амалиёт билан боғлайди. Дарснинг ташкилий жиҳатдан пухталиги (ўз вақтида бошланиши, ҳар бир дақиқанинг тежалиши, мантиқий тугалланганлиги, дарс мобайнида ўқувчиларнинг онгли интизоми)га эришади.

### **Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар**

73. Мустақил таълим ва уларнинг асосий турлари нималардан иборат?
74. Мустақил билим эгаллашнинг асосий воситалари нималардан иборат?
75. Ўқитувчи маҳоратини шакллантиришда амалий машғулотларнинг ўрни?
76. Семинар дарси талабаларни билим олишида қандай ўрин тутди?
77. Семинар дарси қандай функцияларни бажаради?
78. Нима сабабдан олинган билимни вақти-вақти билан такрорлаб туриш лозим?
79. Семинар дарси муваффақиятли ўтиши учун, сизнингча нима қилиш керак?
80. Иқтисодчи-педагог кадрлар тайёрлаш маҳорати нималардан иборат?
81. Иқтисодчи-педагог кадрлар тайёрлаш малакасини ошириш.
82. Иқтисодчи-педагог кадрлар тайёрлашда қўлланиладиган методлар ҳақида гапиринг?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагог мутахассислигига тайёрлаш технологияси. – Т.: ТДПУ, 2000.
2. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: ТДПУ, 2003.
3. Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 2004.

4. Очилова Г. Педагогик маҳорат. – Т., 2005.
5. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Т., Жумабоева Ф.А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. – Т., 2002.
6. Хўжаев Н.Х., Ходиев Б. Ю., Янги педагогик технологиялар: Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2002.
7. Психология и педагогика. Под.ред. А.А.Радугина. – М., 2003.
8. Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А. Сласс-тенина. – М.: Академия. 2004.
9. [www.tgeu.uz](http://www.tgeu.uz).-Тошкент Давлат Итисодиёт Университети веб сайти.

### **ФАН БЎЙИЧА ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ**

Таълимнинг маданий инсонпарварлик вазифаси – кишининг ҳаёт тўсиқларини енгишга ёрдам берадиган маънавий кучи, қобилияти, малакалари, табиат ва ижтимоий ҳаётга мослашиш вазиятидаги характери, маънавий масъулиятининг шаклланиши, шахсий, касбий такомили ҳамда шахснинг ўзи томонидан амалга оширилишини таъминловчи имкониятлари, шахснинг интеллектуал, ахлоқий эркинликка, шахсий мухторияти шунингдек, бахтига эришиш учун зарур бўлган воситалар шахснинг индивидуал ижодий тарққий этиши ва маънавий имкониятларининг очилиши учун шароитлар яратиши.

Таълим турлари – суҳбат методи, анъанавий таълим, изоҳли-намунали таълим, билимларни мустақил эгаллаш, дастурлаштирилган таълим, таълимни алгоритмлаш жараёни, дифференцияли, индивидуал таълим ва бошқалар.

Тарбия – 1) шахснинг маънавий ва жисмоний ҳолатига мунтазам ва мақсадга мувофиқ, таъсир этиш; 2) педагогик жараёнда таълим мақсадларини амалга ошириш учун педагог ва тарбияланувчиларнинг махсус ташкил этилган фаолияти.

Таклиф қилиш – бирор ҳаракат, калик, аҳд, фикр ва ҳиссиёт такрорлар, айнан ўзлаштириш.

Педагогик фаолият – таълим мақсадларини амалга оширишга қаратилган ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури.

Педагогик ўйин – билим олишга қаратган ва маълум педагогик натижани кўзлаган ҳамда таълим жараёнида муайян мақсадни амалга оширувчи фаолият тури.

Педагогнинг коммуникатив маданияти – педагогнинг кишилар билан қисқа муддатда мулоқот ўрната олиши, улар билан мулоқот ва ҳиссий муносабати.

Педагогик ҳаққонийлик – ўқитувчининг объективлик мезони, унинг маънавий тайёргарлик даражаси.

Тафаккур инсон ақлий фаолиятининг олий шакли, инсонларни ўраб олган дунёдаги ўзаро боғланган нарса ва ҳодисаларнинг билиш жараёни, муҳим ҳаётий жараёнларни ҳис қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш, маълум бўлмаган воқеа ҳодисаларни қидириш, келажакни кўра олиш. Тафаккур, тушунча, ҳукм, хулоса шаклларида намоён бўлади.

Темперамент – 1) шахснинг психик фаолияти динамикасининг турли жиҳатларини билдирадиган турғун индивидуал хусусиятларнинг қонуний муносабатлари; 2) шахснинг динамик хусусиятлари, интенсивлик, тезлик, темп, психик жараёнлар ва ҳолатлар ритми.

Тест – 1) стандарт шаклдаги топшириқлар бўлиб, ақлий тараққиёт, қобилият, билим ва малакани аниқлаш мақсадида ўтказиладиган синовдир; 2) аниқ, социологик тадқиқотларда фойдаланиладиган тарқатма материал, совалнома; 3) шахс руҳияти ва ҳуққини аниқ миқдорий ва маълум сифат баҳоларини олдиндан берилган баъзи стандарт тест меъёрлари билан қиёсий ўрганишга мўлжалланган психологик тадқиқотларнинг стандартлаштирилган методи.

Технология - ишлаб чиқариш жараёнида ашёлар, материаллар, ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлаш, мита тайёрлаш, ашёнинг ҳолати, хусусияти, шаклини ўзгартириш методлари тўплами.

Тизим – 1) яхлит таълимни, унинг бирлигини белгиловчи бир-бири билан қонуний боғлиқ аксарият унсурлар (предметлар, ҳодисалар, қарашлар, билимлар ва бошқалар); 2) қисмларнинг маълум бир боғланишларда, ҳаракатларнинг ўта изчилликда режали, тўғри жойлашиш тартиби.

Фаолият – 1) онгли мақсад билан бошқариладиган кишининг ички (руҳий), ташқи (жисмоний) фаоллиги; 2) атроф-муҳитнинг кишилар томонидан мақсадга мувофиқ қайта бунёд этилиши.

Фаолиятнинг етакчи тури-бола ҳаётининг муайян даврдаги психик ривожланишини етарли даражада таъминловчи ҳамда кейинги тараққиётга асос бўлувчи фаолиятдир.

Фундаментал – асосий фундаментал хайрихоҳлик – кишиларга очик кўнгилли бўлиш, илтифотли, марҳаматли бўлиш.

Шахс – 1) кишиларнинг ижтимоий ҳуққли, инсонлар орасида ўзини тутишини акс этирадиган руҳий сифатлар мажмуини билдирувчи тушунча; 2) турли-туман сифатлар тизимидаги кишининг руҳий, маънавий моҳияти; 3) ижтимоий моҳият касб этган ва ўз-ўзини англаш қобилиятига эга бўлган киши.

Шахс динамикаси – кишининг онтогенетик ривожланишини ўз ичига олган субъектнинг хусусиятлари ва сифатнинг вақтга нисбатан ўзгариш жараёни.

Эътиқод – шахс амал қиладиган билим, тамойил ва ҳодисаларнинг ҳаққонийлиги, қалбан ва асосли ишонч билан боғланган, унинг атроф-муҳитга ҳамда ўзининг ҳатти-ҳаркатларига бўлган субъектив муносабати.

Ўз-ўзини тарбиялаш – 1) шахсга хос бўлган маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишига қаратилган изчил ва онгли фаолияти; 2) шахснинг ўз жисмоний, руҳий ва ахлоқий сифатларини тинмай амалга ошириш. Ўқитиш –

таълим олувчининг билиш фаолиятини бошқаришга қаратилган ўқитувчининг фаолияти.

Ўқитиш – 1) таълимнинг ўзига хос усули бўлиб, шахсга назарий ва амалий билимлар бериш жараёнида унинг ривожланиши таъминланади; 2) ўқувчи ва ўқитувчи, ўқувчининг бошқа ўқувчилар билан алоқаси натижаси ўлароқ атроф-муҳит, унинг қонуниятлари, тараққиёт тарихи ва уларнинг ўрганилиш усулларини билишнинг мунтазам бошқарилиш жараёни.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти – ижтимоий педагогик феномен бўлиб, ижобий имкониятни акс эттириш, кундалик фаолиятдан четга чиқишдир.

Ўқитиш вазифаси – таълимий, тарбиявий ва ривожланиш вазифалари.

Ўқитиш турлари – суҳбат методи, қолоқ таълим изоҳлаш, намоёиш этиш асосида ўқитиш, билимларни мустақил эгаллаш, дастурлаштирилган таълим, ўқув жараёнини алгоритмлаш, дифференциялаш ҳамда индивидуал таълим ва бошқалар.

Ўқиш – ўқувчининг ўз қобилияти билими, малака ва кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган ҳаракат.

Ўқувчиларни касбга йўналтириш – ўқувчи-ёшларга келажакда ўз касбларини аниқлаб олиш учун ёрдам кўрсатишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, психологик, педагогик, тиббий-биологик ва ишлаб чиқариш техник тадбирларнинг асосланган тизими.

Ўқув билиш фаолияти – инсоният томонидан тўпланган маданий бойликни эгаллаш билан боғлиқ фаолият.

Ўқув фаолияти шахснинг янги билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш жараёни.

## ÒÀÂÑÈВ ÝÒÈÈÀÄÈÄÀÍ ÀÄÄÁÈ"ÒÈÀÐ

### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни. Тошкент. «Шарқ» 2001. Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. 3-8 бетлар.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т. «Ўзбекистон» 1997. Тошкент. «Шарқ» 2001. Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. 18-52 бетлар.

### **2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари.**

3. «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори. Халқ сўзи газетаси, 2005 йил, 3-июн.

### **3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари.**

4. Ислон Каримов. «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги 2005 йил яқунларига бағишланган маърузаси. 10 феврал, 2006 й.
5. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётининг янги авлодини яратиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 341-сонли қарори.
6. «2010 йилгача бўлган даврда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими педагог ва муҳандис педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4-октябрдаги 400-сонли қарори.

### **4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.**

7. Ислон Каримов. «Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор» Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2006 йил 25 феврал.
8. Ислон Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.
9. Ислон Каримов. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Т., «Ўзбекистон» 1999 й.
10. Ислон Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т., «Ўзбекистон» 1999 й.
11. Ислон Каримов. Баркамол авлод орзуси Т., «Шарқ» 1999 й.
12. Ислон Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон» 1999 й.

## **5. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари.**

13. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълимга оид меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2000 йил 22 сентябр 251 сонли буйруғи.
14. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Ижтимоий гуманитар фанлар бўйича маъруза матнларини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида”ги 2000 йил 19 июн 176 сонли буйруғи.

## **6. Дарсликлар**

15. Е.Н. Пронина, В.В. Лукашевич. “Психология и педагогика”. Учебник для студентов ВУЗов. – М.: Элит, 2004.
16. Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А. Слостенина. Москва «Академия». 2004.
17. Слостенин В.А., Исаев И.Ф., Михенко А.И., Шиянов Е.Н. Педагогика. – Москва: Школьная пресса, 2004.
18. Психология и педагогика. Под. ред. А.А. Радугина. Москва 2003.
19. Слостенин В.А., Исаев И.Ф., Михенко А.И., Шиянов Е.Н. Педагогика. Учебное пособие. – М.: Школьная Пресса, 2002.
20. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. М.: «Педагогика» 2000 г.
21. Бордовская Н.В., Реан А.А. «Педагогика» Учебник для вузов Санкт-Петербург «Питер», 2000 г.

## **7. Ўқув қўлланмалар**

26. Хўжаев Н., Мамажонов И. Янги педагогик технологиялар. Маърузалар матни. – Т. 2005.
27. Мамажонов И. Касбий таълим услубиёти. Маърузалар матни. – Т., 2005.
28. Хўжаев Н., Шарипов Ш. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Маърузалар матни. – Т., 2005.
29. И. Иномов, И. Мамажонов Иқтисодий тарбия назарияси. – Т.: Талаба 2005.
30. Мамажонов И. Янги педагогик технологиялар. Масалалар тўплами. – Т., 2005.
31. Мамажонов И. Касбий таълим услубиёти. Масалалар тўплами. – Т., 2005.
32. Ёўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. – Т., Ўқитувчи, 2004.
33. Волжский А. Методика воспитательной работы с молодежью. – М., 2003.
34. Котов В. Воспитательная работа в школе: опыт и проблемы. – СПб.: Сев. сияние 2003.
35. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.
36. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси. – Т. 2003.
37. Хўжаев Н. ва бошқалар. Педагогика асослари. – Т., 2003.
38. Хўжаев Н. ва бошқалар. Таълим назарияси. – Т., 2003.

39.Баубекова Г.Д., Халикова Г.Т. Образование: опът, проблемў, перспективў. – Т., 2002.

40.Зиёмухаммадов Б., Абдуллаева Ш. Илғор педагогик технология: назария ва амалиёт. «Маънавият асослари» дарси асосида ишланган услубий қўлланма. – Т., 2001.

41.Хўжаев Н. ва бошқалар. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Фан, 2002.

42.Шуркова Н. Е. Педагогическая технология. – М.: Педагогическое общество России. 2002.

43.Новий педагогические и информационные технологии в системе образования. – М.: Академия, 2002.

44.Тожиев М., Салахутдинов Р., Баракаев М., Абдалова С. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари. – Т., 2001.

45.Сонневелд Г. Ўзбекистонда касб-хунар таълими ислохотида қўмак. ТАСИС лойиҳаси. – Т., 2001.

46.Замонавий таълим технологиялари: мазмуни, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Экспрес қўлланма. – Т., 2001. ТАСИС лойиҳаси.

47.Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма – Навоий: Насаф, 2000.

48.Юзвяичение П.А. Теория и практика модульного обучения. – М.: Каунас, 2000.

49.Решетников П. Е. Нетрадиционная технологическая система подготовки учителей: рождения мастера. – М.: Владос, 2000.

50.Монахов В.М. Аксиоматический подход к проектированию пед. технологии. 2000.

51. Кларин В.М. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: Знание, 2000.

52.Педагогические технологии: Что это такое и как их использовать в школе. Под ред. Т.И. Шамовой, П.И. Третьякова. – М., 2000.

53.Подласый И.П. «Педагогика» в 2 книгах. – М.: Владос, 1999.

54.Фарberman Б. Л. Передовые педагогические технологии. – Т.: Фан, 2000.

55.В. Каримова. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. – Т.: Университет, 2000.

56.Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – қ.: Насаф, 2000.

### **8.Монография ва илмий мақолалар**

3. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Фан, 2005.

4. Бекмуродов А. ва б. Ўзбекистон иқтисодиётида либераллаштириш йилларида.1-қисм. Макроиқтисодий сиёсат ва иқтисодий ислохотлар. – Т.: ТДИУ, 2005.

5. Бекмуродов А. ва б. Ўзбекистон иқтисодиётида либераллаштириш йилларида. 3-қисм. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожидавр талаби. – Т.: ТДИУ, 2005.

6. Бекмуродов А. ва б. Ўзбекистон иқтисодиётида либераллаштириш йилларида.4-қисм. Молия ва банк тизимидаги ислохотлар самараси. – Т.: ТДИУ, 2005.



7. Бекмуродов А. ва б. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида. 5-қисм. Ташқи иқтисодий сиёсат: савдо ва инвестициялар оқимлари. – Т.: ТДИУ, 2005.

8. Саченчо И.П. Диагностика развития педагогического творчества учителя. – Пятигорск, 2002.

9. Гулбоев Т, Янги педагогик технологиялар ва уларни таълим жараёнига тадбиқ этиш. – Навоий, 2001.

### **9. Докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялари**

64. Чориев Р. «Инженер-педагогларнинг касбий малакаларини шакллантириш» номзодлик диссертацияси. – Т., 2005.

65. Маҳкамов М. «Бўлажак тарбиячиларнинг педагогик мулоқот маданиятини шакллантириш» номзодлик диссертацияси. – Т., 2005.

66. Раҳимов. Б «Бўлажак ўқитувчида касбий маданий муносабатларнинг шаклланиши» номзодлик диссертацияси. – Т., 2004.

67. Ражабова С. «Касб-ҳунар коллежи ўқитувчисининг касбий маҳоратини оширишнинг ташкилий педагогик асослари» номзодлик диссертацияси. – Т., 2004.

68. Нуриддинов Б. «Касб таълими ўқитувчилари малакасини оширишда фаол ўқитиш методларидан фойдаланишнинг илмий педагогик асослари». номзодлик диссертацияси. – Т., 2002.

69. А. Абдиев. «Касб-хунар коллежларида иқтисодий таълим ва тарбия жараёнларини такомиллаштириш йиллари». – Т., 2002. Магистрлик диссертацияси.

70. Ш. Салиев. «Касб-хунар коллежлари учун иқтисодчи кадрлар тайёрлаш йиллари». – Т., 2002. Магистрлик диссертацияси.

71. И. Мамажонов «Бўлажак иқтисодчи ўқитувчи кадрлар тайёрлашда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш» Т., 2001. Магистрлик диссертацияси.

### **10. Илмий амалий анжуманлар маърузалар тўплами**

72. Фарберман Б. Л. Раздаточнўе материалў методического семинара по передовўм педагогическим технологиям. – Т.: 13-14-15 июня 2005.

73. Илғор педагогик технологиялар асрсиди дарс ўтиш йиллари. Ўқув услубий ишланмалар тўплами. – Т.: ТДИУ. 2005.

74. Педагогик ва ахборот технологиялари: ютуқлар ва истиқболлари. – Т. ЎзПФИТА. 2003.

75. «Таълим самарадорлигини ошириш йиллар» мавзусидаги семинар тренинг материаллари. – Т.: 2002.

76. Иқтисодий таълим: назария, тажриба, муаммолар ва истиқбол. Халқаро илмий-амалий анжуман. 19 апрел, 2001.

### **11. Газета ва журналлар**

83. Иқтисодиёт ва таълим. // Журнал. 2005 йил 1-2 сонлари.

84. Халқ таълими. // Журнал. 2005 йил 1-2 сонлари.

85. Таълим ва тарбия. // Журнал. 2005 йил 3-4 сонлари.

86. Иқтисодиёт ва таълим. // Журнал. 2004 йил 1-2 сонлари.

87. Халқ таълими. // Журнал. 2003 йил 3-6 сонлари.

88.Маърифат. // Газета. 2003 йил 18 апрел сони.

89.Маърифат. // Газета. 2002 йил 26 май сони.

## **12.Интернет сайтлари**

82. [www.plekhanov.ru](http://www.plekhanov.ru)

83. [www.tgeu.uz](http://www.tgeu.uz)

84. [www.tatu](http://www.tatu).

85. [www.pomorsu.ru](http://www.pomorsu.ru)

86. [www.MTU-NET.ru](http://www.MTU-NET.ru)

87. [www.bankreferatov.ru](http://www.bankreferatov.ru)

88. [www.elsu.ru](http://www.elsu.ru)

89. [www.mgoru.ru](http://www.mgoru.ru)

## **13.Электрон дарслик ва ўқув қўлланма**

90. Г. Очилова. “Педагогика” дарслик. – Т., 2005.

## **14.Битирув малакавий ишлари**

91. Ахмедов Ш.. Узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви. – Т., 2005. (БМИ).

92. Шамсиев +. Дарсларни замонавий ташкил этишнинг шакл ва услублари. – Т., 2005.(Б.М.И.)

93.Рахимжонов Н. Ёшлар иқтисодий тафаккурини шакллантиришда оиланинг роли. БМИ. 2005.

94.Чориев Б. Илғор педагогик технологияларни ўқув жараёнида қўллаш. БМИ. 2005.

95.Алимухаммедов А. Иқтисодий фанларни ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш. – Т., 2004. (Б.М.И.)

## МУНДАРИЖА

|                 |                                                                                                       |                 |
|-----------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------|
|                 | <b>Кириш</b>                                                                                          | 3 - 6           |
| <b>I БОБ.</b>   | <b>“Касбий маҳорат” фанининг илмий-назарий асослари.</b>                                              | <b>7 - 19</b>   |
| 1.1.            | “Касбий маҳорат” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.....                                        | 7 - 9           |
| 1.2.            | “Касбий маҳорат” фанининг бошқа фанлар билан алоқаси.....                                             | 10 - 13         |
| 1.3.            | Илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш услубиёти.....                                                  | 13 - 18         |
| <b>II БОБ.</b>  | <b>“Касбий маҳорат” фанининг асосий йўналишлари.</b>                                                  | <b>20 - 37</b>  |
| 2.1.            | Ўқитувчининг таълим жараёнига таъсир кўрсатиш услубияти .....                                         | 20 - 23         |
| 2.2.            | Бўлажак мутахассисларда ахлоқий маданиятни шакллантириш хусусиятлари .....                            | 23 - 29         |
| 2.3.            | Марказий Осиё мутафаккирлари таълим-тарбия ҳақида ва уларнинг фаолиятидаги ўрни .....                 | 29 - 36         |
| <b>III БОБ.</b> | <b>Таълим жараёнини ташкил этишда ўқитувчининг касбий маҳорати.</b>                                   | <b>38 - 62</b>  |
| 3.1.            | Касбий таълим мазмуни.....                                                                            | 38 - 41         |
| 3.2.            | Дарс жараёнида касбий маҳорат.....                                                                    | 41 - 54         |
| 3.3.            | Меҳнат ва касб таълими услубияти.....                                                                 | 55 – 61         |
| <b>IV БОБ.</b>  | <b>Тарбия жараёнида ўқитувчининг касбий маҳорати.</b>                                                 | <b>63 - 84</b>  |
| 4.1.            | Ўқитувчининг тарбиявий маҳорати .....                                                                 | 63 - 68         |
| 4.2.            | Жамоани шакллантириш ва унда шахсни тарбиялаш услубияти.....                                          | 69 - 75         |
| 4.3.            | Тарбиявий ишда театр педагогикаси.....                                                                | 75 - 82         |
| <b>V БОБ.</b>   | <b>“Касбий маҳорат” фанини ўқитиш жараёнида таълим технологияси.</b>                                  | <b>85 - 98</b>  |
| 5.1.            | Янги педагогик технологиялар.....                                                                     | 85 - 89         |
| 5.2.            | Ўқув машғулотларини лойиҳалаштириш услубияти.....                                                     | 89 - 94         |
| 5.3.            | Педагогик технология мониторинги ва ўқитиш пирамидаси.....                                            | 94 - 97         |
| <b>VI БОБ.</b>  | <b>Таълим жараёнини бошқаришда ўқитувчининг касбий маҳорати.</b>                                      | <b>99 - 114</b> |
| 6.1.            | Ўқитувчи маҳоратини ташкил этишнинг шарт-шароитлари.                                                  | 99 - 102        |
| 6.2.            | Амалий машғулотларни ташкил этишда ўқитувчининг касбий маҳорати.....                                  | 102-107         |
| 6.3.            | Иқтисодчи педагог кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда ўқитувчининг касбий маҳорати ..... | 107-113         |
|                 | <b>Фан бўйича изоҳли луғат.....</b>                                                                   | <b>115-117</b>  |
|                 | <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>                                                          | <b>118-122</b>  |